

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ШАРИПОВА АЗИЗА

**СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР
ТАРЖИМАСИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ**

(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида)

Тошкент – 2017

УЎК: 811.111'255.4

КБК:81.2 Ингл-5

Ш 26

Шарипова А.Стилистик синонимлар таржимаси хусусиятлари
(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида).Т: “Алоқачи” 2017.
– 164 б.

ISBN 978-9943-326-91-0

Монография стилистик синонимларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш муаммоларини ўрганишга бағишланган. Стилистик синонимлар, уларнинг таснифи, таржимадаги хусусиятларига алоҳида эътибор берилди. Бадний матиларни таржима қилишда уларнинг хусусиятларини таржима жарафидида инобатга олишиси ва бошиқа таржима трансформациялари қаторида стилистик трансформацияларининг қўлланиш қонуниятлари кўрсатиб ўтилган.

Монография тилшунослар, таржимонлар, таржимашунослик соҳасида таълим берадиган ўқитувчилар ва соҳага каттисосланувчи талаба ва магистрларга мўлжалланган.

УЎК:811.111'255.4

КБК: 81.2 Ингл-5

Тақризчилар:

М. Холбсков – филология фанлари доктори, профессор

Н.Қамбаров – филология фанлари номзоди, доцент

ISBN 978-9943-326-91-0

«Алоқачи», нашриёти, 2017.

МУНДАРИЖА

| | |
|---|------------|
| Криш | 4 |
| 1-БОБ. Замолавий таржимашуносликда трансформация аспектлар | 12 |
| 1. Трансформация таржиманинг асосий тушунчаси сифатида | 12 |
| 2. Таржима трансформацияларнинг таснифи | 23 |
| 3. Таржима трансформацияларини қўллаш принциплари | 31 |
| 4. Таржима трансформацияларининг қўлланиш сабаблари | 36 |
| 2-БОБ. Бадиий матннинг стилистик хусусиятлари | 40 |
| 2.1. Бадиий матндаги стилистик воситалар | 40 |
| 2.2. Бадиий матндаги лексик-стилистик услублар | 70 |
| 2.3. Бадиий матн ва стилистик маъно | 81 |
| 3-БОБ. Бадиий матн ва стилистик трансформациялар | 91 |
| 3.1. Бадиий матн хусусиятлари | 91 |
| 3.2. Бадиий матннинг лексик хусусиятлари | 93 |
| 3.3. Бадиий матннинг стилистик хусусиятлари ва стилистик трансформациялар | 96 |
| 4-БОБ. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш хусусиятлари | 108 |
| 4.1. Инглиз тилидаги сўз қатломлари ва таржима | 108 |
| 4.2. НеЙтрал сўзлар таржимаси | 116 |
| 4.3. Оғзаки нутқ услубига оид сўзлар таржимаси | 119 |
| 4.4. Адабий сўзлар таржимаси | 128 |
| 4.5. Глоссарий | 131 |
| 4.6. Стилистик синонимларни таржима қилиш йўллари ва усуллари | 137 |
| УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР | 147 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 150 |
| Глоссарий | 158 |

Кириш

Республикамызда халқимиз ижтимоий ҳаётининг ҳамма соҳаларида бўлгани каби, илм фан соҳаси ҳам тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйди. Юртимиз илм фани ривожининг бугунги кунда жаҳоннинг энг ривожланган давлатларида ҳам эътироф этилаётганлиги, илм фан ютуқларининг амалиётга жорий этилаётганлиги қувончли ҳол бўлиб, бу бевосита миллий мустақилликка эришганлигимиз натижасидир. Маълумки, тил жамият ҳаёти билан боғлиқ ҳолда ривожланади, жамият ҳаётида содир бўлаётган ҳар бир янгилик, ҳар бир ўзгариш тил сатҳларида у ёки бу даражада ўз аксини топиши табиий. Ўзбек тилшунослиги ўзининг ўтган қисқа давр ичидаги тараққиётни давомида тил сатҳларини тадқиқ этиш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан янада такомиллашди. Республикамызнинг биринчи Президентги И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида шундай ёзган: “Биз аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимызни асраб авайлашимиз, уни бойитиш, нуфузини янада ошириш устида доимий ишлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимызнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий лугатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий

ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир”¹.

“Ватанчимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги қуни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўэътибори аввало фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб борашига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”.

Мустақилликка эришишимиз жамиятимиз ҳаётида ҳар томонлама улкан муваффақиятларнинг кенг қўламли бўлиши учун беқиёс имкониятларни яратиб берди. Бундай имкониятлар жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган халқимиз ҳаётининг барча соҳаларида бемалол намоён бўлмоқда.

Бевосита таълим тизимида кенг қўламли ислохотларнинг амалга оширилишига алоҳида аҳамият қаратилаётганини назарда тутганимизда баркамол авлодни шакллантириш, республикамиз келажакнинг пойдеворини мустаҳкамлаш масаласи энг долзарб бўлиб бораётганлиги қувонарли ҳол, албатта. Шунга қўра, мазкур жараённи чуқурлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилинди. Шунингдек, таълим тарбия, кадрлар тайёрлаш масалалари бўйича бир қатор тармоқ дастурлари қабул қилинди. Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан мованд тарзда яратилишининг бирдан-бир шарти таржимоннинг ўз тилида аслиятга ҳос грамматик воситалар танлаб ифода этишидадир. Бу масъулият унинг зиммасига аввало аслият маъно ва вазифасини бекамукўст идрок этиш, сўнгра хотирасида шаклланган фикрнинг ўз

¹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч, Т.: “маънавият”, 2008. – 176 б.

тили маданияти ва меъёри асосида тўлатўқис ифода этилиш масаласини юклайди. Айниқса, тиллардаги кўп маънолиликни тўғри талқин этиш таржимон олдида турган бирламчи вазифадир. Бизнинг мамлакатимизда таржима тахлилига бағишланган тадқиқотларнинг кўпчилиги дастлаб адабий-тарихий, айримлари лингвистик йўналишларда олиб борилди. Биринчи йўналиш тарафдорлари асосий эътиборни ўгирилайтган асарнинг бадний-эстетик қийматигагина қаратиб, бадний асарнинг бирламчи асоси бўлмиш лисоний жиҳатини назардан соқит қилган бўлсалар, иккинчи йўналиш тарафдорлари қиёсланаётган икки тил воситаларининг кўпроқ луғавий мувофиқликларидан келиб чиқиб, асарнинг бадний жиҳатига кам эътибор бердилар. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз илмий-адабий жамоатчилиги эътиборини тортди. Мустақил Республикаимизда ҳозирги кунда таржимонлик соҳасига, айниқса чет тили бадний асарларини ўзбек тилида акс этишига катта эътибор берилётганлиги бежиз эмас. Таржима бу юксак бадний ижоддир, ижод бўлганда ҳам гоҳида аслият муаллифидан кўпроқ изланиш, меҳнат сабртоқат талаб қиладиган, турли хил материаллар устида тахлиллар олиб борадиган ижоддир.

Таржимашунослик, бошқа фан соҳалари каби, ўз тушунча ва терминларига эга. Аксарият ҳолларда ана шу тушунча ва терминларни тўғри таърифлаш, ўз ўрнида самарали қўллаш таржиманинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Монографиянинг сарлавҳасига олиб чиқилган синонимлар таржимаси таржимашуносликнинг, айниқса, бадний матн ва бадний таржимадаги энг муҳим тушунчаларидан бири ҳисобланади ва у турли трансформацияни назарда тутди. Тилшуносликнинг турли соҳаларининг жадал суръатлар

билан ривожланиши хусусий таржимашуносликнинг нисбатан ёш соҳаси инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилишда баъзи масалаларга аниқлик киритиш, бевосита таржималарга қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш, сўнгги йилларда таржима назариясида қўлга киритилган ютуқларни татбиқ этишни талаб этади.

Ўтган асрнинг 70 – 80 йилларида матн назарияси, хусусан, матн лингвистикаси ва матн типологиясининг пайдо бўлиши таржимашуносликни ривожлантиришга катта тurtки бўлди. Таржима жараёнида матннинг тури ва хусусиятлари таржима сифатига таъсир кўрсатиши қатор илмий ишларда ўз тасдиғини топди. Мисол сифатида И.С.Алексеевнинг “Текст и перевод. Вопросы теории” монографиясини келтириш мумкин. Лингвистикадаги янгиликлар, бир томондан, кўп назарий масалаларга аниқлик киритган бўлса, таржимонларнинг келгусида қиладиган ишларини белгилаб берган бўлса, иккинчи томондан, таржимага оид бошқа ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни ҳам кўрсатди. Жумладан бундай масалалар сирасига бадний матнда қўлланган стилистик синонимларни таржима қилишда нималарга аҳамият бериш, қандай таржима трансформацияларидан фойдаланиш, трансформацияга сабаб бўладиган омиллар, таржима муносабати билан контактга кирган тилларнинг лексик, грамматтик, стилистик хусусиятлари, уларнинг бир-бирига қариндошлик даражалари ва бунинг таржимага таъсири киради.

Таржимашунослик бағрида янги илмий йўналиш – матн транслатологиясининг пайдо бўлганлигидан далолат беради. Матн транслатологияси терминини ўзбек тилига матн таржимашунос-

лиги деб таржима қилиш, бизнинг фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлади. [4, Б. 6.]

Матн таржимашунослиги ва таржима назарияси бўйича сўнгги йилларда ватанимизда, Россия ва хорижда чоп этилган адабиётларда матнга йўналтирилган таржима назарияси бўйича илмий тадқиқотнинг камлигини сезиш мумкин. Бу таржима назарияси ва матн ўртасидаги муносабат тан олинмайди деган фикрга олиб келмайди, чунки таржимада матннинг услубий хусусиятлари ҳисобга олинмиши лозимлиги таржимонларга аллақачон аён бўлган ҳақиқат ҳисобланади. Гап фақат бу нарсаларни илмий ёритиш билан боғлиқ масалаларга бориб тақалади. Мазкур масала инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилиш ва уни стилстик трансформация нуктан назаридан илмий ёритилмаганини таъкидлаш лозим. Бироқ бу масала айрим илмий мақолалар доирасидагина кўриб чиқиляётганини гувоҳи бўлишимиз мумкин, яъни бу масала алоҳида монография мавзуси сифатида шу пайтгача кўриб чиқилмаганини эътироф этиш мумкин.

Таржимашуносликдаги эквивалентлик, муқобиллик ва адекватлик каби асосий тушуинчалар ва улар ўртасида муносабатлар фақат матннинг турига ва унда қўлланган трансформацияларнинг ўринли ва самарали қўлланишга қараб белгиланиши мумкин. Бу ерда бошқа бир масалани ҳам ҳал қилинишини тилга олиш жойиз ҳисобланади. Таржима матнини таҳлил қилиш методикаси. Таржимани таҳлил қилиш нимага, қандай принципларга асосланишини белгилаш ҳам муҳим омилдир. Таржима муаммоларини матн турига қараб белгилаш уни тўғри ва объектив таҳлил қилиш имкониятини беришидан далолат беради. Аслият ва таржима матнини

лингвостилистик микроструктура сатҳида таҳлил қилиш эквивалентлик даражасини матн макроструктураси белгилаш имконини беради. Юқоридаги тилга олинган хусусиятларни айрим турдаги матнлар инглиз тилидан ўзбек тилига бевосита таржима қилишда хусусий назарияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш яхши натижа беради деб ўйлаймиз.

Ўртага ташланган таржимашуносликнинг назарий ва амалий муаммоларини хорижда, Россия ва Ўзбекистонда тўпланган бой тажрибалар асосида ривожлантириш имконияти мавжуд. Шу пайтгача таржима назариясига асос солган, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшган машҳур олимлар А.В.Федоров, Л.С.Бархударов, В.Н.Комиссаров, А.Д.Швейцер, И.Я.Рецкер, Л.К.Латышев, Р.К.Миньяр-Белоручев, Е.В.Бреус ва шу қабилар билан бир қаторда ҳозирги кунда Н.М.Гарбовский, Л.Л.Нелюбин, В.В.Алимов, Г.Э.Мирам, Т.А.Казакова, И.С.Алексеевалар таржима назариясининг янги йўналишлари бўйича илмий иш олиб бориб, унинг янги қирраларини кашф этишмоқда.

Ўзбекистонда таржима назариясини ривожлантиришга XXI асрнинг бошигча Ж.Шарипов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, Қ.Мусоев ва шу қабилар ҳисса қўшиб келишди. Эндиликда бу соҳани янада чуқурроқ ва замонавий ёндашувлар асосида назарий ва амалий жиҳатлардан ўрганиш хорижий тиллар бўйича Ш.Мунавваров, Б.Эрматов, М.Холбеков, И.Ғафуров, О.Мўминов, Н.М.Қамбаров ва бошқалар томонидан давом эттирилмоқда.

Бадний таржиманинг, хусусан шеърини таржиманинг назарий ва амалий масалалари билан Б.Холбекова, Д.Султанова каби амалиётчи таржимашунослар фаолият кўрсатишмоқда. Улар

нафақат инглиз тилидан ўзбек тилига, балки ўзбек тилидан инглиз тилига бевосита таржима қилишни амалга қўрсатишга мувоффақ бўлишмоқда.

Тиллар ривожланиш жараёнида лугат бойлигини фақат ўз сўз манбаига эмас, балки бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳисобига ҳам кенгайтириб боради. Тил тарихининг ривожланиши турли даврларда турли хусусиятлари билан ажралиб туради. Герман тилларининг узоқ тарихга эга бой тилларидан бири инглиз тилида бир қатор янги деривацион аффиксларнинг пайдо бўлиши инглиз тилига хорижий тиллардан қўшлаб сўзларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Муайян шароитлар таъсирида бошқа тилдан кирган аффиксларнинг баъзилари семантик жиҳатдан тилдаги аффиксларнинг ўрнини эгаллади.

Мазкур монографиянинг бобларидан бирида биз маънолари ўхшаш шакллари бутунлай бошқа, синонимлар деб аталадиган сўзларни кўриб чиқамиз. Синонимларнинг ҳар бир гуруҳи бир хил тушунчаларни бирлаштирган birlikларни ҳар томонлама қўрсатади. Синонимлар таркибига кирган тушунчанинг турли хусусиятларини илгар-илганмас маъно нозикликларини ифодалаб, эмоционал рангбарангликни ҳамда модал маънони фарқлайди.

Бошқа тиллар ичида инглиз тили синонимларга бой тиллардан бири ҳисобланади. В. Кузнецованинг инглиз тили лексикологияси бўйича берган маълумотига қараганда, инглиз тили элементар лугатида 8000 мингдан ортиқ синоним бўлиб, уларнинг бунчалик қўплигининг ўзига хос сабаблари мавжуд экан. Асосий сабабларидан бири бошқа тиллардан жуда қўп сўзлар ўзлаштирилгани ҳисобланади [39, Б 67].

Энди синоним тушунчасининг таърифига тўхталсак. Р.З Гинзбург, С.С Хидекель, Г.Ю. Князева ҳамда А.А. Санкинлар “Инглиз тили лексикологи-яси” қўлланмасида синоним тушунчасига қуйидагича таъриф беришган: *synonym - is a word of similar or identical meaning to one or more words in the same language. All languages contain synonyms but in English they exist in superabundance. They're no two absolutely identical words because connotations, ways of usage, frequency of an occurrence are different. Senses of synonyms are identical in respect of central semantic trades but differ in respect of minor semantic trades*”. Таржимаси: синоним айни тилдаги бир ва ундан ортиқ ўхшаш ва бир хил (тенг) маънога эга бўлган сўзdir. Барча тилларда синонимлар мавжуд, бироқ инглиз тилида уларнинг сонин хаддан ташқари кўп. Мутлоқ бир хил сўз йўқ, зеро уларнинг коннотацияси, қўлланиш усуллари, (тилда) учраш частотаин турли хил. [28].

Ҳозирги инглиз тилида аксарият синонимлар стилистик катламларга бўлинган бўлиб, улар сўз маъноларини фарқлашга хизмат қилади. Синонимлар турли сўз туркумига мансуб бўлиб, оғзаки, нейтрал ва адабий сўзларга бўлинади. Синоним сўзларнинг барчасида мана шу 3 та катламга тегишлисини топиш осон иш эмас, чунки уларнинг аксарият қисмини нейтрал сўзлар ташкил этади. Бундан ташқари аксарият адабий қатламга тегишли синонимлар хорижий Тиллардан, хусусан, франсуз тилидан ўзлашган сўзлардан ташкил топган. Нейтрал ва оғзаки нутққа хос бўлган сўзлар эса соф инглиз сўзлари сирасига киради. Аксарият соф инглиз тили синонимлари маъно жиҳатидан чекланган ёки хорижий сўзлар ёки

терминлар сиқиб чиқарган бўлади. Бу ҳол инглиз тилининг ўзига энг муҳим хос хусусиятларидан бири ҳисобланади.

В.Кузнецованинг таъкидлашича, ҳар бир инглиз тилининг соф синонимлар гуруҳи француз тилидан ўзлашган сўзлардан бир қатор жиҳатлари билан фарқ қиларкан. Жумладан, соф инглиз тилидаги синонимлар одатда эмоционаллик даражаси кучли, нжобий маънони кўпроқ англатиб, қўлланиш даражаси баланд, француз тилидан ўзлашган сўзлар эсааксарият ҳолларда расмий, хушмуомаллаллиги ҳамда нисбатан камроқ эмоционаллиги билан ажралиб тураркан. Герман тилларидан ўзлашган сўзлар роман тилларидан кириб келган сўзларга нисбатан маънолари аниқроқ, конкретроқ. Бундан ташқари роман тилларидаги герман тилларига синоним ҳисобланган сўзлар аксарият ҳолларда мавҳумроқ ва кўчма маънога эга [39, Б. 68].

1-БОБ. ЗАМОНАВИЙ ТАРЖИМА ШУНОСЛИҚДА ТРАНСФОРМАЦИЯ АСПЕКТЛАРИ

1.1 Трансформация таржиманинг асосий тушунчаси сифатида

Таржима назарияси ривожда турли фанларнинг, жумладан, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, социология, психология, этнография, айниқса, матн тилшунослиги ва матншунослик соҳаларида тўпланган фон (маънавий) билимлар ва бой тажриба муҳим аҳамият касб этади. И.Ғафуров, айниқса, “таржима назариясида лингвистиканинг ўрни беқиёс” [26, Б.13] эканлигини қайд этиб ўтади. Шундай экан, ҳеч иккиланмай, жумладан, матн назарияси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Кейинги ўн йилликлар давомида лингвистик муаммолар кўп ва қайта-қайта ишланмоқда. Аёнки, нафақат таржимада, балки матнда ҳам лингвистикасиз ишонч билан қадам ташлаш қийин экан. Бундан ташқари, лингвистик муаммолар қаторида матнининг поэтик, эстетик, психологик, фалсафий, ижтимоий муаммоларини чуқур ва изчил ўрганиш бу соҳанинг муҳим вазифаларидан биридир. Шу билан бирга, бу соҳада Л.Бархударов, А.Федоров, А.Попович, В.Виноградов, В.Комиссаров, Е.Броус, Н.Пелевина, Ю.Катцер ва А.Кунин каби забардаст олимлар жиддий тадқиқотлар олиб борган.

Маданиятлараро коммуникация конуниятларини аниқлаш, аслият таржимасида кенг қамровли ахборотни ақс эттириш ва уларни тенг даражада узатиш усули ҳамда воситаларини тадқиқ этиш айна фанлар ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади.

Айниқса, тил ва матн инсон маънавий ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида таржима назарияси ва матншунослик фаннинг чамбарчарс боғлиқлигини кўрсатади.

Матннинг бир неча таърифлари мавжуд. Матншунос олимлардан бири Л. Лосева матннинг қуйидаги уч белгисини кўрсатиб ўтади:

- 1) матн – бу, ёзма шаклдаги ахборот;
- 2) матн мазмуний ва структуравий тугал кўринишга эга;
- 3) матнда муаллифнинг тақдим этилаётган ахборотга муносабати ўз аксини топади [46, Б. 4].

Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги йилларда амалга оширилаётган лингвистик тадқиқотларда айнан таржима муаммоларига катта эътибор қаратилмоқда. Таржима тушунчасига лингвистик нуқтаи назаридан қаралганда, уни “бир тилда яратилган нутқий ифода (матнни), унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратиш мақсад қилиб қўйилган ижодий жараён” [59, Б. 5] сифатида тушунилади. Демак, таржима у ёки бу тилда яратилган матнни иккинчи бир тил воситалари орқали қайта матн яратиш демакдир.

Тил ва нутқ бу – фаолият, матн бу – материал ва таржима эса бу – жараён деган хулосага келсак бўлади.

Кўриниб турибдики, “таржима назариясининг тадқиқ объекти таржима жараёни, таржима назариясини ривожлантиришга асос бўлувчи турли асарлар ва уларнинг таржима матнларидир” [65, Б. 6]. Таржима тушунчаси матн тушунчаси билан ўзаро узвий боғлиқ. Муайян бир матнсиз ҳеч қандай таржимани амалга ошириб бўлмайди. Таржима жараёнида аслият тили воситалари ёрдамида яра-

тилган матн – манба матн бўлиб, у таржима тили қонуниятлари ва имкониятларига мос равишда қайта шаклланади. “Таржима назариясининг асосий мақсади бир неча турдаги матнларни таржима қилиш усулларини аниқлашдан иборатдир” [24, Б. 18]. Таржима тиллар ўртасида кўприк вазифасини ўтайди.

Янада аниқроқ қилиб айтиладиган бўлсак, таржима бу худди дарёнинг бу қирғоғидан у қирғоғигача махсус нарса-предметларни ташишга мўлжалланган қайиққа, таржимон эса у қайиқнинг бошқарувчисига, матн эса қайиқ бошқарувчиси етказиб бериши зарур бўлган материалга ўхшайди.

Таржима матни билан манба матни ўртасида формал ва семантик меъёрий фарк бўлганлиги сабабли таржима матни мазмун ва шакл жиҳатдан манба матнидан маълум маънода фарк қилади. Шундай бўлишига қарамасдан, ўқувчилар манба матни таржима матни билан функционал, структураси ва семантикаси жиҳатдан бир хил, деб қабул қилишади. Зеро, манба матни билан таржима матни ўртасида ҳаммиса маълум маънода тафовут бўлган.

Манба матн таржиманинг структуравий қурилишида қуйидаги хусусиятларга эга:

- Баён қилиш кетма-кетлиги.
- Матндаги алоҳида бўлақлар тартиби ўзгармаслиги.

Бу хусусиятларнинг асосий мақсади таржима матнидаги ҳар бир бўлакни манба матнидаги тегишли қисми билан ўхшашлигини таъминлашдир. “Таржимон томонидан баён қилиш ёки изоҳлаш тартибини ўзгартиришга фақатгина тўғридан-тўғри (бевосита) таржима имкони бўлмагандагина йўл қўйилади” [58, Б. 9]

Манба матни ва таржима матни структурасининг ўхшашлиги таржима матнида аслиятдаги элементлар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги, қўшилган ёки тушириб қолдирилганлиги ҳамда уларнинг мувофиқлигини аниқлаш имконини беради. Манба матнини таржима қилишда мазмун ўхшашлиги муҳим аҳамият касб этади. Унда таржимон таржима тилида манба матнига энг мос, мувофиқ эквивалентлардан фойдаланади. Албатта, энг яхши натижаларга эришишда кишининг ички интуицияси асосий роль ўйнайди. “Таржима назарияси таржимонни анализ ва синтез қилиш учун зарур қоидалар, усуллар ва воситалар билан таъминлайди. Манба матнида нимани излаш кераклигини ўргатади, таржима қилинган матн қандай бўлишини ва таржимани қандай амалга оширишни тушунтиради” [58 Б, 10].

Таржима адабий, маданий, психологик, лисоний жараёндир. Бундан аниқлашладикки, таржима матни манба матни билан бир хил кийматга эга. Ҳар иккала матн ҳам тилшуносликнинг бир хил қонуниятларига асосланиб, таржимон нутқи орқали яратилади. Манба матнида нейтрал ва ҳис-ҳаяжон сўзлар, арханк сўзлар, истиора, ўхшатиш, ўзлашмалар, шева, жаргон, балаандпарвоз иборалар, ҳақорат сўзлар, мақол, иқтибос, нуқсонли ва нотўғри нутқ шакли билан ифодаланган сўзлар каби лисоний бирликларнинг маъноси сақлаб қолиниши зарур. Манба матни фан оламида барча фанлар ва илмий соҳаларга тегшлидир.

Биламизки, инсонлар турли хил тилларда мулоқотга киришади. Улар айнан бир маданият доирасида шакланган бўлиб, турли билим, ижтимоий ва тарихий ўтмишга эгадирлар. Бу табиий равишда таржимон стратегиясига таъсир кўрсатмай қолмайди,

чунки манба матнидаги айрим тушунчалар таржима ўқувчисига қисман ёки тўлиғича тушунарсиз бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда таржимон манба матнидаги тушунчаларни тушунарли қилиб ўқувчига етказиши талаб этилади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бирор бир тилдаги матни, манба матни иккинчи бир тилдаги матнга трансформация қилиш, ўзгартириш орқали, албатта, иккита матн ҳосил бўлади. Буларнинг биттаси бошланғич, дастлабки матн – аслият матни ёки манба матни бўлса, иккинчиси биринчи матн асосида маълум бир лисоний стилистик вазифаларни бажариш йўли билан вужудга келадиган таржима матнидир. “Аслият тилидаги матни таржима тилидаги матнга алмаштиришда маълум бир инвариант сақланиб қолиши шарт; ушбу инвариантнинг сақланиб қолиш даражаси таржима матнининг асл матнга нисбатан муқобиллик ёки адекватлик даражасини аниқлаб беради” [58, Б. 15]. Шу ўринда савол тутилши мумкин. Нима таржима жараёнида инвариант сифатида сақланиб қолади? Бу саволга жавоб топишда ҳар бир тил бирлиги шакл ва мазмунга эга эканлигини инобатга олиш керак. Бу борада тилларнинг шакл жиҳатидан фарқ қилувчи, аммо маъно жиҳатдан бир хил ёки ўхшаш бўлган тил birlikларига эгаллиги муҳим аҳамият касб этади. Масалан, немис тилидаги «Mutter» сўзи ўзбек тилидаги “она” сўзидан шакл жиҳатидан фарқ қилсада, маъно жиҳатидан унга ўхшаш. Бундай ҳодисалар таржима жараёнини қийинлаштиради ҳам, аммо унинг мазмунмоҳиятини ўзгартирмайди.

Таржима шаклига кўра ёзма таржима ва оғзаки таржима турларига бўлинади. Ёзма ва оғзаки таржима жараёни унда иштирок этувчи кишилар билан характерланади. Бунини шундан далолат ҳам мумкин!

таржима жараёнида таржима қилинадиган матн таржимон-нинг диққат марказида тургани ва унга фақат таржима тугагандан сўнг баҳо берилганлиги боис ҳам ёзма таржимада матн “коммуни-конт” ҳисобланади. Бу оғзаки таржимада таржимон коммуникант билан бевосита алоқада бўлади.

Таржимашунос олим А.Ф.Федоров ёзма таржимани қуйидаги гуруҳларга бўлади:

- Газета хабарлари, расмий ҳужжат ва махсус илмий матнлар таржимаси.
- Оммавий-сиёсий адабиёт, публицистик (ижтимоий-сиёсий масалаларга оид адабиёт ва нотиклик нутқи) таржимаси.
- Бадий асар таржимаси.

Оғзаки таржиманинг эса қуйидаги кўринишлари мавжуд:

- Ёзма матнни оғзаки таржима қилиш. Таржимон аслият матнни аввал ичида ўқиб ёки абзац билан ўқиб, кейин оғзаки таржима қилади.
- Оғзаки матнни ёзма равишда таржима қилиш [58, Б. 10].

Оғзаки таржиманинг бундай кўринишларни амалиётда камдан-кам учрайди. Оғзаки айтилган сўзларни стенография ёрдамида ёзиб олиниб, кейин стенографик матн таржимаси пайдо бўлади. Масалан,

? - ер юзи, дунё;

х - инсоният;

! - қомус, конституция;

“ - буйруқ, қарор [49, Б. 184-189].

Ёзма таржимада сиёсий-ижтимоий соҳага оид матнлар, яъни ҳужжатларни таржима қилишда эса сўз танлашга катта эътибор қа-

ратиш лозим. Сўз танлаш жараёнида таржима қилинаётган тилнинг эквивалентлари (муқобил сўзлар) муҳим аҳамият касб этади. Булар қуйидагилар:

1. Доимий эквивалентли сўзлар. Бу гуруҳдаги сўзларга реалиялар, газета тилига оид турли фразеологик бирликлар кирди.

2. Сўз танлашда таржимон зиммасига жуда кўп эквивалентларичидан матнга, контекстга қараб муқобил вариантни танлаши лозим бўлади.

3. Сўз танлашнинг бу ҳолатида таржимоннинг ўзи эквивалент топишига тўғри келади.

Энди таржима жараёнида муҳим аҳамият касб этган, истикболли ёзма таржиманинг муҳим қисми бўлган бадний таржиманинг турлари ҳақида сўз юритсак.

Магн бадний таржима жараёнида таржиманинг объекти, яъни таржимоннинг диққат марказида бўлган, энг кўп мурожаат қилинадиган материалдир. Ўз навбатида бадний таржима ҳам матннинг энг муҳим аспектидан бўлган шакл ва мазмунга кўра бир қатор турларга бўлинади. Булар:

- Ижодий таржима.
- Сўзма-сўз таржима.
- Эркин таржима.
- Образлаштирилган (идномалаштирилган) таржима.
- Мослама таржима.
- Муаллифлаштирилган таржима.
- Тадбиш таржима.
- Академик таржима.
- Билвосита таржима.

Юкорида тилга олинган таржима турлари таржима назарияси шаклланиши баробарида юзага келган. Шу ўринда, биз яна бир янги таржима тури сифатида лугатни киритишни таклиф этамиз. Зеро, лугат ҳам бир пайтнинг ўзида икки тилдаги лисоний бирликларнинг матидаги ифодасини билдиради. Зеро, таржима жараёнида “таржимоннинг энг яқин дўсти лугатдир” [80,36 Б]. Лугатлар таржиманинг бир тури ҳисобланиб, у хорижий тилларни ўрганишда, аслиятдаги матнларни таржима тилига ўгиришда муҳим восита ҳамдир.

Лугатлар энг кўп мурожаат қилинадиган матнларки, унда сўзлар ёки бошқа лисоний бирликлар бир қаторда тизилади, асосан алифбо бўйича тартибга келтирилади ва ҳар бир бош сўзга мос лисоний эквивалент тартибга солинади. Лугатлар бир неча аспектилар бўйича фарқланади.

1. Тилларнинг сонига кўра,

- бир тилли (English oxford dictionary)

- икки тилли (English-Russian, Russian-English).

2. Қамровига кўра,

- кичкина;

- ўрта;

- катта.

3. Мазмунига кўра,

- умумий,

- ўзига хос (ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий) лугатлар мавжуд.

Таржима маълум бир тилда яратилган муайян матннинг бошқа бир халқ маънавий эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ўқувчига бадиий-эстетик завқ улашиш учун хизмат қиладиган коммуникатив во-

сита ҳисобланади. Чунки таржима матни манба матнига тенг, бир хил қийматга эга бўлиб, ўқувчида у каби бир яхлитликни пайдо қилиши керак. Шу ўринда С.Сирожиддинов, “таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкони-ятига тенг даражадаги бадний завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиклик) таржима ўқувчисига такдим этишдир” [65, Б. 17], деб ёзади. Таржима назариясида мувофиклик даражаси мавжуд бўлиб, у таржима эквивалентлиги ва адекватлиги тушуничалари билан белгиланади.

Я.Рецкер илк бора тиллар ўртасидаги лексик мувофиклик масалаларини ўртага ташлаб, жиддий ўрганган ва мувофиклик турларини таснифлаган эди. Унга кўра мувофиклик турлари уч турга бўлинади. Булар – эквивалент, муқобил ва адекват.

Эквивалентлик – муайян вақт ва макон учун контекстга боғлиқ бўлмаган доимий тонг даражадаги мувофиклик тушунилади.

Муқобиллик – бу манба матн ва таржима матн ўртасидаги семантик, структуравий ва функционал жиҳатларнинг ўхшашлигидир. У нкки матн, яъни манба ва таржима матн ўртасидаги бир-бирига юқорида айтилган жиҳатларга кўра ўхшаш, бир-бирининг ўрнини босувчи лисоний бирликларнинг ўрин алмашинувида юзага чиқади. Манба матни тил бирликларининг таржима тилида маълум муқобиллари мавжуд бўлгани учун, улар ҳар хил таржима матнларида ўша бирликларнинг ўрин алмаштирувчилари сифатида қўлланилади. Аниқроғи, таржима тили имкониётидаги бир неча синонимлардан бирини танлаб олган ҳолда қилинган муқобил таржима натижасидир. Таржима матнида эквивалент ҳар доим

битта, муқобил вариантлари эса бир нечта бўлиши мумкин. Муқобиллик асосан фразеологизмлар, мақол ва ҳикматли сўзлар таржимасида фойдаланилади.

Адекватлик – мувофиқликнинг бир тури бўлиб, бу ҳақда Я.Рецкер, – “таржимон аслиятнинг ҳарфий исканжасидан, луғавий ва иборавий мувофиқликлардан қутулиши ва вазифанинг счнмини яхлитлик нуқтаи назаридан мазмун, ғоявий йўналиш ва аслият услубидан қидирмоғи лозим”, дейди. Адекват таржима бир мунча мураккаб жараён бўлиб, манба мати парчаларни таржимоннинг лисоний ва анъанавий билнимлари даражаси ва ижодий қобилиятига қараб эквивалент таржима адекват таржимага айланади.

Қўплаб таржима назариялари мавжуд, уларни эксплицит ва имплицит назарияларга бўлиш мумкин. Эксплицит назария ҳақида шуни айтиш мумкинки, у қандай таржима жараёнини тасвирлаш пайдо бўлганлигини ва таржимонлар бу жараённинг натижаси эканлигини билдиради. Таржимон унинг ёрдами билан ўз таржима ишларини олиб боради.

Ҳар бир илмий соҳанинг, фаннинг ўзига хос илмий тушунчалари, терминлари бўлгани каби таржимашуносликнинг ҳам худдий шундай тушунча ва терминлари мавжуд. Шундай тушунча ва терминлар сирасига кирадиган таржима назариясининг энг муҳим тушунчаларидан бири “таржима трансформациялари” ҳисобланади. Таржимашунослиқда муҳим аҳамиятга эга терминлар муайян миқдорга эга.

Таржима трансформациялари таржимашуносликнинг асосий тушунчаларидан бири бўлишига бир қатор сабабларни келтириш мумкин. Таржима жараёни ўзгартиришсиз тасаввур қилиб бўлмайди,

чунки аслият тили билан таржима тили қариндош бўлмаслиги мумкин. Бизнинг асосий эътиборимиздаги инглиз ва ўзбек тиллари ҳам қариндош бўлмаган тиллар сирасига кирадн. Қариндош бўлмаган тил дейишнинг ўзи таржима жараёнида ўзгаришлар содир бўлишидан далолат беради. Ўзгаришлар барча сўз қатламлари, сўз тартиби, сўз маъноси, сўзнинг семантик ҳажми ва шу каби бир қатор тил ходисаларни ўз ичига олади. Мазкур монографияда инглиз тилидан ўзбек тилига стилистик синонимларни таржима қилишда қўлланадиган стилистик трансформацияларга тўхталиб ўтамиз.

Қандай матни, қайси услубга хос бўлган матни таржима қилишни олмайлик барчасида матннинг услуби, тури ва мақсадига қараб турли трансформациялардан фойдаланишга тўғри келади.

Тил ходисаларининг тури, даражаси, сатхи таржиманда қандай трансформациядан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини белгилайди. Бизнинг диққат марказимизда бадний услубга тегишли матн бўлгани учун олдиндан таржима жараёнида стилистик трансформациядан фойдаланилади десак адашмаган бўламиз.

Қуйида таржима трансформацияларининг турлари ва турли таржимашунос олимларнинг берган таснифи ҳақида батафсил фикр юритамиз.

1.2. Таржима трансформацияларининг таснифи

Мазкур параграфда биз таржима трансформацияларининг таснифини бернишга ҳаракат қилиб кўраимиз.

Таржима жараёни бир қатор босқичлар йигиндисидан иборат бўлади. Таржиманинг ҳар бир босқичи адекватликка ва эквив-

лентликка эришишга йўналтирилган бўлади. Бунда таржима жараёнида йўқотишларга йўл қўйилади. Бироқ таржимада бутун матннинг адекватлигини (муқобиллигини) таъминлайдиган тарсформация деб номланадиган ўзгаришлар мавжуд. Таржима назариясининг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланган «таржима трансформациялари» термини деярли барча таржимашунос олимлар томонидан қўлланилади (Л. С. Бархударов, В. Н. Комиссаров, А. Д. Швейцер, Р. К. Миньяр-Белоручев, Я. И. Рецкер ва бошқалар). Бироқ мазкур терминни талқин қилишда улар орасида яқинлик йўқлигини таъкидлаш лозим [Б 12, 38, 51, 78 .].

Аслида “трансформация” терминининг пайдо бўлиши “трансформацион грамматика”нинг пайдо бўлишига бориб тақалади. Трансформацион грамматика айни мазмунга, бироқ турли ифода планига эгаллиги билан фарқ қилувчи синтактик структураларни яратишни назарда тутаяди. Бошқача қилиб айтганда, мазмун бир хил, шакли ҳар хил бўлган грамматиканинг синтаксис қисмининг бирлиги бўлган турли гапларни тузиш билан шугулланади. Бу грамматик трансформация ўзига хос терминлардан фойдаланади. Мазкур трансформация қондаларига кўра, дастлабки (ядроли, ядрога эга бўлган, асосий маъноси бўлган) структурадан бошқа структуралар (трансформа, трансшакл) келтириб чиқарилади.

Таржима трансформацияларини аниқлаш ҳақидаги муайян назариянинг дастлабки услуби билан аниқланади.

Л.С.Бархударов “таржима трансформациялари – икки тилнинг расмий ва семантик ўзгаришларига қарамай таржимада эквивалентликни (“адекватлиликни”) таъминлашда хилма хил кўплаб ва сифатли ўзгаришларидир” деб таъкидлайди. [12, Б. 190].

А. Д. Швейцернинг фикрича “трансформация” термини метафорик маънода таржимашунослниқда фойдаланилади. Аслида, бу таржима жараёнида бирламчи ва охириги тил иборалари орасидаги муносабат, таржима жараёнида муайян шакл ифодасини иккинчи шаклга алмаштиришдир. [78, Б. 118].

В. Г. Гак эса таржима трансформацияларни деганда, “хар нккала тилда изоморф воситаларидан чекланиш” [24]. Изоморф воситалари бу тизимли эквивалентлик бўлиб, бир хил англатадиган маъно ва грамматик турдошлик билан ифодаланadi.

В. Г. Гакнинг фикрича, “таржима трансформациялари кўпинча сўз ёки грамматик шакллардан фойдаланишда иккиламчи функциялар (генерализация, транспозиция, десемантизация)да ёхуд ситуацион ёки контекстуал ортикчилиқда аниқланади” [24, Б. 69]. Агар тил элементи бирламчи шаклида ишлатилса, яъни асл маъносида, тиллараро тизимли эквивалентлиқда лугавий таржима бўлади.

Р. К. Миньяр-Белоручев таржимани бирор бир маълумотни етказиш “асл маънони ишлаб чиқариш, агар майин бўлса, қўшимча эстетик таъсир” деб ҳисоблагани туфайли, трансформацияни мохиятини “ формал (лексик ва грамматик трансформациялар) ёки семантик (семантик трансформациялар) ўзгаришлари узатиш учун мўлжалланган дастлабки матн компонентлари маълумотлари сакланишидир ” [48, Б. 201]

В. Н. Комиссаровнинг фикрича, “таржима трансформациялари бу кўрсатилган маънода оригинал бирлигидан таржима бирлигига ўтиш ёрдамида ўзгартiriшларни хосил қилиш”

Ва, модомики режа мазмунига эга бўлган ҳамда режа ифода-сига эга бўлган таржима трансформациялари қандай тил бирлик-лари орқали ифодалагани учун, улар формал семантик характерга эга бўлиб, қандай шаклни ўзгартирса, шундай дастлабки бирлик маъноларига эга бўлади. [38, Б. 172].

Таржиманинг тил тизимида муайян фарқланишларга эга бўлган баъзи трансформациялар, мажбурий характерга эгадир, шу билан биргалликда таржима трансформациялари матннинг комму-никатив-функционал хусусиятларини саклаб қолади. Трансформа-ция характери ҳар бир алоҳида вазият учун шартларни очиб бериш-дан иборат бўлиб, зохирийликдан чеклиниш кераклигини таъмин-лайди.

Бироқ таржимашуносларнинг кўпчилиги, масалан, Л.С.Бар-хударов, В.Н. Коммисаров ва бошқалар “таржима трансфор-мацияларини”, дастлабки матн таржиманинг матнига дахлдор деб тушунтиришади. Бу билан таржима эквивалентлигига эришиш учун барча тиллараро ўзгартришларни назарда тутишади. Бундай ёндашув таржима трансформацияларини мажмуавий характерга эга эканлигини ва реал таржимага мос келишини тушунтиради. Тар-жима жараёнини бир ифода шаклини бошқасига ўзгаришини так-дим этилиши шартли маънога эга.

Ҳақиқатан, оригинал бирликлар ўзгармас бўлиб қоладилар, таржимон фақатгина таржима тилида коммуникатив эквивалент бирликлар қидриб топнишга ҳаракат қиладди, маънонинг “қайта ифодаланиши” содир бўлади, яъни оригинал бирликлар ва таржиманинг орасида аниқ муносабатлар кашф этилади, қайси-ларким шартли равишда тасвирланади – худди оригинал бирликлар

устидан қандайдир манипуляция орқали олинган таржима бирликларидек. [36]. Биз куйидаги ёндашувни “таржима трансформациялари”ни аниқлашда таржима матни ва базавий элементлар орасидаги муносабатни шартли белгилаш деб атаймиз. Таржима трансформацияларини шартли белгиси шуки, улар таржимоннинг реал харақати эмас, балки таржима жараёнининг констатацияси яъни “постфактум”дир, бу жараён унинг энг муҳим қисми деб кузатилмайди, чунки бу жараён таржимон миясида содир этилади. [37, Б. 12]. Шунинг учун матннинг базавий ва якуний қисмларини чоғиштиришда таржима трансформацияларини тасвирлашга тўғри келади.

Ҳозирги кунда таржима назариясида кўплаб таржима трансформациялари ифодааланган ва маълум. В.Г.Гакнинг таҳмини бўйича, барча маълум тилларни ўзгаришида шубҳасиз таржимашунослик умумий инвентаризация ва типологик таснифда фойда кўрсата олади. Таржимашунослик учта вазифани ечимини таъминлайди: берилган маънони ифодалашни учун таржимонни барча воситалар билан таъминлаш; таржима амалиётини оқлаш, чунки таржимон таржима жараёнида ўзгартириш киритади (баъзан жуда мураккаб); таржима жараёнида тўғри келмаслигига лингвистик тушунтиришлар бериш [24, Б. 64]. Бундан ташқари, таржимон билимдонлиги “қоида, услуб ва ўқшашлилик”ни таржима натижаларини объективлигини ва ишончлилигини таъминлайди, шунингдек вақт тизлигида таржиманинг тўғри қилинишига ёрдам беради. [35, Б. 46].

Таржима трансформацияларининг таснифига турли ёндашувлар мавжуд, улардан В.Н. Комиссаров ва Л.С. Бархударовларнинг

типология-таржима трансформациялари хақида икки машхурро-
гини хақида маълумот бериб ўтамиз. Қиёслашни жадвалда қуйида-
гича тақдим этиш мумкин:

Таржима трансформацияларини қиёслаш жадвали

| В.Н. Комисаров | Л.С. Бархударов |
|---|---|
| 1. Транскрипция | |
| 2. Транслитерация | |
| 3. Қалқалаш | |
| 4. Лексик-семантик ўзгартиришлар: Конкретлаштириш Умумлаштириш Модуляциялаш | 1. Ўзгартиришлар Лексик ўзгартиришлар Конкретлаштириш Умумлаштириш |
| 5. Грамматик ўзгартириш: Синтаксик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) Грамматик алмаштириш - сўз қисмларига ўзгартириш; - нутқ бўлақларини алмаштириш; - гап бўлақларини алмаштириш; - гап турларини алмаштириш; Гапни бўлақлаш; | Сўз шаклини алмаштириш Нутқ бўлақларини алмаштириш Гап бўлақларини алмаштириш Мураккаб гапларда синтаксик алмаштиришлар (шунинг билан бирга гапни булақлаш ва гапларни бирлаштириш) Анатомик таржима |

| | |
|--|---|
| <p>Гапларни бирлаштириш</p> <p>6. Мажмуавий лексик-грамматик трансформациялар: Анатомик таржима Экспликация (тасвирий таржима) Компенсация</p> | <p>Компенсация</p> |
| <p>7. Таржиманинг техник услуги: Жой ўзгартириш Кўшиш Тушуриб қолдириш</p> | <p>2. Жой алмаштириш</p> <p>3. Қўшиш</p> <p>4. Тушуриб қолдириш</p> |

Трансформациянинг фақатгина икки хил таснифни қўриб чиқиб, шундай хулосага келиш мумкинки, ягона тизим мавжуд эмас.

Трансформацияни турларга бўлишнинг ёндашувининг ўзи ўзгачадир: В.Н.Комиссаров барча трансформацияларни лексик, грамматик ва мажмуавий лексикграмматик турларга бўлиб чиқади [36], Л.С.Бархударов эса, алмаштириш, қўшиш, тушуриб қолдириш ва жой алмаштиришларга бўлиб чиқади [13]. В.Н.Комиссаров ўз таснифига транскрибция, транслитерация, калкалашларни киритган, Л.С.Бархударов таснифида эса булар ақс этмаган. Аммо кўрсатилган типологияларда ўхшашликни ҳам қўришимиз мумкин. Конкретлаштириш ва умумлаштириш, анатомик таржима ҳар икка-

ла олимларнинг таснифида кўришимиз мумкин. В.Н.Комиссаров томонидан аниқланган услуб модуляциясини Л.С.Бархударов алмаштириш билан кўрсатган. Трансформацияда кўшниш ва тушуриб қолдириш услубларини Л.С.Бархударов асосий тури деб ҳисоблайди. В.Н.Комиссаров трансформациянинг бу икки турини умумий таснифга киритмаган, балки лексик бирликларни жойини ўзгартириш билан бир қаторда таржиманинг техник услуби деб кўрилади, Л.С.Бархударов типологиясида уларни “жой алмаштириш” деб номлайди.

Амалийликда юқорида қайд этилган таржима трансформациялари камдан кам учрайди. Аксарият ҳолатларда улар бир бири билан узвий боғлиқ ва ўзаро бириктирилгандир. Албатта барча тасниф турлари каби, юқорида қайд этилган таржима трансформациялари шартли ҳисобланади ҳамда таржимон томонидан бажариладиган барча услубларни қамраб ололмайди. Барча таснифлар камчилиги шуки, уларнинг муаллифлари санаб ўтган таржиманинг турли кўрinishларининг нисбий частотасини алоҳида трансформациялар учун белгилашмайди. Ҳўш унда нега таржимонлар трансформацияларга мурожат этишлари лозим? Таржима трансформацияларидан фойдаланишнинг асосий сабаби бу лексик тузилманинг фарқланишлари, яъни тули тилларда сўзларнинг концептуал ва семантик ҳажми соҳасида.

Тилнинг грамматик тизими ҳам ҳар хил бўлади: гапда мос келиши ва сўз тартиби, жумла тузилиши, улардан фойдаланиш ва турлари.

Барча юқорида кайд этилганлар таржимонни трансформациядан фойдаланган ҳолда матнни ўз она тилига мослаштиришга ундайди.

1.3. Таржима трансформацияларини қўллаш принциплари

Таржимашунос олимлар таржима трансформациялар микдорини турлича белгилишади. Трансформациянинг қайси бири қачон қўлланиши матннинг турига боғлиқ бўлади. Масалан, бадний асарларда стилистик синонимларни таржима қилишда стилистик трансформациядан кенг фойдаланилади. Таржима трансформацияларининг чуқур ва ҳар томонлама ўрганилишига қарамай стилистик таржима трансформацияларини қўллашнинг баъзи масалалари ҳалигача долзарб бўлиб қолмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Н.М.Қамбаровнинг фикрига кўра, таржимада турли трансформациялар, ҳусусан, стилистик трансформация ҳам қўлланади [76,Б. 102-104]. Стилистик таржима трансформацияларни фақат бадний функционал услубда қўлланад экан [33].

Стилистик таржима трансформациялари қўлланмайдиган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолатни илмий-техник ва расмий матнлар таржимасида яққол кўриш мумкин. Чунки бу услубда адабий сўз сирасига кирадиган терминлар қўлланилади. Маълумки, терминлар асосан бир маъноли бўлиб, экспрессивлик уларга хос эмас. Бунинг устига илмий-техник услуб талабларига кўра унда қўлланилаётган ҳар бир сўз ва термин ўз маъносида ҳамда нейтрал маънода ишлатилади. Бу доғани расмий услуб ва илмий-техник услубда сўзлар эмоционал ва эстетик ахборотга эга бўлмайди, стилистик жиҳатидан бир-бирдан услуб жиҳатидан,

катлам жихатидан фарқ қиладиган сўзлар кам учрайди, стилистик воситалар, усуллар деряли қўлланмайди. Юқоридан санаб ўтилган хусусиятлар бадний бўлмаган услуб ва матиға хос ҳисобланади, яъни бунда стилистик таржима трансформациялари қўлланмайди.

Энди эътиборимизни стилистик таржима трансформациясига қаратамиз. Стилистик таржима трансформацияси ўзи нима, бу кандай тушунча? Стилистик таржима трансформацияси деганда нима тушунилади?

Бу саволларга жавоб бериш ҳамда унинг нималигини яхшилаб тушуниб олиш учун бу тушуничанинг таърифига мурожаат қиламиз.

Соҳа бўйича мавжуд адабиётларда трансформацияларнинг турли кўринишлари, улар ўртасидаги фарқлар, таснифдаги турли ёндашувлар ва уларнинг қўлланиш сабаблари кўрсатилади.

Умуман, таржима трансформациялари таржима назариясининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирда таржима трансформациялари тадқиқига бағишланган ишлар сони ортиб бормокда. Таъкидлаш лозимки, таржима трансформацияларини ўрганишга бағишланган ишлар сони кўп бўлишига қарамай таржима назарияси бўйича мутахассислар “трансформация” тушунчасининг моҳияти борасида ҳали бир тўхтамга келишмаган.

Р.К. Миньяр-Белоручев фикрича, «Трансформация – аксарият таржима усулининг асоси ҳисобланади» [51. Б.201].

Бошқа бир таржима назариячиси Я.И.Рецкер трансформацияни «бошқа тилдаги сўз маъносини ... тилдаги муқобилини лугавий маъносига мос келмайдиганини мантикий фикрлаш усули билан очиш ... » [61. Б. 38] деб тушунади.

Маълумки, таржима трансформациялари аслиятдаги бирликларни таржима бирлигига айлантиришда амалга ошириладиган ўзгаришлар асосида юз беради. Шу муносабат билан В.Н.Комиссаров таржима трансформацияси тушунчасига таърифини тил бирликлари билан боғлиқ равишда келтиради: «Аслият бирлигидан таржима бирлигига кўрсатилган маънода амалга ошириладиган ўзгаришларга таржима (тиллارаро) трансформациялар дейилади. Таржима трансформациялари мазмун плани ва шакл планига эга тил бирликлари ёрдамида амалга оширилгани учун улар ҳам шакл, ҳам аслият бирликлари маъносини ўзгартирганлигидан улар формалсемантик хусусиятга эга ». [38, Б. 208]

А.Д.Швейцернинг фикрига кўра эса, “трансформация” термини таржимашуносликда кўчма маънода қўлланилади. Аслида гап “аслий ва таржима тилида ифода қилиш ўртасидаги муносабатлар, таржима жараёнида ўзгартириш ёки трансформация деб атайдиган битта ифода шаклини бошқа бир ифода шакли билан алмаштириш ҳақида бормоқда. Таржима трансформациялари моҳиятан маънони “қайта ифодалаш” тиллараро операциясидир” [78, Б. 118].

Соҳа бўйича мавжуд адабиётлардаги маълумотларга қараганда, трансформацияларни турларга ажратиш бўйича қатор таснифларда уларнинг учта асосий тури ҳақида фикр юритилади. Аксарият олимлар таржима трансформацияларини лексик, грамматик ёки аралаш турлари таснифини қўллаб қувватлашади. Ҳозир шулардан бизнинг ишимизга бевосита алоқаси бор таснифларни кўриб чиқамиз.

А.М.Фитерман ва Т.Р.Левицкаялар таржима трансформацияларининг учта асосий гуруҳини ажратишади:

Грамматик трансформациялар. Унга қуйидаги усуллар киради: тушуриб қолдириш ва (сўз) қўшиш, ўрнини алмаштириш ва гапларни алмаштириш.

Стилистик трансформациялар. Бунга олимлар биринчи навбатда синонимик алмаштириш ва тасвирий таржима, компенсация (қоплаш) ва бошқа шу каби алмаштиришлар турлари деб таъриф берадилар.

Лексик трансформациялар. У ўз ичига алмаштириш ва (сўз) қўшиш, аниклик киритиш, гапларни (конкретлаштириш) ва умумлаштириш ҳамда (сўзни) тушуриб қолдиришни олади [43].

А.Д.Швейцер бошқа олимлардан фаркли ўлароқ эътиборни трансформация усуллардан фойдаланиш имконини берадиган таржима трансформациялари сатҳларига қаратиб, трансформацияларни тўрт гуруҳга ажратишни тавсия этади:

Компонент сатҳдаги семантик валентлик трансформациялари турли кўринишдаги алмаштиришларни назарда тутати.

Прагматик сатҳдаги трансформация қуйидаги усулларни ўз ичига олади: таржима компенсациялари (йўқолган сўз ёки маъно ўринларини қоплаш), муайян лингвистик воситаларни бошқа воситалар билан алмаштириш, аллюзияларни ўхшашлар билан алмаштириш, талқиний таржима ҳамда таржима компенсациялари.

Референциал сатҳдаги трансформация – бу конкретлаштириш (аниклик киритиш), умумлаштириш, реалийларни алмаштириш ҳамда қайта метафорлаштириш ёрдамида таржима қилиш, метонимик трансформация ҳамда метафорани бошқа йўл билан бериш. Бунга турли трансформация ёки аралаш трансформацияни киритиш мумкин.

Стилистик сатҳдаги трансформация - компрессия и кенгайтириш [79, Б. 215] ҳисобланади.

Таржимашуносликда таржима трансформациясига Л.С.Бархударов томонидан берилган таърифга узоқ йиллар давомида амал қилиш удум бўлган. Олимнинг таржима трансформацияларини икки тилда тиллараро формал ва семантика фарқ бўлишига қарамай таржимада эквивалентликка сон жиҳатидан бир қанча ҳамда сифат жиҳатидан турли-туман ўзгаришларни амалга оширилишини назарда тутган [12]. Л.К. Латышева таржима трансформациясининг асосини ташкил этувчи учта асосий принципини тилга олган: аслият ва таржима тил тизмидаги фарқ, аслият ва таржима тил нормаларидаги фарқ, тил соҳиблари узусларининг бир-биринга мос келмаслиги.

Фикримизча, таржима трансформацияларини тўлиқ тасниф қилган олима Л.К.Латышев ҳисобланади. У трансформациянинг бошқа олимларга нисбатан тўлиқ турларини ажратган. Биз мазкур олимнинг таржима трансформациялари таснифини ўз ишимизда асос қилиб оламиз. Чунки бу тасниф таржима жараёнида турли ўринларда турли таржима трансформациясини ўринли ва маънони тўлиқ бериш имкониятини беради Қуйида олимнинг таснифини келтирамиз:

Стилистик ўзгаришлар;

Лексик ўзгаришлар;

Морфологик ўзгаришлар;

Синтактик ўзгаришлар;

Семантик ўзгаришлар;

Аралаш турдаги трансформациялар [41, Б. 86].

Юқорида айтилган фикрлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Стилистик трансформация – бу бадний асардаги турли стилистик усулларни эквивалент ва муқобилини топиш имконини берадиган таржиманинг муайян усулидир.

Таржима моҳиятига келсак, қуйидаги фикрларни таъкидлаб ўтиш лозим. Таржиманинг турли моделлари денотатив, коммуникатив, семантик, информатив (ахборот), тиллар муқобиллиги назарияси ҳамда таржиманинг трансформацион моделлари асосида таржиманинг эквивалентлик тушунчаси келиб чиқади, бу эса ўз навбатида таржима трансформациясининг моҳиятини белгилайди. Қўлланилган барча таржима трансформациялари бир мақсадга – таржиманинг адекватлигига, муқобиллигига хизмат қилади. Бу ўринда бадний таржимада стилистик таржима трансформацияларининг ўзига хос ўрни бор. Таржимада қандай трансформация қўлланилган барчаси битта мақсадга, яъни адекватликни таъминлашга, таржима сифатининг юқори бўлишига қаратилган бўлади.

1.4. Таржима трансформацияларининг қўлланиш сабаблари

Таржима жараёнида бирон бир трансформациянинг тури ишлатилишига қарамадан, таржимон нима мақсадда ундан фойдалангани ҳақида ҳисобот бермайди, яъни матнни интуитив даражада трансформациялайди, ҳар бир таржима трансформацияси асосланади, яъни бирон бир сабабга кўра ишлатилади. Лингвист фойдаланган ҳар бир трансформацияни асоси ва сабабига ўз нуқтан назаридан ёндашади. Г.М.Стрелковский таржима трансформацияларини ишлатилишни қуйидагича тушунтиради: “Таржимон

маълумот юборувчидан аниқ нутқ маҳсулотни кўринишида қабул қилади. Айни шу нутқ маҳсулотларида коммуникатив мақсад амалга ошади”.

Илмий техник таржимада асосий талаб матннинг аниқ таржимасидир, хар иккала тил бирликларининг айни мослиги билан эмас, балки функционал ва коммуникатив ўхшашлигини аниқ етказишдир. Аниқ таржима деб, фақатгина оригинал эквивалентлиги ва унинг таржимасини таъминлаш эмас, шунинг билан бир қаторда матн функциясининг ўхшашлигини етказиш ҳамдир.

Шундай қилиб, трансформация таржимон томонидан аввалам бор таржима қилинаётган матннинг функционал бир хиллигини етказиб беришдир.

Шу билан боғланган ҳолда Л. К. Латышева “коммуникатив компетентлик” терминини таклиф қилади, бунда тадқиқотчи жараёнлар мажмуасини назарда тутган, чунки тил коммуникациясини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, одамнинг матнга бўлган таъсири нафақат матн тузилиши ва семантикасига, балки матнни адекват тарзда қабул қилиши ва талқин қилиши учун инсонда мавжуд бўлиши керак бўлган аниқ жараёнлар имконига эга бўлиши лозим. Таржимонда қоракли бўлган маълумотларнинг етарли бўлмаганлиги, “сўзлар тушунарли”, лекин “матн моҳияти тушунарли эмас” вазиятига олиб келади. Таржимон адекват таржимани таъминлаши учун, матннинг семантикаси ва тузилмаси коммуникатив компетенлиги билан биргалликда бирламчи таржима қилинаётган матннинг семантикаси ва тузилмаси коммуникатив компетенлиги билан айнан бир хил бўлиши лозим. Бунинг натижасида таржима қилинаётган ва асл матн орасида нисбий

тенглик пайдо бўлишини таъминлайдиган икки коммуникатив компетенцияни тенглаштирадиган коммуникатив тенгсизлик пайдо бўлади ва бу икки матнинг тартибга солиш таъсири эквивалентлигини таъминлайди. Шундай қилиб, Л.К.Латышева фикрига кўра, коммуникатив компетенция фарқланишини минималлаштириш лозим ва бу жараёнда таржима трансформацияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари тадқиқотчи таржима трансформациялари сабаблари орасида: 1. Таржимада тизимида таркибий хилма хиллик, яъни а) таржима қилинаётган тилларнинг бирида тил категорияларини йўқлиги; б) муайян туркум доирасида турли тақсимлашлар; в) чоғиштирилаётган тил туркумида маъно ҳажми билан мос эмаслиги. 2. Таржима жараёнида манба тафовутлари. 3. Узусининг тил соҳиби ва таржима тили муҳитида мос келмаслиги. Таржима трансформацияларининг таснифи ҳақида А.Ф.Архипованинг ишида қўришимиз мумкин: 1. Таржима тилида мослашув бирликлари нормасини бузмасликка ҳаракат қилиш. 2.Таржима тилида кўпроқ ишлатиладиган ифода ва конструкцияларидан фойдаланишга ҳаракат қилиш. 3. Гапнинг уюшиқ бўлакларини шакллантиришда тиллараро фарқланишларни бартараф этишнинг лозимлиги. 4. Таржима қилинаётган тилга ёд бўлган сўз ясовчи моделлардан четланиш. 5. Нотабийлик, нозстетик бурилиш, ноқулайлик, ифода номантиқийлиги ва ноаниқлигидан қочиш. 6. Таржимани иложи борича компакт вариантга интилиш. 7. Асосий маълумотни етказиш ёки ҳаддан зиёд ортиқча бўлган маълумотни олиб ташлаш. 8. Етказилиши мураккаб бўлган сўз ўйини, ифодалиликни яратишга ҳаракат қилиш. Айрим сабабларда батафсил тўхталиб ўтаемиз. Таржима трансформацияларининг энг кенг

тарқалган сабабларидан бу таржимада грамматик туркумларни мос келмаслигидир. М.Я.Блокнинг аниқлашича, грамматик туркум бу умумийлашган грамматик маъноларни ифодаси тизими бўлиб, парадигматик нисбат шакли орқали амалга оширилади. Грамматик категориялар икки тилда симметрик бўлиши мумкин, масалан ўзбек ва инглиз тилларида бирлик ва кўplik, бу ҳолда таржима трансформациясидан фойдаланмайди. Шу билан бир қаторда ассиметрик ҳам бўлиши мумкин, масалан инглиз тилида иккита келишик, ўзбек тилида эса олтига, бу ҳолатда албатта таржима трансформацияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай қилиб, таржима трансформацияларининг хилма хиллик сабабларида унинг оддийгина моҳияти ва функцияси яширинади, бу ҳам бўлса таржима адекватлигига эришишдир, таржимада тўғри стратегияни қўллаш ва таржима муаммосини тўғри аниқлашни билишдир.

Синонимлар турлича бўлади ва синонимларга олимлар уларнинг вазифасига, турига ва тузилишига қараб турли номлар билан атайдилар. Синонимларнинг асосий вазифаси маънодаги фарқларни ажратишга хизмат қилиш. Синонимлар, асосан, сўз ва сўз бирикмасидан ташкил топади. Бундан ташқари тилда грамматик синонимлар ҳам учрайди. Улар турли грамматик структура, шаклларга эга бўлиши мумкин. Синонимлар энг кўп қўлланадиган матн бу – бадий матн ҳисобланади.

2-БОБ. БАДНИЙ МАТНИНГ СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Бадний матндаги стилистик воситалар

Лексикология тилнинг луғат бойлиги (сўз ва иборалар), уларнинг маъносн, маънонинг ўзгариши, маънонинг кўчиши, сўзларнинг шакл ва маъно муносабатлари, сўзларнинг бир маънолиги ва кўпмаънолиги, тилнинг луғат таркиби каби луғавий бирликлар билан боғлиқ хусусиятларини ўрганади.

Лексикологиянинг семаснология (сўз ва ибораларнинг маъно хусусиятларини текширувчи) ва этимология (сўзларнинг келиб чиқшини текширувчи) соҳалари мавжуд.

Тилнинг луғат таркиби (сўз ва иборалар) тил воситаси сифатида маълум маъно англатувчи бирлик, нутк воситаси сифатида у нуткнинг маъно англатувчи энг кичик қисмини ташкил этади.

Сўз ва иборалар мураккаб тил ҳодисаси ҳисобланиб, ўзига хос кўпгина хусусиятларга эга. Чунончи, ижтимоий ҳаётда юз берадиган ўзгаришлар энг аввал тилнинг луғат таркибида ўз ифодасини топади.

Сўз гапнинг маъно ва грамматик хусусиятга эга бўлган энг кичк қисмидир. Тил элементи сифатида сўз маъно англатувчи бирликдир. Сўзнинг борлиқдаги нарса, предмет ёки ҳодисани ифодалаши унинг маъносидир. Масалан, *pen, picture, sun* маълум предметларни англатса; *good, bright* белгини; *to swim, to work, to write* ҳаракат маъноларини англатади.

Сўз луғавий маънодан ташқари нарса ёки шахсга кишининг ижобий ёки салбий маносабатларини ҳам билдиради. Бундай сўзлар услубий бўёқдор сўзлар дейилади. Масалан, *her face was attractive*

гапидаги *face* сўзи ижобий маъноли, *ugly mug is thrust in front of them* Гапидаги *mug* сўзи салбий маъноли сўздир.

Кўринадики, қандай муносабатларни ифодалашига кўра сўзлар икки хил:

1. Ижобий маъноли сўзлар: *face, bright, intelligent, courageous, generous, educated, strong, smiling, hardworking* ва бошқалар.
2. Салбий маъноли сўзлар: *cute, snappy, needle, grind, nicker, heehaw* ва бошқалар.

Ижобий ва салбий маъноли сўзлар асоан синоним (маънодош) сўзлар доирасида бўлади. Масалан, «*laugh*» тушунчасини ифодаловчи *smile, chortle, chuckle* - ижобий; *ridicule, mock, deride, scoff at, jeer at, sneer at* салбий маъноли сўзлардир.

Ижобий ва салбий маънолар иборалар доирасида ҳам мавжуд. Масалан, «*eat*» тушунчасини ифодаловчи *repast, have, taste* бирикмалари ижобий муносабатни, *scoff, fress, knock back* бирикмалари салбий муносабатларни билдиради.

Шунингдек, тилда синоними мавжуд бўлмаган сўзлар орқали ҳам ижобий ва салбий муносабатлар ифодаланади. Масалан, *respect, smart, valuable, sweet, serious* сўзлари ижобий маънони англатса, *disregard, poignant, slothful, craven* кабилар салбий муносабатларни англатади.

Сўзлардаги услубий бўёқдорликнинг ҳосил бўлиши қуйидагича:

1. Сўз ифода хусусиятига кўра услубий бўёқдор бўлади. Масалан, *sad* -ижобий, *miserable* - салбий; Шунингдек, *beautiful, elegant, stylish, and came away pretty* - ижобий, *freak, lank, lofty, brag* - салбий бўёқдор сўзлардир.

2. Сўзларга турли қўшимчалар қўшилиши орқали услубий бўёқдорлик ҳосил бўлади. Масалан, *tom, kitten, rabbit, kid* - услубий бўёқсиз; *mittu, pussy, lambie, kiddie*, - услубий бўёқдор. Бу сўзлардаги услубий бўёқдорлик ушбу сўзлардаги қўшимчанинг кичрайтириш-эркалаш маъноларини ифодаланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, қариндошлик билдирувчи сўзларга инглиз тилида эркалаб киши исмларини қисқартиришда ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади: *Alexander – Alex, Eddie – Ed, Raymond – Ray* каби.

3. Сўзларни кўчма маъноларда ишлатиш натижасида ҳам услубий бўёқдорлик вужудга келади. Кўп ҳолатларда ҳар бир сўз яралишида бир маъноли бўлади, яъни тилга бирор нарсани англатиш мақсадида кириб келади. Унинг кейинчалик қўлланилишига кўра, сўз ўзининг семантик салоҳиятини янги маънолар кўринишида шу билан биргаликда кўчма маъно кўринишида ҳам шакллана боради. Мисол тариқасида инглиз тилида а) кушлар туркумига таалуқли бўлган сўзларни кўриб чиқамиз: *crow, pigeon, dove, goose, kite, hen, cock, peacock, parrot owl, magpie, chicken, heron* булар орасида фақатгина *heron, peacock* ва *crow* сўзларининг кўчма маъноси мавжуд эмас. Баъзи сўзларнинг эса бир неча кўчма маънолари мавжуд масалан: *owl – бойўғли; галварс; тунда ухламайдиган одам. Chicken – жўжа; болача; эндигина бирор ишни бошлаган.* б) ҳайвонларга хос сўзлар: *Bull – буқа; чайқоччи; полициячи. Lion – шер; манихур. в) ҳашаротлар туркумига кирувчи сўзлар: Snail – ишллик, секин юрвчи; секин ҳаракатланувчи. Worm – чувалчанг; паскаш одам; нафрат уйғотувчи шахс.* Сўзларнинг кўчма маъноларини чоғштириш ва таҳлил қилиш жараёнида

сўзлар бирламчи мазмунига кўра ассоциатив, масалан: *pig* сўзи: any of various fat shortlegged animals with usually curly tail and thick skin with short stiff hairs, esp. as kept on farms for food.

Flesh of (usually Sucking) domesticated pig as food, esp. roast pig.

Greedy, dirty, sulky, obstinate or annoying person.

Шуниси кизикки, ўзбек тилида *кўён* сўзи *юмшоқ, мўйнали кемирувчи ҳайвон*, кўчма маънода *кўрқоқ одамни* англатса, инглиз тилида: *Rabbit* – *кўён, кўрқоқ, заиф инсонни, заиф ўйинчи* маъносида ишлатилади. *Hare* – *кўён* маъносини англатиб, кўчма маънода ишлатилмайди.

Сўзлар фақат луғавий маъносига кўра услубий бўёқдор бўлмасдан, нутқ кўринишларига хосланганлигига кўра ҳам услубий бўёқдор бўлади.

Нутқ кўринишларига хосланган ёки хосланганлигига кўра сўзлар икки хил: а) умумистеъмол сўзлар; б) услубий сўзлар.

Умумистеъмол сўзлари нутқнинг барча турларида қўлланиладиган, шунингдек, кенг халқ оммаси томонидан кундалик турмушда кенг қўлланиладиган сўзлардир. Бундай сўзлар кенг истеъмол сўзлари, нейтрал сўзлар, фаол сўзлар деб ҳам юритилади. Масалан, *Mom, Dad, come on, get up, eat, drink, bread, salt, water, earth, stone, eyes, eyebrows, one, five, white, black, good, bad, fast, slow, and I* ва бошқалар.

Умумистеъмол сўзлари барча нутқ услубларида ишлатилади, шунинг учун услубий чегараланмаган сўзлар ҳам дейилади.

Услубий сўзлар нутқнинг баъзи турлари учун хос. Масалан, *holiday, man, peaceful, land, cheek, lips, country, racked* каби сўзлар бадий

нутққа хос бўлса *mom, dad, kid, puppy, kitty* каби сўзлар оғзаки нутққа хосдир.

Шунингдек, *poem, play, verse, rhyme, piece of poetry, song* (адабиётшуносликка оид), *sound, letter, word, subject, object* (тилшуносликка оид), *prism, cone, pyramid, triangle, quadrature* (геометрияга оид) *body, space, balance, plume, vibration, mass* (физикага оид) атамалар-илмий нутққа хос сўзлардир.

Тил ривожланиши жараёнида сўз маънолари ҳам ўзгариб боради ва шу тариқа тил ривожланади. Сўз маъноси торайиши ёки кенгайиши мумкин.

Сўзлар бир маъноли ва бирдан ортик маъноларни англатиши мумкин. Бир маънони англатган сўзлар бир маъноли (моносемантик), бир неча маънони англатадиган сўзлар кўп маъноли (полисемантик) сўзлар дейилади.

Бир маъноли сўзларга куйидагилар кирди:

1. Неологизм (янги пайтда бўлган сўзлар). Бундай сўзлар кундалик турмушда янгидан пайдо бўлган нарса, тушунчаларни ифодалайди. Улар янгилик бўёғига эга бўлганлиги учун ҳам бир маънода ишлатилади: *тадбиркорлик, бизнес, фермер, менежмент, акция, сармоя, инвестиция* каби сўзлар ўзбек тилида бўлса, инглиз тилида *Selfie* (ўзини суратга тушириш), *Buzzworthy* (бирор нарса ёки бирор кимга бекор сарфланган вақт), *Unlike* (рад этиш), *Applepick* (iPhone ўгриси), *Screenager* (доим компьютер қаршида ўтирадиган ўсмир). Неологизмлар фаоллашиб ўзининг янгилик бўёғини йўқотиши ва тидаги сўзлар каторига ўтиши мумкин. [82]

2. Касбхунарга оид сўзлар (профессионализмлар). Маълум касбхунарга – темирчилик, деҳқончилик, чорвачилик, кулолчилик ва

бошқа соҳаларга оид сўзлар ўзбек тили мисолида: *эриш*, *арқов* (тўқувчиликка) *қирқим*, *тўз* (чорвачиликка), *шудгор*, *молалаш* (деҳқончиликка) оид сўзлар бўлса, инглиз тилида харбий лексикага оид сўзлар мисолида: *tin fish* (сўзма сўз: *тунука балиқ*) — *сув ости кемаси*; *block-buster* (сўзма сўз: *кенг чорак*) — *катта кучга эга бўлган авиацион бомба*; *tin-hat* (сўзма сўз: *тунука илпна*) — *пўлат шлем*.

3. Атамалар (терминлар). Фан ва техника соҳасидаги аниқ тушунчаларни ифодалайдиган сўзлар атамалар дейилади: *subtraction*, *multiplication*, *root*, *sinus* (математик атамалар), *oxygen*, *hydrogen* (кимё атамалари) каби.

Атамаларни ўрганадиган соҳа атамашунослик (терминология) дейилади. Атамалар аниқ тушунчаларни ифодалаганлиги учун бир маънода қўлланилади. Сўзнинг бир маъноли ёки кўпмаънолилигини нутқ белгилайди. Сўз гапдан ташқарнда қайси маънони англатса, гап ичида ҳам шу маънони ифодаласа, бу сўзнинг бош маъноси ҳисобланади. Масалан, инглиз тилида *star* сўзининг осмон жисмини ифодалаши унинг бош маъноси «*film star*» маъносида қўлланилиши унинг ясама маъносидир.

Ясама маъно бош маънонинг тараққиёти билан ҳосил бўладиан маънодир. Масалан, *her touch on his shoulder was hesitant* бирикмасида очди сўзнинг бош маъноси ифодаланан бўлса, *touch screen*, *get in touch*, *touch and go*, бирикмаларида ясама маъно ифодаланган.

Тилдаги сўзларнинг катта қисми кўп маъноли сўзлар ҳисобланади.

Кўп маънолилиқ асосан сўзнинг янги маъно ифодалашни натижасида пайдо бўлади. Масалан, *eye, nose, head* ўз маъносига инсон аъзоларини билдирса, ясама маъносига кўра *the eye of the needle, the nose of the aircraft, the head of the department* каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Кўп маъноли сўзлар қанча маънога эга бўлса ҳам, бу маънолар ўзаро бир-бири билан боғланган бўлади. Чунончи, *eye* сўзининг *the eye of the man, the eye of the needle* маънолари ўхшашлик хусусиятларига кўра бир-бири билан боғлиқ. Шу хусусияти билан кўп маъноли сўзлар омонимлардан фаркланади.

Сўзнинг бош маънодан ташқари бошқа маъноларда қўлланилиши сўздаги маъно таракқиёти билан боғлиқ. Бундай маъно таракқиётига олиб келувчи воситалардан бирисўз маъносининг кўчишидир. Ўзбек тилида сўз маъноси кўчишининг куйидаги усуллари мавжуд: *метафора, мепюнимия, синскдоха, вазифадоилиқ, киноя.*

Метафора. Метафорагрекча «кўчириш» демақдир. Бирор предмет, белги, ҳаракат, ҳодисанинг номини нисбий ўхшашлиги асосида бошқасига кўчиши метафора дейилади. Метафора йўли билан маъно кўчишида предмет, нарса, ҳодиса учун умумий бўлган бир белги (ранги, шакли, кўриниши) мавжуд бўлиб, шу белгининг ташқи ўхшашлиги асосида маъно кўчади. Масалан, *бурун* сўзнинг *одамнинг буруни, кеманинг буруни, чойнакнинг буруни* каби маъно кўчишларида ташқи ўхшашлик, юз қисмидан олдинга бўртиб чиқиб турганлик асос бўлган. *Кўз* сўзининг *одамнинг кўзи, узукнинг кўзи, ёғочнинг кўзи* каби маъно кўчишлари учун шаклий ўхшашлик асос бўлган.

Метафора йўли билан маъно кўчишида баъзан предметлар ўрта-сида ўхшашлик мавжуд бўлмайди. Масалан, *аччиқ пиёз, аччиқ ҳақиқат; совуқ ҳаво, совуқ гап: қизил китоб, қизил гул: пишмаган овқат, пишмаган одам* каби. Бу хилдаги маъно кўчиши мантикий мувофиқликка асосланган бўлади. Инглиз тилида мисоллар: *a sunny smile* – нурли табассум; *a sundrenched beach* – кўёш нурига тўла соҳил; *to pull strings* – ипидан торитиш;

The news you bring me is a dagger to my heart – Сенинг янгилигинг юрагимга пичок санчилгандек бўлди.

Seeing him on stage fired my enthusiasm – Унинг сахнада кўриниши менинг завқимни уйғотди.

Инглиз тилида таркибий метафоралар (айрим таркибийлари бу от+ сифатдир): *a bloodbath, mindgames, a nutcase, a sun-trap*; фразеологик метафоралар (and/or боғловчилари билан ифодаланadi): *swings and roundabouts, life and soul, rain or shine*; очик (ошкор) метафоралар (баъзан метафора бир неча образни ифодалаши):

A woman is a foreign land

Although he there settles young

The man will never understand

Its customs, politics and tongue

Метафора асосан инсон тана аъзоларини ифодаловчи: *кўл, бет, бурун, кўз, оғиз, қулоқ, тиш, оёқ* каби сўзлар, шунингдек, ҳайвон ёки парандаларнинг бирор аъзоси номи: *дум, қанот, тулшук*; ўсимликларнинг бирор қисми: *илдиз, томир*; кийим-кечак ва уларнинг бирор қисми номи: *ёқа, этак, жияк*; турли ҳаракат, белги номлари; *чиқмоқ, олмоқ, чўкмоқ, саваламоқ, йиқилмоқ*,

тушмоқ; кўмакчилар: *ост, уст, орқа, ўнг, чап, томон* каби сўзлар орқали вужудга келади.

Метонимия. Метонимия – грекча «қайта номлаш», «алмаштири-моқ» демакдир. Предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро макон ва замонда боғлиқлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчиши метонимия дейилади. Маъно кўчишининг бу усулида предметлар ўртасида ташқи ва ички ўхшашлик бўлмайди. Бироқ предметлар орасида алоқадорлик, бир-бири билан боғлиқлик мавжуд бўлади. Масалан, *бир пиёла ичдим* гапида *пиёла билан чой* ўртасидаги боғлиқлик - чойни пиёлага қуйилиш асосида чой сўзи ўрнида пиёла сўзи қўлланилган. Маъно кўчишининг бу усулида нутқда битта сўз тушундилади: *to drink a glass – стакан ичмоқ, to eat a plate – либос ёмоқ, The hall applauded – зал қарсақ чалди. "I spent the evening reading Rubaiy" ("Кечана Рубоийни ўқиб ўтказдим")* мисолида *Rubaiy (Рубоий)* метонимиядир. Метонимик муносабат:

- символизм (тушунча ўрнига предмет) *from cradle to grave – бутун умр.*

He was called to the bar. – У юрист бўлди.

- жойлаштириш (мазмун ўрнига) *The kettle is boiling. – Чойнак қайнаётти. You may have my purse. – Пулимни олишинг мумкин.*

- ўхшашлик *The game-table was boisterous and noisy. – Ўйин хонаси шиддатли ва шовқинли эди.*

- модда (маҳсулот ўрнига) *And finally the marble spoke – Ва лямбор тилга кирди. The maid was cleaning silver. – Оқсоч қумуш тозалашган эди.*

- қурилма (қисм ўрнига) *The whip looked a scoundrel. – Аравачи кўринишидан ярамасга ўхшиди.*

- қисм (бир бутун ўрнига) *a fleet of 50 sails – 50 пароходдан иборат флот. Hands wanted – Ишчилар талаб қилинади.*

Синекдоха. Синекдоха - грекча «бирга англамоқ» демакдир. Қисм орқали бутунни ёки аксинча бутун орқали қисмнинг ифодаланishi синекдоха дейилади. Масалан, *барча байроқлар бизникига меҳмонга учиб келишяпти; at last he was seen sighted like the first sail of the Armada – биринчи қалдирғоч. These wheels will drive you at your pleasure. “These wheels” синекдоха вазифасини бажариб, “this car” маъносида ишлатилган. Вазифадошлик.* Бир предмет вазифасини иккинчи бир предмет бажариши асосида ном кўчиш вазифадошлик дейилади. Маънонинг бу усулда кўчиши метафорага ўхшаб кетади. Бироқ бу усулдаги маъно кўчиши предметлар орасидаги ташки ва ички ўхшашликка эмас, балки вазифавий ўхшашликка асосланади. Масалан, *wing (bird's wing, the wing of the plane), head (person's head, the head of the office)* каби. Вазифадошлик фақат от туркумига хос ҳодисадир.

Киноя. Сўзни тескари маънода қўллаш киноя дейилади. Киноя билан айтилган сўзлар қўштирноққа олинади.

Сўзнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари: тилдаги сўзлар маъноси ёки шаклига кўра бир-бирига алоқадор бўлади.

Маъно муносабатига кўра сўзлар: *маънодош, (синоним), зид маъноли (антоним), шакл муносабатига кўра эса: шаклдош ва талаффуздош (пароним) сўзларга бўлинади.*

Маънодош сўзлар (синоним). Синоним грекча - «бир ном» демакдир. Бирдан ортиқ сўзларнинг бир маънони англатишидан синонимлар ҳосил бўлади.

Шакли ҳар хил бўлиб, бирлаштирувчи маъноси бир хил бўлган сўзлар синонимлар дейилади. Бундай сўзлар айнан бир маънони ифодаласада, турли маъно нозикликларига ҳам эга бўлади. Масалан, *loaf, pale, jowl, bean, dome, nut* синонимлари учун «*head*» маъносининг ифодаланиши бирлаштирувчи маъно.

Ушбу сўзлардан *jowl, bean, nut* «*head*» маъносининг салбий, *head, brain* ижобий ҳолда ифодаланиши шу сўзлардаги маъно нозикликларидир. Синонимларнинг кетма-кет қўйилиши синонимик қатор (синонимик уя) дейилади. Синонимик қатор камда иккита сўздан ташкил топади. Масалан, *man, human, person; beautiful, elegant, pretty, handsome, lovely; motherland, birthplace, nativelyland, homeland.*

Синонимик қатордаги бир сўз бошқаларига кўра кўп ишлатилади. Масалан, *birthplace, motherland, homeland nativelyland* сўзларидан *motherland* сўзи бошқаларига нисбатан кўп қўлланилади. Синонимик қатордаги бундай сўз доминанта (бош сўз) дейилади.

Синонимия ва унинг манбалари. Таснифи ва синонимлар типологияси. Синоним муайян тилдаги бир ва ундан кўп ўхшаш ёки айнан маънога эга бўлган сўзлар. Дунёдаги барча мавжуд тиллар синонимияга эга, бироқ инглиз тилида синонимия ҳодисаси бошқа тилларга нисбатан миқдор жиҳатидан кўпчиликни ташкил этади.

Тилда мутлоқ бир хил маънога эга бўлган сўзлар мавжуд эмас, зеро улар бир-бирдан коннотацияси (стилистик маъно хусусиятларига кўра), қўлланиш усули ва фаоллиги жиҳатидан фарқ қилади.

Синонимлар марказий маъно жиҳатидан айнан, бироқ маъно нозикликлари жиҳатидан бир-бирдан фарқланади.

Таснифи:

1. Тилда бир-бирининг маъносини нисбатан тўлиқ қоплай оладиган синонимлар жуда кам учрайди. Ульманнинг таъбири билан айтадиган бўлсак, тилда бундай эркинликка йўл қўйиб бўлмайди. М. Брил тилда дистрибуция (сўзлар синоним бўлиши лозим, ўтмишда синоним бўлганлар одатда бошқа маънога эга бўлади ва улар кейин бирини ўрнини иккинчиси қопламайди) қонуни ҳақида фикр юритган.

2. Идеографик синонимлар.

Бир маъно ва мазмунни ташкил этади, бироқ референциал маъносида фаркланади.

Ex.: to ascent – to mount – to climb

To happen – to occur – to befall – to chance

Look – appearance – complexion – countenance

3. Шева(даги) синонимлар.

Ex.: lift – elevator

Queue – line

Autumn – fall

4. Контекстуал синонимлар.

Контекст баъзи сўзнинг айрим семантик хусусиятни бўртириши ёки аксинча камайтириши мумкин. Айни шу ҳолатда турли маънога эга бўлган сўзлар мазкур контекст доирасида (вақтинча) синоним бўлиши мумкин.

Ex.: tasteless – dull

Active – curious

Curious – responsive

Synonyms can reflect social conventions.

Ex.: clever bright brainy intelligent Dever-clever

5. Стилистик синонимлар. Стилистик синонимлар турли услубга мансуб бўлган сўзлар ҳисобланади. Child (neutral) Infant (elevated) Kid (colloquial)

To die

To kick the bucket

Стилистик синонимларнинг яна бир хусусияти бу бадий асар муаллифларининг сўзга стилистик маъно бериб бир катор сўзларни бир хил маъноли ёки маънолари яқин сўзларни тасвир ёки баённи янада ифодалироқ, ёрқинроқ ва ишонarliроқ қилиш мақсадида бир жойга тўплаши натижасида пайдо бўлади.

Ex.: Safe & sound, lord & master, first & foremost, safe & secure, stress & strain, by force & violence.

Юқорида айтилган фикр инглиз тил тарихини ривожланишига катта ҳисса қўшган ҳодиса ҳисобланади.

Тил тарихи ҳақида гап очилганда шунини таъкидлаш лозимки, соф инглиз синонимлари билан бир каторда француз тилидан ўзлашган сўзларни қўллаш анъанаси мавжуд бўлган. Шунинг учун синонимик каторларнинг муайян қисми француз тилидан ўзлашган сўзлардан ташкил топган. Тузилишига кўра бундай синонимлар аллитерация, қофия, идиома ва шу кабилар кўриниши билан характерланади. Синонимия таърифларидан яна бири аини пайтда ўзларининг коннотатив фарқлари ва стилистик хусусиятларига эга лингвистик элементларда асосий маънодаги мос келишни назарда тутди.

Синонимларга берилган таърифлардан яна бири аини бир сўз туркумига тегишли икки ва ундан ортиқ сўзларнинг бир хил ёки ўхшаш ёки унга яқинроқ денотатал маънога ҳамда муайян контекста

алмаштириб ўзаро бўладиган сўзлар ҳисобланишидир. Уларнинг фарқ қилувчи жиҳатлари ўз ичига коннотатив, стилистик, дистрибутив хусусиятларга ёки валентликка (бириқма ҳосил қилиш хусусиятларига) боғлиқ бўлади. Баъзи синонимлар ўртасидаги фарқ турли соҳаларда қўлланадиган услубий фарқ кўрсатувчи белгилар, қўлланиш ҳолати, услуб ёки уларнинг йиғиндисидан иборат бўлиши мумкин.

- когнитив синонимлар – турли дискурда қўлланиши билан фарқ қиладиган синонимлар; бундай фарқлар уларнинг ички лексик маъносида эмас, балки уларнинг аслида қўлланадиган соҳасига боғлиқ бўлиб, гапларда муносабат билдирган сўзларнинг референциал асосидан (референциал маъносидан) бошқа сўзларнинг нутқдаги асл маъноси дискурсниң функционал фарқини белгилайдиган лексик бирлик ҳисобланади.

- контекстуал (контекстга асосланган) синонимлар – фақат баъзи маҳсус дистрибутив шароитдагина ўқшаш маъноли бўлиб, икки сўз маъноси ўртасидаги фарқнинг нейтраллашувини назарда тутади, масалан: *buy and get*;

- шева(даги) синонимлар – шева нуқтан назаридан тилнинг турли вариантларига тегишли бўлган синонимлар;

- функционал синонимлар – турли синтактик бирликлар тегишли термин бўлиб айни бир хил синтактик функцияни амалга оширадиган грамматик синонимлар. Масалан, инглиз тилида Subordinate Object Clause and Complex Object конструкциялари функционал синонимлар ҳисобланади, чунки улар турли шаклдаги конструкция бўлишига қарамай бир хил маънога эга;

- идеографик синонимлар – маъно нознкликлари жиҳатидан фарқ қиладиган синонимлар;

- стилистик синонимлар стилистик жиҳатдан фарқланувчи, яъни турли эмоционал, ифодали (экспрессив) ҳамда баҳоловчи маънолар семантик фарқларни очиқ кўрсатмайдиган синонимлар;

- референциал синонимлар айна бир денотатни турли нуқтан назардан ёки турли жиҳатдан белгиланишидир, масалан, Абдулла Қодирий ҳамда “Ўткан кунлар” асари айна бир денотатни, асар муаллифи ва ўша муаллиф томонидан ёзилган бадний асарни назарда тутди.

- терминологик синонимлар – айна бир нарса, яъни денотатни ифодалаш учун қўлланиладиган иккита термин. Бундай терминларнинг биттаси албатта бошқа тилдан ўзлашган бўлади. Масалан ҳозирги кунда Синонимлар типологияси:

тилшуносликда кенг тарқалган “концепт” ва “тушунча” ёки “тилшунослик” ва “лингвистика” терминлари;

- абсолют ёки тўлиқ синонимлар бир-бирини исталган контекстда денотатив, эмоционал ёки коннотатив маъноларидаги (от ва унн ўрнини қоплайдиган олмошлар, функционал аффикслар (бесабр - сабрсиз), герман тилларидаги флексия, инфлексияларидаги) фарқларидан катъий назар қоплай оладиган синонимлар. Бундай синоним сўзлар тилда кам учрайди. (Алена Жильцова).

Инглиз синонимларининг хусусиятлари замонавий тилшуносликда хусусан терминология соҳасидаги энг катта муаммо “синоним” тушунчасига таъриф бериш ҳисобланади. Мазкур терминнинг юзлаб таърифи бўлишига қарамай ҳамма томондан тан олинган ва қабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Анъанага кўра синонимлар

талаффузи ҳар хил, бироқ маъноси бир сўзлар деб таърифланади. Бироқ синонимнинг бу бир қарашда лўнда ва қисқа таърифи ҳам кўпчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинади.

Синоним терминига Россия ва хорижда олимлари орасидаги муносабат турличадир. Шу пайтгача терминнинг юзлаб таърифи орасида Россия олимаси И.В.Арнольднинг берган таърифи энг мукамал ва тўлиги деб тан олинган. Унинг фикрича: "Синонимлар – икки ва ундан ортиқ турли сўз туркумига тегишли ҳамда бир ёки ундан ортиқ ўхшаш маънога эга сўзлар ҳисобланади.

Нутқда фақат бир маъноли сўзлар эмас кўп маъноли сўзлар ҳам бошқа сўзлар билан бир неча маънода синоним бўла олади.

Синонимларнинг нутқий вазибалари қуйидагилар:

1. Синонимлар нутқда фикрни аниқ ва мақсадга мос ифодалаш вазибасини бажаради.
2. Фикрда ортиқча сўз такрорини олдини олади.
3. Адабий тилни бойитади.

Ўзбек ва инглиз тили синонимларга бой тилдир. Синонимларнинг кўплиги тилнинг бойлиги бўлиб, бир маънони турли даражаларда ифодалаш имконини беради. Масалан, «look» тушунчасини ифодаловчи *gaze* «a steady intent look», *glance* «a brief or hurried look», *view* «look at or inspect (something)» каби маъноларни ифодалаган.

Синонимлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Луғавий синонимлар.
2. Грамматик синонимлар.
3. Луғавий-фразеологик синонимлар.
4. Услубий синонимлар.

1. *Луғавий синонимлар*. Сўз ва ибораларнинг ўзаро синоним бўлиши луғавий синонимлар дейилади. Луғавий синонимлар доирасида сўзлар *generous, lavish, bounteous, frank, free-handed, freehearted; spacious, roomy, ample, airy, spacey, wide; carress, fondle, pet, stroke, canoodle, nurse* ўзаро синоним бўлади.

Луғавий синонимлар 2 хил бўлади:

1. Тўлик синонимлар.

2. Маънавий синонимлар.

Синоним сўзлар маъноси ва ишлатилиши жиҳатидан фаркланмаса тўлик синоним дейилади. Масалан, *teacher, master, pedagogue; rich, wealthy*.

Синонимлар ўзаро маъно қирраси билан фаркланса, маънавий синоним дейилади. Масалан, *wide, broad, general, large, big* сўзлари «кенгликни» ифодалайди. Бироқ *wide* сўзи нарсаларнинг асосан энига кенглигини (*wide street*), *large* сўзи эса нарсаларнинг катталигини (*large room*) билдиради. Шунингдек, *right-correct, thick-fat, pain - ache* каби.

2. Грамматик бирликларнинг (қўшимчалар, гапларнинг) синоним бўлиши грамматик синонимлар дейилади. Масалан, *shall, will, to be going to, to be coming* қўшимчали сўзлар қўшимчалар синонимлигидир.

I must write this essay, I have to write this essay содда гаплар доирасида синоним бўлса, *It was getting cold and they went home. They went home because it had been getting cold* гаплари қўшма гаплар доирасидаги синонимлардир.

3. Сўз билан сўз бирикмалари ўзаро синоним бўлса, луғавий-фразеологик синоним дейилади ўзбек тилида мисол: *айёр-илонни*

Ўзини ялаган, хурсанд-огзи қулоғида, аччиқланди-мена сочи тикка бўлди. Инглиз тилида мисоллар: 1) *A month of Sundays* – хазил, яъни оғзаки нутққа хос бўлган ибора: “Жуда узок вақт”. 2) *Dokey's years* –сленг, “чексиз узок вақт, бир умр, номаълум узок вақт”. 3) *Till the cows come home* – оғзаки нутққа хос, “чексиз узок вақт, чексизликкача, бир умрга”.

4. Синонимлар услубий бўёк жиҳатдан фаркланса услубий синонимлар дейилади: *wet, sopping, soggy; heart, bosom, ticker, core, soul* каби.

Синонимик муносабатлар бир сўз туркуми доирасида бўлади. Синонимлар асосан тилнинг ички имконияти асосида, шунингдек бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш асосида вужудга келади.

Антонимлар. Қарама – қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади. Масалан, *light-dark, big-small*. Антонимлик муносабатлари асосан белги билдирувчи сўзларда бўлади. Шу боисдан антонимлар асосан сифат: *white-black, good-bad, wide-narrow* ҳамда равиш: *far-near, fast-slowly* туркумларига хосдир. Антонимлар қисман от туркумида ҳам учрайди. Масалан, *piece-war, friend-enemy*. Тилдати барча сўзларнинг антоними бўлавермайди. Чунончи, *numerals (сон), pronouns (олимош), модлл сўз (modal verbs), auxiliary words (ёрдамчи сўзлар)* да антонимик муносабатлар мавжуд эмас.

Сўзлар асл маъносига кўра, шунингдек кўчма маъносига кўра антоним бўлиши мумкин. Масалан, *sweet-bitter* (асл маъносига кўра), *sweet (charming), bitter (resentful)* кўчма маъноларига кўра ҳам антонимдир.

Кўп маъноли сўзлар ҳам ҳар бир маъноси билан бошқа сўзларга антоним бўлиши мумкин. Масалан, *light* сўзи бир маъноси билан *dark* сўзига, бошқа маъноси билан эса *heavy* сўзига антоним бўла олади.

Омонимлар. Талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади. Масалан, *case* – *'something that has happened'* and *case* – *'a box, a container'*. Омонимлар ўз навбатида омофон ва омографларга бўлинади. Омофонлар талаффуз шакли бир хил бўлган, лекин маъносида фаркланадиган сўзлардир масалан: *scent, cent – sent, son – sun, father – farther, discreet (аҳшиёткор) – discrete (дискрет), for – fore* (кеманинг тушиши, яъни олд томони). Омографлар ёзилиши бир хил, лекин талаффуз шакли ва маъноси ҳар хил бўлган сўзлардир, масалан: *tear [tiə] – 'a drop of water that comes from the eyes', tear [tɛə] – 'to pull apart by force'; row [rɒv] – 'an arrangement of persons or things in a line', row [raʊ] – 'a noisy quarrel or dispute'.*

Профессор А.И.Смирницкий омонимларни қуйидагича таснифлайди:

1. Тўлиқ омонимлар – бир хил парадигмага эга ва гап бўлагининг бир хил категориясини ифодалайдиган сўзлар масалан: *match – 'a game, a contest' and 'a short piece of wood used for producing fire'; pit 'a large, usually deep opening in the ground' and chiefly US and Canadian 'the stone of a cherry, plum, etc', key 'a metal instrument to fit a lock' and 'a small low island or bank composed of sand and coral fragments'*. Фаркланиши фақатгина лексик маъноси-ни чегараланишидир.

2. Қисман бўлган омонимлар – сўзлар шаклланиши билан ўхшашлиги, лекин ҳар қил парадигмаларга эга. Улар ўз навбатида уч қил гуруҳга ажратилади:

Қисман лексик омонимлар – бир қил гап бўлагига мансуб, шакли бир қил, лекин лексик маъно ва парадигмаларда фарқланиши: *to lie (lay, lain):: to lie (lied, lied); to hang (hung, hung):: to hang (hanged, hanged)*.

Лексик – грамматик омонимлар – турли гап бўлақларига мансуб, лексик ва грамматик маъноларда фарқланадиган. *to found :: found (past indefinite, past participle of “to find”); to lay :: lay (past indefinite of “to lie”), rose (n):: rose (past indefinite of “to rise”); left (adj):: left (past indefinite of “to leave”), bit (n):: bit (past indefinite of “to bite”)*.

Омонимларда маъно ўзаро боғлиқ бўлмайди. Масалан, ўт сўзидаги «олов», «майса», «ўтмоқ», бошқа – бошқа маънолардир. Шунга қўра бу маъноларнинг ҳар бири учун ўт сўзи алоҳида сўз-дир.

Омонимлардан бадиний адабиётларда, айниқса аскиячиликда сўз ўйини сифатида фойдаланилади. Бадиний асарлада тажнис санъати омонимлар ёрдамида яратилади.

Паронимлар. Талаффузи бир-бирига ўхшаш, шакли ва маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар паронимлар дейилади. Паронимларда сўз маъносини ўзгаришда бир ҳарф асос бўлади. Масалан, *night (туни) – knight (рыцарь); blew (past form of “blow” — пуфламоқ) — blue (мовий)*.

Тилнинг луғавий бирликлари: Тилнинг луғавий бирликлари турли-туман хусусиятларга эга бўлиб, муайян хусусиятларига кўра турлича тасниф қилинади.

Нутқда кўп ёки кам қўлланилишига кўра сўзлар икки хил: *фаол* ва *нофаол*. Кундалик турмушда доимий қўлланиладиган сўзлар фаол сўзлар дейилади. Масалан, *read, I, we, who, man, woman, flower etc.*

Бундай сўзлар нутқнинг ҳамма турида, шунингдек барча тоифадаги кишилар нутқида қўлланилади. Шунинг учун бу сўзлар қўлланиш доираси чегараланмаган ёки умумистеъмол сўзларни ҳам деб юритилади.

Кундалик турмушда кам ишлатиладиган ёки нутқнинг бирор тури учун хос бўлган сўзлар нофаол сўзлар дейилади. Масалан, *king, slave, iron*. Бу турдаги сўзлар нутқнинг барча турларида ва ҳамма кишилар нутқида ишлатилмайди. Шунинг учун улар қўлланиш доираси чегараланган ёки услубий сўзлар ҳам деб юритилади.

Нофаол сўзларга қуйидагилар киради. *Эскириб қолган сўзлар, шевага хос сўзлар, атамалар, касб-хунарга оид сўзлар, неологизмлар* (янги сўзлар).

Эскириб қолган сўзлар. Кенг истеъмолда қўлланилмайди, бадий асарларда, луғатларда учрайдиган сўзлар эскирган сўзлар дейилади.

Эскирган сўзлар икки хил:

а) архаик сўзлар;

б) тарихий сўзлар;

Тилда синоними мавжуд бўлиб, ўзи эскириб қолган сўзлар архаик сўзлар дейилади. Архаик сўзлар бугунги кунда ҳам мавжуд

бўлган нарсани англатади: *thou* – «сиз» (ҳ.в. - *you*), *Hither* – «бу ерга» (ҳ.в. - *here*), *Betwixt* – «орасида» (ҳ.в. *between*)

Арханк сўзлар бадний асарларда ўтмишга хосликни ифодалаш учун қўлланилади ва нутққа кўтаринки рух беради.

Ўтмишдаги нарса ва тушунчаларнинг номи бўлиб, ҳозирги кунда эскириб қолган сўзлар яқин ўтмишга хос бўлади: *taxt, torn, slave, queen, knight* каби.

Тарихий сўзлар ҳам бадний асарларда тарихий воқеа-ходисаларни аниқ ёритиб бериш учун қўлланилади.

Шевага хос сўзлар (диалектизмлар). Қўлланиш доираси чегараланган, яъни айрим маҳаллий шевадарда ишлатиладиган сўзлар шевага хос сўзлардир. Шевага хос сўзлар тилнинг маҳаллий кўринишидир. Шевага хос сўзларни шевашунослик ўрганеди.

Шевага хос сўзлар бадний асарларда маълум жойга хосликни ифодалаш, асар персонажларининг ўзига хос нутқини бериш мақсадида қўлланилади. Улар бадний асарлар орқали адабий тилга ўтиб, кенг истеъмол сўзига айланиши мумкин.

Ўзлашма сўзлар. Сўзлар тилнинг ўзига хослиги ва бошқа тиллардан кирганлигига кўра иккига бўлинади: а) ўз қатлам; б) ўзлашма қатлам.

Асли шу тилнинг сўзи одатда бир бўғиндан иборат бўлган сўзлардир: *бош, қош, lip, eye, nose, head, leg, arm* каби. Ўз қатлам сўзлари қуйидаги хусусиятларга эга: кўп маънолик ўз қатламга хос бўлади, маъхум тушунчаларни билдирмайди, бир, икки, қисман уч бўғинли сўзлардан иборат бўлади, икки ва ундан ортиқ унли ва ундош ёнма-ён келмайди, сўз ўзаги талаффуз қилинганда товуш ўзгариши юз бермайди.

Бошқа тиллардан кирган сўзлар ўзлашма сўзлар дейилади. Масалан, *парта, перо, бокс, солдат-рус тилидан, каптар, гўшт, гишт, гул, пешона-форс тожик тилидан, кимё, таълим, муаллим, китоб араб тилидан ўзлашган сўзлардир.*

Тасвирий ифода: Предмет, нарсa-ходисанинг муҳим хусусиятлари орқали ифодаланиши тасвирий ифода дейилади. Масалан, *оқ олтин-пахта, дала маликаси-маккажўхори, бунёдкор-қурувчи.*

Тасвирий ифода нарсa-ходисани образли ифодалаш асосида вужудга келади. Бундай ифодалар нутқий таъсирчанликни таъминлаш, нутқ жараёнида сўзларни такрорламаслик имконини яратади. Тасвирий ифода асосан от ва сифат туркумидаги сўзлардан ташкил топади.

Бадий услуб хусусиятлари ўз ичига тилнинг тасвирий воситалари: метафора, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришларни олади ва улар ёрдамида бадий образлилик ҳосил қилади ва кишига эстетик таъсир этади. Шу бондан бадий услубнинг асосий вазифаси бадий (эстетик) таъсир этишдир. Бадий услубнинг асоси бадий асарлар бўлиб, бадий асар тилини тилшунослик фани ўрганади. Бадий услуб лугавий жиҳатдан кўпмаънолилиқ ва кўчма маънолилиқка таянади. Бадий услуб кўпинча адабий тил нормаларига бўйсунмайди. Бу услубда гапда сўзларнинг ўрин алмашиши (инверсия) кўп учрайди.

Бадий матн бадий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўрinishларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлаш оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган гоаят мураккаб бутунлик ҳисобланади. Бадий матнда

бошқа услуб матнларида бўлганидек қатъий мантик, соддалик, тушунарлилиқ, нормативлик каби қонуниятларга тўла-тўқис амал қилинавермайди. Унда бадний тасвир воситаларидан унумли фойдаланилади. Таъсирчанлик биринчи ўринга қўтарилади. Оҳангдор, жозибатор ва синоним сўзлар кўп қўлланилади. Тасвирланаётган воқеликда уйғун бир мусиқа, ички бир ҳамоҳанглик сезилиб туради. Исонни рухан тўлқинлантириш, йиғлатиш, қулдириш, хаёлот оламига етаклаш, ўйга чўндириш, эстетик тафаккурини шакллантириш, воқеаходисаларга теран, бошқача назар билан боқишга ўргатиш каби кўплаб имкониятларни ўзида мужассам қилган. Бадний матн, маълумки, бадний услуб талаблари, қопиллари асосида шакллантирилади, шунинг учун унда поэтик, романтик, тантанавор ифода шаклларида кенг фойдаланилади.

Сўзларнинг танланиши, гап тузилиши, лексик – семантик, ритмик – интонацион бирликларнинг қўлланиши ҳам мазкур услуб талабларидан келиб чиқади. Бадний матннинг лисоний хусусиятларидан энг муҳими ҳам шундаки, унда эмоционал бўёқдор сўзларга, шева сўзларига, тарихий ва архаик сўзларга, жаргон ва арголарга, кўчма маъноли сўзларга, маънодош, шаклдош, ўхшаш талаффузли ва зид маъноли сўзларга, шунингдек ибора, мақол-матал ва афоризм каби бирликларга кенг ўрин берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар қандай матн ўзига хос системадир. Буни ўзаро бир-бирини тақазо қиладиган ҳалқалар мажмуига ўхшатиш мумкин: товуш(харф)лар → сўзлар → иборалар → гаплар → абзац → бўлим, қисм ҳамда боб каби матн категорияларидан иборатдир.

Матн таркибидаги бу узларнинг ўзаро муносабати гапдаги сўзларнинг бир-бири билан бўлган муносабатига ўхшайди. Лекин матннинг таркибланиши гапдаги таркибланишдан тубдан фарқ қилади. Гапнинг синтактик қолипи тургунлашган, асрлар давомида шаклланган, ҳамма учун қулай фойдаланиладиган ва деярли ўзгармас бўлади. Сўзловчи ёки муаллиф ўз ниятига кўра мазкур қолиплардан ихтиёрий равишда фойдаланаверади. Матндаги ҳолат бундан бошқачароқ. Матнда сўзлар орасидаги муносабатдан кўра гаплар ўртасидаги алоқадорлик муҳим ҳисобланади. Агар гапларо ҳам мазмунан ҳам шаклан алоқадорлик мавжуд бўлмаса, матн бутунлиги йўқолади. Бадний матндаги композицион бутунлик тушунчаси макон ва замон мувофиқлиги, ифода ва қолип уйғунлиги, ҳамда мотивацион яхлитлик тушунчалари билан узвий боғлиқ. Бадний матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида бундай боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Тасвирий воситалар бадний матнда образларнинг ёрқин тасвирланишига хизмат қилиш билан бирга китобхон қалбида ҳис-ҳаяжон ва кечинмалар уйғота олиши билан ҳам характерланади. Бунини қуйидаги икки гап мисолида ҳам кўриш мумкин: 1. Navruz is celebrated on 21 March. 2. It is a special day in Uzbekistan, and celebrates the Spring New Year, food plays an important part in the celebrations, with dishes such as plov, shashlyk and manty, but the queen of all these dishes is sumalak, which is only made for Navruz. Шубҳасиз, иккинчи гап биринчисига нисбатан кўпроқ тасвирий бўёқларга, сифатларга эгаллиги билан китобхон диққатини ўзига жалб қилади. Бу эса, ўз навбатида, китобхоннинг ҳаёлот оламини кенгайтиради, кўз олдида образларнинг ёрқин намоён бўлишини

таъминлайди ва хотирасида тез, осон сақлаб қолишига имкон беради. Тасвирий воситаларнинг лексик, фонетик ва синтактик турлари мавжуд бўлиб, улар бажарадиган функцияси жиҳатидан бири-биридан фарқланади. Метонимия, метафора, аллитерация, ўхшатиш, фразеологик бирикмалар, макол ва ҳикматли сўзлар, киноя, градация шулар жумласидандир. Бу каби тасвирий воситалар ёрдамида бетакрор бадний образлар яратилади.

Тасвирий воситалардан қай тарзда ва қандай мақсадда фойдаланиш муаллифнинг индивидуал стилига – идиостилига боғлиқдир. Ҳозирги замон тилшунослик илмида бадний матнни тўлалигича ҳам семантик, ҳам структур, ҳам прагматик ва психоаналитик жиҳатдан камраб ўрганиш лингвистика фани олдида турган долзарб муаммолардандир. Кейинги йилларда тилшунослар бу муаммонинг ечимини когнитология (cognitive science – тафаккур ҳақидаги фан)дан излашмоқда. Когнитив тилшунослик кечагина пайдо бўлиб қолган эмас. Тилшуносликнинг бу соҳасига ўтган асрнинг 50-йилларида машҳур тилшунослар – Ж.Миллер, Н.Хомский, А.Ньюэм ва Х.Саймонлар томонидан тамал тоши қўйилган. Когнитив тилшунослик, Ш. Сафаров таъбири билан айтганда, икки буюк наҳаи – тил ва тафаккурни боғловчи занжир – қай йўсинда ўзаро бирикishi билан боғлиқдир.

Когнитология, ўз навбатида, тасвирий воситалар – метафора, метонимия, ундаги концепт ва маъноларни алоҳида тадқиқ этади. Метафора инглиз прозасида энг кўп ишлатиладиган тропларнинг кенг тарқалган тури бўлиб, бадний матнда тасвирийликни ошириш учун хизмат қилади.

Сўзнинг фикр ифодалашдаги аҳамияти жуда катта ҳисобланади. Бироқ бундан ҳар ким ўз билганича фойдаланади деган фикрга олиб келмаслиги лозим. Сўзнинг санъаткорона ишлатиш натижасида тилнинг асосий вазифасига қўшимча равишда, бадний-эстетик вазифаси вужудга келади. Тилнинг ана шундай вазифасини рўёбга чиқарувчи манба бадний адабиётдир. Бадний адабиёт нафақат тил воситаларини қўлланилишини, балки янги тил воситаларининг яратилиши, тилнинг чексиз имкониятларга эга эканлигини кўрсатувчи, сўзлар ёрдамида мутлақо қўтилмаган маъноларни ифодаланишини намоён қилувчи манбадир. Бадний матннинг ўзига хос муҳим хусусиятларидан бири сўзнинг жиҳодорлигидир. Аввало шунини таъкидлаш жоизки, сўз жиҳодорлиги, 18 сўзлардаги бир тушунчанинг турли даражасини ифодалаш, сўзнинг кўпмаънолилиги, маънонинг турли муносабатлар асосида ифодаланиши кабилардан иборат. Шу билан бир қаторда бадний матнда сўз, тилдаги муайян маъносидан фарқли равишда бутунлай бошқа маънони ифодалайдики, бу ҳолат сўзни жиҳодорлигини янада кучайтиради.

Маълумки, сўз кишилар учун алоқа восита саналган тилнинг асосий элементиدير. Нутқда сўз алоқа аралашуви фикр алмашиш қуроли сифатида шаклланади. Бадний асарда сўз ёзувчининг мақсадини рўёбга чиқарувчи образ яратиши учун хизмат қилувчи фикрни бадний ифодалаш учун восита сифатида намоён бўлади. Ҳар бир ижодкор ҳаётни, воқеликни аввало образли тасвирлаш учун ҳаракат қилади ва бу жараёнда тилдаги сўзлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки, бадний асарнинг туб моҳиятини белгилашда, унинг ўзига хос хусусиятларини вужудга келишида сўз, унинг маъно нозикликлари, яъни синонимлари му-

ҳим аҳамият касб этади. Бадний адабиёт тили луғавий таркиби жиҳатдан ранг-баранг, бу ҳол бадний адабиётда сўзнинг турли услубий вазифаларни бажариш имконияти ҳам лексик воситаларнинг қўлланилиши сингари кенг эканлигини кўрсатади. Бадний асарда сўз муҳим бирлик сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам ҳар бир ижодкор сўздан бадний имкониятларни яратиш мақсадида тўғри ва аниқ фойдаланиб, бадний асарнинг эстетик таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратади. Кўринадик, сўз ижодкор учун фикрни бадний тарзда ифодаловчи асосий қурол бўлиб, ундай ўринли фойдаланилганлик ижодкорнинг бадний маҳоратини белгилашдаги муҳим меъёрдир. Шу боисдан бадний адабиёт тилини ўрганишдаги муҳим масалалар: бадний нутқда қўлланилувчи луғавий воситаларни услубий функциясини белгилаш, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратини тадқиқ қилиш, ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини кўрсатувчи ҳолатлардан ҳисобланади. Тилдан фойдаланиш, тилдаги мавжуд кенг имкониятларни намоён қилиш: сўзларни нутқий вазиятга мос ҳолда саралаш, сўз қўллашда аниқланганликка амал қилган ҳолда индивидуалликка эришиш, тилнинг бош луғавий бирликларини муҳим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда нутқда қўллашдир. Ана шунда нутқ тил воситаларига бой бўлиб, ифодаланаётган фикрнинг ёркинлиги, таъсирчанлиги, бадний-образлиги уюштирилади. Бадний моҳияти асарда акс этган шу хусусиятлар билан белгиланади.

Маънодош сўзлар тилнинг имконият доираси кенглигини, луғавий жиҳатдан бойлигини кўрсатувчи воситалардан бири ҳисобланади. Шаклан турли хил бўлиб бир тушунчанинг турли даражада ифодаловчи бундай сўзлар матний бўёқдорликни таъмин-

ловчи муҳим воситалардир. Ўзбек тилида синонимлар етарлича тадқиқ қилинган. Азим Ҳожиёв, Ёрмат Тожиёвларнинг бу борадаги ишлари диққатга сазовор. Академик А.Ҳожиёв “Синонимлар - талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир” деб таъкидлайди. [75 Б, 22.]

Сўзларнинг маънодошлиги асарда ёзувчи учун жуда катта имконият яратади.

Маънодош сўзлар бадний сўз санъати учун муҳим лугавий восита ҳисобланиб, уни нутқий ранг-барангликни таъминлашини аниқлаш, услубий имкониятларини яратиш даражасининг чексизлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш ўзбек тилшунослиги олдиди турган долзарб масалалардан биридир. Ёзувчининг тили ва услубини ёки муайян бирор асар тилини ёзувчининг маънодош сўзлардан қай даражада фойдаланганлигини таҳлил қилмасдан баҳолаш қийин. Бадний асарда сўзларнинг услубий имкониятлари бадний тасвирий воситалар қаторида маънодош сўзларни мақсадга мувофиқ қўллаш натижасида таъминланиб боради. Шунга кўра ёзувчининг бадний тил соҳасидаги маҳорати энг аввало унинг маънодош сўзлардан қандай ва қай йўсинда фойдаланишида кўрнади. Бинобарин, маънодош сўзлар бадний асар тилининг ранг-баранглигини таъминловчи, бадний маънонинг бутун нозиклиги билан ифодалаш имкониятини яратувчи, шунингдек сўзловчининг нарса-ҳодисага турли хилдаги муносабатларини намоён этувчи восита, шунга кўра у ёзувчининг услубини белгилайдиган, асарнинг бадний бўёқдорлигини оширадиган асосий омиллардан ҳисобланади.

Тилшуносликда маънодошликнинг, асосий уч тури фарқланади, яъни: 1) лексик маънодошлик, 2) фразеалогик маънодошлик ва 3) лексик - фразеалогик маънодошлик. Лексик маънодошликнинг қўлланилиши кузатилганда ундан ёзувчининг сўз такрорини олдини олиш мақсадида фойдаланганлиги ҳам кузатилди. Маълумки, маънодош сўзларни қўллашдан кўзда тутиладиган мақсадлар хилма-хил. Шулардан бири айнан бир сўзни ортиқча такрорлайвермасликдир. Ҳолбуки, маънодош сўзлар кўпгина ҳолатларда ана шундай ғалз такрорни вужудга келмаслиги учун ҳам қўлланилади.

Бадний асарда лексик воситаларнинг ўрнини белгилаш қай даражада муҳим бўлса, матннинг синтактик хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш ҳам ана шундай аҳамиятlidir. “Синтаксисда тил бирликларини мазмунга мос равишда чексиз комбинацияларда қўллаш мумкинлиги уларнинг стилистик имкониятини нақадар кенг эканлигидан далолат беради”. Бу шуни кўрсатадики, нутқда гап қурилишининг ранг-баранглиги, яъни оҳанг ва интонацияни ўрни билан бир маънони бир неча кўринишда шакллантириши ва шу орқали турли-туман экспрессивликни кўрсата олиш имконияти синтактик воситаларнинг бадний адабиёт тили учун жуда аҳамиятли эканлигидан далолатдир. Бироқ синтаксис фақат синтактик воситалардангина иборат эмас. Синтаксис бадний асарнинг мазмун моҳиятини ойдинлаштирувчи асосий лингвистик омиллардан бўлиб, у ёзувчининг услубини белгиловчи муҳим далилдир. Бироқ, маълумки бадний асар тили соҳасидаги тадқиқотларда кўпинча синтактик воситалар таҳлил қилиниб, ёзувчининг гап тузишдаги маҳорати, фикрни ифода этиш новаторлиги ҳақида кўпинча

мулаҳазалар билдирилмайди. Бу ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини тўла-тўқис намоён этилиш имкониятини сусайтиради.

2.2. Бадий матндаги лексик-стилистик услублар

Ўзаро мулоқот нафақат услубий бетараф лингвистик воситалар, балки образли, ҳиссий-таъсирчан тил бирликлари ёрдамида ҳам фаол амалга оширилади. Зеро, жонли нутқ табиатан рангбаранг бадий-таъсирчан воситалар, образли лингвистик бирликлар, ҳис-туйғунини ифодаловчи сўз ва иборалар билан тўлибтошган бўлиб, улар бадий ёдгорлик тилининг жозибадорлигини, таъсирчанлигини, халқчиллигини ва ўзига хос миллий хусусиятини юзага келтиради. Образлилик асосан лингвистик воситалар луғавий-мантқикий ва контекстуал маъноларининг ўзаро муносабатга киришувини замида пайдо бўлиб, нутқнинг таъсирчанлиги ва жозибадорлигини вужудга келтиради, таъсир қувватини оширади, фикрнинг янада мукамалроқ ва теранроқ ифода этилишига қўмаклашади. Лингвистик воситаларнинг ҳиссий-таъсирчан маънолари луғавий-мантқикий маъноларидан фарқли ўлароқ, ҳис-ҳаяжон ифодасини учун қўлланилган ҳолда, сўзловчининг ҳаяжонли ҳолатини, ҳис-туйғусини, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини акс эттиради. Чунки атроф воқеа-ҳодисалари билан чамбарчас боғлиқ, инсон фаолияти ҳаминша ҳиссиёт оғушидадир. Чунончи, инсон бирор нарса ёхуд воқеа-ҳодисага муҳаббат ёки нафрат ҳисси билан қарайди, диққат-эътиборини бир нуқтага тўплаб ҳаяжон билан суҳбатдошини тинглай бошлайди, жажл отига минаяди, жазава қилади, шодланади, завкланади. Инсон табиатидаги бундай ўзгаришлар нафақат унинг юзида, ҳаракатларида, балки нутқида

ҳам ўз аксини топади. Бадний нутқ таркибида қўлланилган хиссий-таъсирчан лингвистик воситалар тизими асарнинг умумий эстетик хусусиятини вужудга келтиргани холда, муаллифнинг бадний-ғоявий мақсадини рўёбга чиқаради. Бадний асар таркибида оғзаки (асосан диалогик) нутқ намуналарини намоён этишда бундай лингвистик воситалар сўзловчининг атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан ҳам ижобий, ҳам салбий муносабатини ифода этади. Мазкур муносабатлар дўстона, тахсиномуз тарзда намоён бўлиши ҳам, ҳазиломуз, кинояли, илтифотсиз шаклда қўзғатилгани ҳам, таҳқиромуз, ҳақаратомуз оҳанг касб этиши ҳам мумкин. Лингвистик воситаларнинг, образлилиги ҳамда хиссий-таъсирчанлиги одатда уларнинг услубий бетараф синонимлари негизида намоён булади. Бинобарин, таржима тилида вазифадор лингвистик воситалар танлаш ўрнига тил бирликларининг услубий бетараф, умумий маъноларига мурожаат қилинган матнни зарурий услубий ранг-барангликдан маҳрум этади. Демак, таржимон ҳеч қачон лингвистик воситаларнинг моддий-манتيқий маънолари билан кифояланмаслиги, аслият услубий вазифасини рўёбга чиқариш учун унинг кейинги мазмуний қатламларига назар ташлаш лозим.

Услубий жиҳатдан бетараф, эркин – манتيқий маъноли лингвистик воситалар айрим матний ҳолатларда персонажларнинг муаян нарса ёки воқеа ҳодисага нисбатан ижобий ёки салбий муносабатини ифода этишда алоҳида оҳанг ва ургу билан талаффуз этиладигани, натижада лингвистик восита ҳис – ҳаяжон маъно белгиси касб этади. Бундай пайтларда бирликлар таржима тилига лугавий эквивалентлари ёрдамида эмас, балки нутқ жараёнида касб

этган қўшимча маъно белгиларига контекстуал муқобил лингвистик воситалар танлаш ёрдамида талқин этилади.

Қайд этилганидек турли тиллар лексик эквивалентлари семантик қурилиши аксарият ҳолларда бир-биринга мос келмайди. Бу ҳол хусусан икки тил бирликлар моддий-мантиқий маъноларида эмас, балки турли-туман ноанъанавий ҳолатларда қўшимча мазмуний хусусиятлар касб этиб, образлилик ёки ижобий ёхуд салбий хиссий туйғулар ифодаси учун қўлланилганларида кўпроқ, кузатилади. Баъзан аслиятда фойдаланилган катор хиссий-таъсирчан маънодош сўзларга таржима тилида биттагина, ammo семантик-услубий қамрови кенг лингвистик воситанинг мос келиши ёки, аксинча, аслиятдаги маъно доираси кенг битта лингвистик бирликка таржима тилида матний ҳолат тақозоси билан оғзаки нутқда хос бутун бошли синонимик каторнинг мувофиқ келиши мумкин. Адекват таржима яратиш масъулияти эса таржимон зиммасига маъно белгиларига кўра фарқланадиган бундай синонимлар гуруҳи орасидан энг мақбулини танлаш вазифасини юклайди. Бундан ташқари, муайян лингвистик восита турли нутқий ҳолатларда турлича услубий таъсирчанлик касб этиши мумкин. Бинобарин услубий вазифаси кўзга ташланиб турган хиссий-таъсирчан бирлик контекст тақозоси билан ўзбек тилига моддий-мантиқий маънога эга бўлган лингвистик восита орқали ўгирилиши ёки, аксинча, анъанавий услубий бетараф бирлик бадний контекст таркибида фаоллашгани ҳолда, хиссий-таъсирчанлик аломати касб этиб, услубий хусусиятли лингвистик восита ёрдамида таржима қилиниши мумкин. Бундай ҳолларда икки тил бирликлари ҳам одатда хиссий-таъсирчанлик касб этади. Ушбу мазмуний хусусият бир

тилда анъанавий кўринишга эга бўлса, иккинчисида тегишли тарзда бунёд этилган контекст ёрдамида намоён бўлади. Зеро, бадний контекст таркибида деярли ҳар қандай анъанавий, услубий бетараф тил воситаси алоҳида нуткий вазиятларда сўзловчининг истак ва мақсади асосида услубий мазмун касб этиши мумкин. Аммо бундай таржима усули камдан-кам ўзини оклайди. Сўзлар нафақат илмий-техникавий, балки бадний матн таркибида ҳам кўпинча тилнинг лексик-семантик тизимида ўзларига хос мантикий атов маъноларида қўлланиладилар. Образлилик; ҳиссий-таъсирчанлик лаёқати сўзларнинг семантик тизимига хос бўлмаган пайтларда уларнинг бадний контекст таркибида қўшимча, ноанъанавий маъно ва маъно белгилари касб этиш эҳтимоли паст даражада намоён бўлади. Бирликларнинг ҳиссий-таъсирчан маънолари аслида моддий-мантикий семантикаси асосида ҳосил қилинганлигига қарамасдан, лугавий-мантикий ва матний маънолари орасидаги мазмуний боғланиш деярли кўзга ташланмайди. Бундай пайтда ҳиссий-таъсирчанлик предметларнинг шакл, вазифа ва хусусиятлари асосида эмас, балки инсоннинг ўнта предмет ва воқеа-ҳодисага нисбатан салбий муносабати замида вужудга келади. Ҳақорат, таҳқир оҳангига эга ҳиссий-таъсирчан маъно, масалан, инглиз тилида кўпинча «*God*», «*devil*», «*damn*», «*go to the devil*», «*go to hell*», ўзбек тилида «*шайтон*», «*иблис*», «*итвачча*», «*нитдан тарқаган*», «*мол*», «*хайвон*», «*тўнғиз*», «*чўчка*», «*жип урсин*», «*лаънати*», «*падарлаънат*» каби лингвистик воситалар ёрдамида ифода этилади. Бу ерда ҳиссий-таъсирчанлик ва субъектив баҳо предметларни аташ, номлашдан кўра устун туради. Бундай бирликларнинг вазифалари асосан субъектни феъл-атворига қараб

баҳолашдан иборатдир. Улар одатдаги сифатлашлар сингари нопок одамлар тасвирини образли яратиш учун қўлланилмасдан, сўзловчининг уларга нисбатан хаяжонли салбий муносабатини ифода этадилар. Кўпчилик бундай бирликларнинг моддий-манتيкий маънолари ҳақорат, тахжир охангига эга эмас. Айни хусусиятни улар жонли нутқда анъанавий-лугавий маъноларидан узоклашиб, салбий услубий мазмун хосил қилганларида касб этадилар. Бундай лингвистик воситаларнинг хиссий-таъсирчанлик даражаси, яъни ҳис-хаяжон қувватининг юқори ёки пастлиги асосан уларни талаффуз этган шахснинг кайфиятига, рухий ҳолатига, талаффуз охангига ҳамда нуткий вазиятга боғлиқ бўлади. Моддий-мантикий маъноли лингвистик воситалар айрим нуткий вазиятларда алоҳида ургу ва оханг билан талаффуз этилиб, ҳис-хаяжон ифодаси учун хизмат қилгани ёхуд образлилик касб этиши мумкинлиги, контекстуал уйғунликни юзага келтириш йўлини танлаш зарурати тугилади. Лингвистик воситаларнинг образлилик ҳамда хиссий-таъсирчанлик ифодаси учун фойдаланиш уларнинг бадний нутқ таркибида анъанавий лугавий шароитларидан мавҳумлашган ҳолда, тимсолий мазмун касб этишлари, гоҳо муайян шакл ўзгаришларига дучор бўлиб, алоҳида оханг билан талаффуз этилишлари натижа-сида намоён бўлар экан, таржиматилида аслиятда фойдаланилган бундай шакл ва воситаларга вазифавий монанд ифода воситаларининг қидириб топилиши тўла-тўқис тенг кийматлиликнинг яратилишига олиб келади.

Тил воситалари бадний нутқ таркибида нафақат ўзларининг моддий мантикий маъноларидан мавҳумлашиб, хиссий-таъсирчан ва бадний эстетик (образли) маъно ва маъно белгиларни касб этган-

ларида, балки оддий мулоқот таркибида дастлабки – атов маъноларида қўлланилганларида ҳам таржимон олдига зарурий лисоний воситаларни тўғри танлаш борасида қатор амалий машгулотларни кўндаланг қилади.

Муайян тил воситалари маъноларини она тили бирликлари ёрдамида тушунтирадиган мавжуд икки тилли луғатлар, қанчалнк кенг ва атрофлича тузилган бўлишларига қарамасдан, нутқ жараёнида намоён бўладиган икки тил мувофиқларнинг барчасини акс эттира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай луғат ҳам бирликларнинг нутқ жараёнида намоён бўладиган қўшимча, тасо-дифий-мантқий маъно ва маъно белгиларининг барчасини ўзида мўжассам этишга ожизлик қилади. Бундан ташқари, бирликларнинг айрим маъно ва маъно белгилари ўзларининг бир қатор моддий ифодасига эга бўладиларки, уларнинг ҳаммасини йиғган ҳолда ҳам, луғатга киритишнинг амалий имконият доирасига сиғмайди. Шунинг учун энг тафсилотли тузилган, деб тан олинган луғат ҳам муайян нутқий вазиятда тил соҳиби мурожаат қилиши мумкин бўлган ифода воситасини ифода қила олмайди.

Луғатлар одатда нутқ амалиёти орқасидан қувиб ета олмайди. Уларда одатда тил тизимида ўз аксини топган имконий маънолар ўрин олган бўладики, айрим нутқий вазиятларда мазкур маъноларнинг бирортасидан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Бинобарин, таржимоннинг вазифаси нафақат муайян лисоний воситанинг луғатга киритилган маъноларидан энг мақбулини, балки луғатда ўз аксини топмаган ёки топиб улгурмаган, бироқ ушбу нутқий вазият учун аини муддао бўлган маъносини таҳлил асосида намоён қилишдан иборатдир. Бундан ташқари, лисоний воситанинг айрим маъно ва

маъно белгилари тилда қатор синонимик воситалар ёрдамида ифодаланган бўладикки, уларнинг барчасини луғатда акс эттиришнинг имкони бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, мавжуд луғатлардан таржимон учун зарур бўлган барча ахборотни тўла-тўқис олиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Шунга карамай, луғатларда акс эттирилган тиллараро эквивалентлар барча нутқий вазиятларда лисоний воситанинг маъно ва вазифасини муайян этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Санъаткор лексик бирликларининг луғатларда тасвирланган мувофиқ маънолари асосида таржима тилида уларнинг зарурий матний маъноларини ифода этадиган лисоний воситалар кидириб топади. Ваҳоланки, барча матний маънолар имконий воситалар сифатида луғатдан ўрин олган асосий семантика атрофида у ёки бу даражада гуруҳлашган бўлади.

Тилнинг барча халқлари учун бирдай фикр алмашиш қуроли эканлиги аслият ва таржима тиллари бирликларининг қатор ҳолларда бирбирларига луғавий мос келишларини тақозо этадики, таржимонлар бундай қулай имкониятда одатда унумли фойдаланадилар, чунки луғавий мос бирликлар кўпинча бир хил вазиятлар тасвири учун қўлланиладиган доимий эквивалентлар ҳисобланганлари ҳолда, таржима жараёнида уларнинг бири иккинчиси орқали осон алмаштираверилади.

Аммо тилларнинг миллий хусусиятга эга эканликлари, уларнинг мустақил тараққиёт жараёнини босиб ўтишлари туфайли қатор ҳолларда аслиятда қўлланилган у ёки бу лисоний воситага таржима тилида муайян бир тил бирлиги эмас, балки бир нечта, қатор ҳолларда бир-бирларидан маъно белгилари, баъзан эса

услубий вазифалари жиҳатидан фарқ қиладиган лисоний воситалар мос келади. Аниқроғи, асл нусхада акс этган муайян бир фикр таржима тилида бир неча имконий намуналар ёрдамида ифода этиладики, бу ҳол санъаткор олдига айна намуналарнинг контекст талабидан келиб чиқиб, аслиятга энг мос келадиганини танлаш вазифасини қўяди.

Таржима жараёнида таржимон даврий бирикма билан нш кўряптими ёки тургун бирикма билан нш олиб боряптими, мана шуни аниқлаб олиши керак. Бунинг учун унда улкан “фразеологизмларнинг рецепт захираси” бўлиши лозим. Юқорида айтиб ўтилганидек, сўз бирикмаларида ҳам худди сўзлардаги каби кўп маънолилиқ ва омонимлик ҳодисалари мавжуд, бунда унинг бир маъноси кўчма маънода бўлиб ибора бўлиши, иккинчи маъноси эса фразеологизмга омоним бўлиши мумкин. Масалан, *to burn one's fingers* бирикмаси куйидаги маъноларга эга: 1. *Бармогини куйдирмоқ* – ўз маъносида 2. *Чув тушмоқ, панд емоқ, куйиб қолмоқ* - ибора; *to be narrow in the shoulders* ўз маъносида тор елкали киши, кўчма маънода ҳазилни тушунмайдиган фразеологик бирикмага синоним бўлади. “*Don't mention it*” 1- менга бу ҳақида эслатма, 2- раҳмат айтишига арзимаиди. Кейинги ибора “*to throw the book at smb.*” ўз маъносида “*кимгадир китобни опши*” бўлса, ибора сифатида “*кимнидир энг узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш*”ни англатади. Лекин назарий жиҳатдан бундай бирикмалар ўзгарувчан бирикма сифатида ишлатилган контекст бўлиши ҳам мумкин. Бъзан фразеологизмлар ўзгарувчан, яъни эркин бирикмалардан биттагина артикlining ишлатилиш ишлатилмаслигига кўра фарқланиши мумкин. Масалан: *to go to the sea* - *денгиз бўйига*

бормоқ, to go to sea – денгизчи бўлмоқ; to draw a line – чизиқ
чизмоқ, to draw the line – имкон чегарасини белгилаш.

Фразеологизмларни яхши қабул қила билиш ҳамма биладиган ва муайян ҳолатдагина ишлатиладиган фразеологизмларни фарқлашда, шунингдек, “муаллифлик трансформациясига” [22, Б. 74-78] дуч келган фразеологизмларни қайта тиклай олишга ва таржимада у орқали эришилган таъсирга эришиш имконини беради. Муаллиф томонидан қайта шакллантирилган ва натижада, фразеологизмларнинг ассоциатив маъноси таъкидлаб кўрсатиладиган стилистик воситаларга қуйидагилар киради:

1. Ўзгарувчан эркин бирикманинг бош маъносига семантик жиҳатдан боғлиқ бўлган янги компонент киритиш. Масалан, *to put the cart before the horse – ҳаммасини чаппасига бажариш* (сўзма-сўз таржимаси – *отни араваинг орқасидан боғлаш*) бирикмасига қуйидагича ўзгариш киритилган: “*Let’s not put the cart too far ahead the horse*” (E.S. Gardner).

2. Фразеологизмнинг компонентларидан бирини бошқа сўз билан алмаштириш орқали унинг лексик-грамматик таркибни ўзгартириш. Масалан, Библиядан олинган *to have a millstone about one’s neck (юразида оғир тошни олиб юрмоқ)* фразеологизми С.Т.Колдриж томонидан қуйидагича ўзгартирилган: *have an albatross about one’s neck (сўзма-сўз таржимаси – бўйнида албатросни кўтариб юриш)*; С.Т.Колдрижнинг “The Ancient Mariner” поэмасида албатросни ўлдирганлиги учун ўз кемасига фалокат олиб келган ва жазо сифатида албатросни бўйнида кўтариб юришга мажбур бўлган денгизчи хақида ёзилади.

3. Фразеологизмнинг парчаланиши ва унинг компоненти ёки компонентларидан эркин бирикмалар таркибида фойдаланиш. Бунда ўша компонент бутун фразеологик бирикмага боғлиқ маънони ташувчи ҳисобланади. Бунда фразеологизмнинг тўлиқ шакли иккинчи планга ўтади, лекин уни тикламасдан иборани тушуниш қийин. Масалан:

- *"I've got a cold."*

- *"It's in your feet."* (B. Manning)

Мазкур диалогда сўзловчилардан бири касалликдан шикоят қилмоқда, иккинчиси эса буни касаллик эмас, балки қўрқоқлик, деб ҳисоблаяпти. Бу ерда - *to get cold feet* – қўрқоқлик қилиш иборасининг фақат битта компоненти бутун бирикма мазмунини бериш учун ишлатилган. Бу ҳолат кўпинча сўз ўйинида қўлланилади.

4. Фразеологизм тўлиқ эмас, балки унинг бир қисми келтирилиши мумкин: *"He complained to Fleur that the book dealt with nothing but birds in the bush."* (J. Galsworthy). Бу ерда ёзувчи мақоланинг бир қисмини ишлатиш орқали "ёлгон ваъдалар" маъносини англатмоқда: *"A bird in the hand is worth two in the bush"* (узокнинг бугдойидан яқиннинг сомони яхши).

Таржимада энг юқори муқобилликка эришиш учун таржимон таржиманинг турли усулларидан фойдалана олиши керак. [22, Б. 168-170]

Инглиз тили фразеологик вариацияси хақида сўз юритганда, тилшунос олим А.Б.Кунин ибораларнинг структурал синонимик вариантлари фразеологик бирликларгагина ҳос хусусият эканини таъкидлаб, фразеологик вариантларнинг қуйидаги турлари фар-

клайди: 1) лексик вариантлар: *bear (give ёku lend) a hand, not to lift (raise, stir ёku turn) a finger*; 2) Грамматик вариантлар: булар яна куйидагиларга бўлинади: а) морфологик: *in deep water, in deep waters*; б) морфологик - синтактик: *pay nature's debt, pay the debt of the nature*; 3) Лексик-грамматик вариантлар: булар куйидагиларга бўлинади: а) лексик- морфологик: *keep one's eye (eyes) pulled (skinned) = keep an eye pulled*; б) лексик-синтактик: *bad news has wings = ill news flies fast*; в) Синтактик: *every tub must (should) stand on its own bottom*. 4) Позицион вариантлар: булар а) бир структурали: *off and on = on and off*; б) ҳар хил структурали: *head over ears = over head and ears*; 5) Квантатив вариантлар: булар а) элементлар тушурилади: *be in for it = be for it*; б) элементлар кўшилади: *lead smb. a dance = lead smb. a pretty dance*; 6) Пунктуацион вариантлар: *how do you do? = how do you do; what do you know about it? = what do you know about it!* 7) Орфографик вариантлар: *hand in glove = hand-in-glove*. 8) Комбинациялашган вариантлар: *Raise (stir up) a nest of hornets = bring*. Машҳур академик ёзувчи Т.Драйзер ўзининг "Бахти қаро Керри" (Sister Carrie) асаида кўплаб фразеологик бирикмалардан фойдаланиб, эмоционал бўёқдорлигини оширган ва бу китобхонни қизиқишини кучайтирган. Т.Драйзер ишлатган фразеологик бирикмаларни таржимон Эркин Носиров "*to one's fancy*" - "*орзулари чексиз эди*", "*had said nothing*" - "*тишини тишига қўймоқ*", "*drag of lean life*" - "*қўли қисқи*" деб таржима қилган. Демак, тилдаги фразеологик бирикмалардан асар мазмунига мос равишда фойдаланиш киши нутқининг амалга ошиши учун катта имкониятлар яратади. Бунинг натижасида кишилар ўз фикр ва ғояларининг энг нозик маъно хусу-

сиятларини тушунарли ва равшан, ширали ва таъсирли қилиб ифода-далашга муяссар бўладилар.

2.3. Бадий матн ва стилистик маъно

Матн тил табиатининг барча хусусиятлари мужассамлан-диган лисоний бирликдир. Матн – тилнинг яшаш, «ҳаёт кечирish» шакли ва шунга нисбатан унинг мақоми белгиланади. Маъшхур адабиётшунос М.М.Бахтин айтганидек, матн «барча гуманитар фанларнинг бирламчи манбаи, бошланғич нуқтасидир» [15, Б. 320]. Демак, матн таҳлилидаги уч анъанавий йўналиш, стилистик адабиётшунослик йўналишлари қаторини семантик ёндашув ҳисобидан бойитишнинг пайғи келди.

Анъанага биноан матн бирликлари ёки белгиларининг кетма-кет қаторда бирикишидан ҳосил бўладиган мураккаб тузилма сифатида қаралади. Бундай тузилма таркибидаги ҳар бир тил белгиси маълум бир маънога эга. Демак, матн ҳам алоҳида кўринишдаги белги деб қаралиши лозим. Лекин баъзилар матнни бу хусусиятга эга эканлигини инкор этадилар. М.М.Дымарскийнинг фикрича, «матн яхлит ҳодиса сифатида на лисоний, на нутқий ёки бошқа бирор кўринишдаги белги бўла олмайди. Матн алоҳида, нутқий тафаккур маҳсулоти яратилишининг лисоний шаклидир» [30, Б. 36]. Матнни лисоний белги мақомига эга бўлиш имкониятини бундай қатъий инкор этилишининг сабаби уни тил тизими бирликлари гуруҳига киритмаслик анъанаси билан боғлиқ. Белгининг идеаллиги унинг маъносига. Маъно, ўз навбатида, белгининг ҳаракати, ривож асосига шаклланади. Матнга доимий ҳаракат, динамика ҳосилдир. Унинг мавжудлиги материянинг асосий ҳаракат

шакллари билан боғлиқ ва маъно-мазмунни ҳам шундай ҳаракат давомида намоён бўлади.

Матнни белги сифатида ўрганиш ғояси Тарту университетида фаолият кўрсатган структуралистлар мактаби томонидан кенг миқёсда тарғиб қилиниб келинмоқда. Ушбу мактабнинг йирик вакили Ю.М.Лотманнинг қайди қилишича, «матн ягона мазмунга эга ва шу жиҳатдан унга яхлит белги сифатида қараш мумкин» [46, Б. 62]. Ҳақиқатдан ҳам, Москва ва Тарту шаҳарларида тўпланган бир қатор адабиётчи олимлар алоҳида белгилардан таркиб топадиган матнни иккиламчи белгилар тизимидан ўрин оладиган ҳодиса сифатида талқин қилмоқдалар, аммо бундай қарашда матн маданий белги мақомини олади. Матнга маданий вазифа хослигини инкор этмаган ҳолда, унинг айни пайтнинг ўзида лисоний ҳодиса ҳам эканлигини унутмаслик лозим.

Ўтган асрнинг 60-йилларида «глобал семиотика» оқими вакилларининг ишларида матннинг инвариант хусусиятларини аниқлаш ва матн лингвистик тадқиқини тил эстетикаси билан боғлаш ҳаракати илдамлашди. Бу йўналишда бажарилган ишларнинг баъзилари қўлланилган таҳлил усуллари билан фарқ қилсаларда, уларнинг барчасининг мантиқий асосини матннинг «қуёи» босқичидаги бирликларидан «юқори» поғоналари сари юриш ва охириги натижани яхлитликдан, умумий контекстан излаш аъъанаси ташкил қилади. Шу оқим тарафдори Р.Барт матн тилшунослигини «Транслингвистика» деб атаб, «матн» тушунчасини кенг маънода талқин қилади ва ҳар қандай нутқий тузилмани унга тенглаштиради [10, Б. 442]. Француз олими бадий матн мазмуни контекстуал хусусиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлайди.

У матннинг мавжудлигини «ҳаракатдаги маънода» ва «бу ҳаракатнинг ўзи маъно яратиш жараёни» эканлигини кўради [11, Б. 307]. Барт маъно яратилишининг контекстга боғлиқ омилларини қайд этиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг таснифини ҳам беради ва контекстлар қаторига матннинг ўқувчи томонидан идрок этилиши шароитларидан ташқари, матн мавжуд бўладиган («ҳаёт кечирадиган») ижтимоий муҳит, «вазият» контекстларини ҳам кiritади.

Р.Бартининг эътирофича, матн – алоҳида турдаги ахборот ташувчи восита, чунки у фақат ахборот узатиш билан чекланиб қолмасдан, балки ташвиқот, эстетик кўнгил очиш ҳамда маросимий фаолият максادلари учун ҳам хизмат қилади [10, Б. 443]. Транслингвистиканинг ўрганиш объекти бўлган бадний матн бундай кўшимча, иккиламчи ахборот манбаси бўлаётди, маданий ходисалар сафидан ўрин олади. Шунга кўра унинг ўзига хос кўринишда нфода топган ва лисоний ҳудудда қайд этилган, тилшунос-ликнинг катта ҳажмдаги лисоний тузилмалар, маданий шакллар ҳақидаги фан сифатида эътироф этилиши табиийдир.

Бадний матн мазмунни таҳлилида контекстга боғлиқ омиллардан ташқари, унинг ўқувчи томонидан идрок этилишини ҳам эътиборга олиш лозим бўлади. Бунинг аҳамиятини пайқаган Р.Барт «синчков ўқиш» ғоясини таклиф қилади. Унинг ёзишича, «эътибор билан, шошмасдан ва лозим бўлганда, тўхтаб ўқиш керак, чунки бирор бир тўсик, чекловнинг бўлмаслиги нш самарасининг асосий омилдир» [11, Б. 310]. «Синчков ўқиш»га зарурият, албатта, бор, чунки юзаки ўқиш билан бадний мазмунни пинглаб бўлмайди, унда нфодаланаётган ахборотни ҳар ким ўзича, ўзига хос равишда қабул

қилиши мумкин. Бадний асарнинг «ягона маъноси»ни топиш қийин ёки унинг умуман йўқлигига Барт ҳам ишора қилган эди. Бизнингча, олимнинг ушбу фикрига фақат қисман қўшилиш мумкин. «Охирги маъно – чекланган маънодир», деб ёзган эди бир пайтлар М.М.Бахтин [14, Б. 325]. Бадний асарнинг мазмуни маълум ижтимоий, маданий муҳитда ўзгача кўриниш олиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Аммо ҳар қандай кўринишдаги мазмун уни ифодаловчи бирликнинг имкониятларини заҳирасида мавжуд бўлгандагина фаол кўринишни олиши мумкин.

Бадний матн мазмунини англаш ўқувчидан ижодкорона ёндашувни талаб қилади ва бунда асар матнининг диалогик яхлитлик тузилишига эга эканлигини ҳис этиш, уни «бир томонлама ўқиш» мумкин эмаслигини унутмаслик лозим. Бартийнинг талқинича эса, ҳар бир маъно ўз-ўзича мавжуд, бу маънолар ҳосил бўлиши ва йўқолиши, бошқаларига ўрин бўшатиб бериши мумкин. У ҳолда матн мазмуни қисмларининг механик тарздаги бириктиришидан иборат тузилишни олиши француз семиотигини унчалик қизиқтирмайди. Охир-оқибатда Барт матн таҳлилини қуйидаги босқичлардан иборат бўлишини таклиф қилади:

1. Матнни ўқилишга мўлжалланган сегмент қисмларга тақсимлаш (қисмларга ажратиш қондалари эркин).
2. Мазмун юзага келиш шароитини ўрганиш, инклинацион маъно, турли кўринишдаги маъно муносабатларини аниқлаш.
3. Матннинг умумий ижтимоий-маданий контекстдан ўрин олишини кузатиш.

Бу йўсиндаги таҳлил, сўзсиз, матннинг семиотик белги сифатида қабул қилиш, унинг табиатига ҳос мундарибжавий белгиларини

аниклаш имкониятини яратади. Зотан, матн мазмунининг моҳияти кўпинча унинг бошқа матнлар, маданий ҳодисалар билан бўлган алоқасида намоён бўлади. «Матннинг асосини, деб ёзади Р.Барт, - унинг бевосита таҳлилга тортиладиган ички ёпиқ тузилиш эмас, балки бошқа матнлар, кодлар, белгилар билан боғлиқлиги ташкил қилади» [11, Б. 310].

Бундан кўриндики, олим мазмунининг структур тузилишини матнлар умумлашуви, ўзаро бирикуви ғояси билан боғлаш ниятида. Аммо француз семиотигининг яхлитни қисмларга ажратиб ташлаш аъанасидан бутунлай фориг бўла олмагани аниқ кўриниб турибди. Бу эса мазмунининг асл моҳиятини бузиб талқин қилишдан бошқа нарса эмас.

Бадий матн таҳлиliga ҳар қандай кўринишдаги семиологик ёндашув, уларнинг татбиқ меъёрида баъзи фарқларнинг мавжулгидан қатъи назар, бадий асарлар табиати тавсифини ягона махраж атрофига тўплаш имконини яратади. Бадийят белгиларининг барчаси «мазмуний энергия захирасига эга ва бу энергия, яхлит асар матнидан манба олиб, воқеликка нисбатан маълум бир йўналишдаги муносабатни ҳосил қилади» [52, Б. 109]. Мукаржовский ҳар бир бадий асарни мазмун шаклланишига муҳит яратувчи контекст сифатида қарайди ва янгидан ҳосил бўлаётган белгилар шу контекст ҳудудида бошқалари билан бирикади, олдингиларини бойитади. Олдиндан мавжуд бўлган белгилар, ўз навбатида, янгиларининг маъносига таъсир ўтказида. Яна шуни қайд этиш керакки, белги ҳодисанинг воқелик билан муносабатининг билвосита эканлиги бадийятда мазмунда коммуникативликни асосий ўринга кўтаради. Белги мундарижасини олаётган бадий матн белги ўрин-

дошлик қилаётган воқеликни ижтимоиймаданий муҳит, контекст билан алоқасининг диалектик руҳда бўлишини таъминлайди.

Матн – белгининг ички тузилиши ўзига ҳос ва унинг қандай «ўқилиши» ўқувчининг воқеликка муносабати билан боғлиқ. Бадний асар мазмуни қандай «ўқилиши» ва маданий-ижтимоий муҳитга кўра ўзгариб туриши мумкин. Лекин, энг асосийси, матнда бирор бир тасодифий унсур бўлмаслигини, унинг тарқибдаги барча қисмлар, элементлар ўзаро боғлиқликда эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Анъанавий тилшуносликда, айниқса, стилистикада асосий эътибор ўқувчи тушуниши қийин бўлган ҳолатларнинг изоҳига алоҳида эътибор қаратилиб, турли реалиялар, миллий-маданий тушунчалар, ассоциациялар ва тақлидларга изоҳлар, тушунтиришлар берилар эди. Стилистик таҳлил, одатда, турли троплар ва услубий фигураларнинг рўйхатини тузиш билан чекланиб қолиб, мазмун ва шакл муносабати масаласи кўп ҳолатларда «унутилиб» қолиниб, матннинг яхлит тасавури сийқалашувига йўл қўйилар эди. Умуман, матн ҳодисаси яқин кунларгача лингвистик таҳлил учун статик, турғун материал сифатида қаралиб, ундан тилнинг систем-структур қурилишини исботловчи далиллар манбаи сифатида фойдаланиб келинди.

Замоनावий тилшунослик тамоман ўзгача йўл тутмоқда. Эндиликда, матн мураккаб тузилишдаги, динамик хусусиятга эга бўлган семантик-семиотик ҳодиса рамзида ўрғанилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, барча бадний тасвир воситаларининг матн тарқибдаги ҳаракатларини таҳлил қилиш билан бир қаторда, экстралингвистик кўрсаткичларни ҳам инобатга олишни талаб қилади. Кубан универ-

ситетининг профессори А.Г.Баранов айтганидек, ҳозирги пайтда матн тахлили фанлараро ёндашувни талаб қилмоқда, чунки матн инсон коммуникатив ва олами билиш фаолиятининг воситаси ва маҳсулидир ва бу фаолият «воқеликнинг субъект томонидан идрок этилиши жараёнида кечади» [9, Б. 3].

Бундай ёндашув натижасида матн тахлили доирасига унинг субъектлари, яъни ижодкори ва қабул қилувчиси – реципиентнинг жалб қилинишини тақозо этади ва шу йўсинда матн тилшунослиги сарҳаддош фанлар – тилшунослик, психология, маантиқ, семиотика кабиларнинг учрашув манзилига айланади. Маълумки, семиотика лисоний белгиларни синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлар яхлитлигида ўрганadi. А.Нурмоновнинг таъкидлашича, ҳар бир белги бир неча «нусха»да намоён бўлиш хусусиятига эга. Лекин шу «нусхалар»нинг умумий образи, инварианти идеал предмет, «аклий нарса», моҳиятдир [56, Б. 99-100]. Демак, лингвистик белги қандай кўринишда намоён бўлишидан қатъи назар, унинг ягона моҳияти сакланиши керак. Бу моҳият эса, синтактик, семантик ва прагматик хусусиятлар мужассамлигида шаклланади. Шу мужассамлик умумий образ-инвариантлик хусусиятини шакллантиради. Инвариантлик матннинг семиотик тузилиши учун ҳам ёд эмас.

Замонавий тилшуносликда хусусан терминология соҳасидаги энг катта муаммо “синоним” тушунчасига таъриф бериш ҳисобланади. Мазкур терминнинг юзлаб таърифи бўлишига қарамай ҳамма томонидан тан олинган ва қабул қилинган таъриф мавжуд эмас. Анганага кўра синонимлар талаффузи ҳар хил, бироқ маъноси бир сўзлар деб таърифланади. Бироқ синонимнинг бу бир қарашда лўнда

ва қисқа таърифи ҳам кўпчилик томонидан қаттиқ танқид остига олинади.

Синоним терминига Россия ва хорижда олимлари орасидаги муносабат турличадир. Шу пайтгача терминнинг юзлаб таърифи орасида Россия олимаси И.В.Арнольднинг берган таърифи энг мукамал ва тўлиги деб тан олинган. Унинг фикрича: "Синонимлар – икки ва ундан ортиқ турли сўз туркумига тегишли ҳамда бир ёки ундан ортиқ ўхшаш маънога эга сўзлар ҳисобланади.

Стилистика фанининг ривожланиши ундаги мавжуд ҳодисаларни илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш лозимлигидан далолат беради. Стилистика фани умумий тилшунослик фанининг нисбатан янги соҳаси ҳисобланади. Хусусан лексик стилистиканинг объекти ҳисобланган стилистик синонимлар ўзбек тили мисолида ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Стилистика соҳасида чоп этилган адабиётларда стилистик синонимлар ҳақида жуда кам маълумот берилган.

Сўнгги йилларда стилистика ҳодисаларига яна катта қизиқиш пайдо бўлди, чунки стилистика фани барча тил бирликлари билан иш кўра олиши билан ажралиб туради. Фонетика нутқ товушлари, суперсегмент унсулар (ургу, интонация), грамматика морфологик ва синтактик, лексика эса сўз яшаш, сўз маънолари, сўзларнинг келиб чиқиши, фразеология, лексикография ҳодисалар билан шгулланса, стилистика шуларнинг барчаси билан иш кўра олади.

Сўзларнинг даражаланиши, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, стилистик синонимлар деб аталадиган лексик қатламнинг даражаланиши ҳали тадқиқот объекти бўлмаган.

Сўзларда даражаланиш мавжуд. Бу синоним сўзларда ҳам даражаланиш мавжуд деган фикрга олиб келади. Бизнинг фикримизча, таржима амалиётида стилистик синонимларни танлашда унинг даражаланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади, яъни таржимада сўзни тўғри танлаш ва пировардида сўзнинг эквивалентини топишда ҳамда таржиманинг муқобил бўлишини таъминлайдиган мезон бўлиб хизмат қилиш мумкин.

Матндаги сўзларнинг даражаланиши ушбу матни таржима қилганда стилистик жиҳатдан аҳамиятга эга сўзларнинг тўғри синонимини аниқлаш баробарида таржимада сўз танлашнинг объективлигини ҳам таъминлайди.

Масалан инглиз тилида “to weep”, ўзбек тилида эса “йигламоқ” феълларининг айна тилнинг ўзида бир неча тури мавжуд. Сўзларнинг, хусусан, стилистик синонимларнинг даражаланиши ёки стилистик синонимларининг маъно жиҳатидан бир-биридан фаркланиши бир қатор омиллар билан изоҳланиши мумкин. Биринчидан сўз бир-биридан (қайси сўз туркумига мансублигига қараб) интенсивлиги, узоқ давом этиши, ҳаракатнинг давомийлиги, ҳолатнинг белгиси, аломати, оғир енгиллиги, ижобий, салбийлиги ва бир қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Юқоридан олган мисолимиз феълга мансуб. Мазкур “йигламоқ” даражаланиши узун, қисқа, узоқ, ўқиниб, хўнгиллаб, овоз чиқариб ва шу каби ҳолатни билдирадиган сўзлар билан келиб, иш-ҳаракатнинг турли даражаси кўрсатилади. Стилистик жиҳатдан эса бу қайси сўз қатламга тегишлилиги (оғзаки, нейтрал, адабий) ва ундан кейингина даражаси инобатга олинади. Лекин бу икки ҳолат сўзнинг стилистик жиҳатдан, аниқроғи лингвостилистик жиҳатдан

бирор қўшимча маънога эғалиги ва унинг иш-харакатни муайян даражасини белгилаши билан эътиборга молик бўлади.

Сўзларнинг даражаланиши ва стилистик синонимларни фарқланишининг таржима амалиётида қўлланиши таржима сифатини аниқлашда, адсқватликка (муқобиликка) эришда сўзларнинг қайси хусусиятлари ва жиҳатлари ҳисобга олинншини билиш таржима таҳлили назарияси ва амалиётига пировардида таржима назариясининг ривожланишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш имконини беради.

Стилистик даражаланиш ва стилистик синонимларни илмий ўрганиш келажакда корпус лингвистикасини ривожлантиришга, изоҳли луғатлар тузишда ҳамда таржима таҳлилини объектив ўтказиш имкони беради ва фаннинг жиҳатларини очишга баҳоли қудрат хизмат қилади.

3-БОБ. БАДИЙ МАТН ВА СТИЛИСТИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР

3.1. Бадий матн хусусиятлари

Бадий матн хусусиятлари бадий услуб хусусиятлари билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар бир тилда матн структураси ўзига хосликка эгадир. И.Р.Гальпериннинг фикрига кўра, бадий услуб функционал услублардан бири бўлиб, у уч гуруҳга наср, шеърят ва драмага бўлинади [25].

Шуни таъкидлаш лозимки, Н.М.Қамбаровнинг фикрига кўра, таржимада турли трансформациялар, хусусан, стилистик трансформация ҳам қўлланади [76, Б. 102-104]. Стилистик таржима трансформацияларни фақат бадий функционал услубда қўлланар экан [33]. Стилистик таржима трансформациялари қўлланмайдиган ҳолатларни ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолатни илмий-техник ва расмий матнлар таржимасида яққол кўриш мумкин. Чунки бу услубда адабий сўз сирасига кирадиган терминлар қўлланнади. Маълумки, терминлар асосан бир маъноли бўлиб, экспрессивлик уларга хос эмас. Бунинг устига илмий-техник услуб талабларига кўра унда қўлланилаётган ҳар бир сўз ва термин ўз маъносида ҳамда нейтрал маънода ишлатилади. Бу дегани расмий услуб ва илмий-техник услубда сўзлар эмоционал ва эстетик ахборотга эга бўлмайдди, стилистик жиҳатидан бир-биридан услуб жиҳатидан, қатлам жиҳатидан фарқ қиладиган сўзлар кам учрайди, стилистик воситалар, усуллар деряли қўлланмайди. Юқоридан санаб ўтилган хусусиятлар бадий бўлмаган услуб ва матнга хос ҳисобланади, яъни бунда стилистик таржима трансформациялари қўлланмайди.

Стилистик трансформациялар. Бунга олимлар биринчи навбатда синонимик алмаштириш ва тасвирий таржима, компенсация (қоплаш) ва бошқа шу каби аламаштиришлар турларини киритади.

Энди эътиборимизни стилистик таржима трансформациясига қаратамиз. Стилистик таржима трансформацияси ўзи нима, бу қандай тушунча? Стилистик таржима трансформацияси деганда нима тушунилади? Бу саволларга жавоб бериш ҳамда унинг нималигини яхшилаб тушуниб олиш учун бу тушунчанинг таърифига мурожаат қиламиз.

Соҳа бўйича мавжуд адабиётларда трансформацияларнинг турли кўринишлари, улар ўртасидаги фарқлар, таснифдаги турли ёндашувлар ва уларнинг қўлланиш сабабларни кўрсатилади.

Стилистика фанининг ривожланиши ундаги мавжуд ҳодисаларни илмий жиҳатдан чуқурроқ ўрганиш лозимлигидан далолат беради. Стилистика фани умумий тилшунослик фанининг нисбатан янги соҳаси ҳисобланади. Хусусан лексик стилистиканинг объекти ҳисобланган стилистик синонимлар ўзбек тили мисолида ҳали етарлича тадқиқ этилмаган. Стилистика соҳасида чоп этилган адабиётларда стилистик синонимлар ҳақида жуда кам маълумот берилган

Сўнги йилларда стилистика ҳодисаларига яна катта қизиқиш пайдо бўлди, чунки стилистика фани барча тил бирликлари билан иш кўра олиши билан ажралиб туради. Фонетика нутқ товушлари, суперсегмент унсурлар (ургу, интонация), грамматика морфологик ва синтактик, лексика эса сўз яшаш, сўз маънолари, сўзларнинг келиб чиқиши, фразеология, лексикография ҳодисалар билан шуғул-ланса, стилистика шуларнинг барчаси билан иш кўра олади.

Сўзларнинг даражаланиши, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, стилистик синонимлар деб аталадиган лексик қатламнинг даражланиши ҳали тадқиқот объекти бўлмаган.

3.2. Бадиий матннинг лексик-семантик хусусиятлари

Адабиётнинг сўз санъати эканлиги ҳақидаги ҳақиқат жуда қадим замонлардан бери такрорланиб келнади. Демакки, адабиётнинг бош унсури сўз, умуман, тилдир. Бадиий асарнинг юқори савияли асар даражасига кўтарила билиши асар муаллифининг бадиий ифода баҳолатига боғлиқ эканлиги шубҳасиз. Шундай экан, ҳар қандай бадиий асарнинг моҳиятини холис баҳоламоқ учун, энг аввало, унинг таркибининг ўзига хослиги таҳлил этилмоғи лозим. Тилда ҳар бир унсурунинг ўз вазифаси, маъно доираси, бошқа унсурлар, бирликлар билан боғланиш қонуниятлари мавжуд. Ана шу қонуниятлардан мукамал бохабар бўлган, бадиий диди, сўз сезгиси ва маҳорати юксак ёзувчи бетакрор тасвир, қўтилмаган, оҳорли бадиий лавҳалар, сўз чакинларини пайдо қила оладик, китобхон адибнинг нафақат ғояси, балки гўзал тилининг асрига айланади. Бунда ёзувчи умумхалқ тилидаги бадиий тасвирга фавқулудда мувофиқ бирликларни танлаш, саралаш ва сайқаллаш асосида, лисоний-бадиий қонуниятлардан келиб чиққан ҳолда уларга юкланган хилма-хил бадиий-эстетик маънолар ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Сўз қўллашнинг санъат даражасида ёки санъат даражасида эмаслигини баҳолаш учун, энг аввало, сўз, унинг маъноси ва бу маънонинг тузилишини аниқ тасаввур этиш лозим. Албатта, сўз-

нинг қўлланиши билан боглиқ ҳолда юзага чиқадиган қўшимча маъно нозикликлари, мазмун ўзгачаликлари турли тасвир усуллари ва воситалари орқали реаллашиши мумкин. Аммо таъкидлаш жоизки, бундай қўшимча маъно нозикликлари аксар ҳолларда, аввало, сўз маъно қурилишининг ўзида имконият сифатида мавжуд бўлади, улар сўзнинг маъно қурилиши таркибида илгаридан қайд этилган бўлади.

Тилдаги номинатив бирликларнинг маъно тузилишини ўрганишда тилшуносликда семантиканинг коннотатив жиҳати тушунчасига алоҳида эътибор қилинади. Бу масалани монографик тарзда тадқиқ этган В.Н.Телия таърифича, «коннотация – тил бирликлари семантикасига узвувал ёки оккозионал равишда кирадиган, нутқ субъектининг борлиқни жумлада ифодалашда унинг айни шу борлиққа бўлган хиссий – баҳолаш ва стилистик муносабатни ифодалайдиган ҳамда шу ахборотга кўра экспрессив қиммат касб этадиган мазмуний моҳият»дир. Коннотация, таърифидан кўриниб турганидай, сўзловчининг борлиқни ифодалаш воситаларига муносабатига дахлдор бўлган жиҳатдир. Масалан, *body, corpus, bone, figure, hick* каби сўзлар қаторидан тегишли нутқ вазияти ва субъектив нуқтаи назарга мувофиқини танлаш сўзловчининг ўзига берилган имконият эканлиги маълум. В.Н.Телия таъкидлаганидек, бундай сўзлар семантикасида «сўзловчининг ифодаланмишга бўлган муносабатни ҳақидаги информация кодлаштириб қўйилган бўлади ва жумла қурилар экан, худди сиқилган пружина қўйиб юборилганидай, бу информация дарҳол ишга тушади», демак, луғат бирликлари фақат номинатив фаолият учунгина эмас, балки прагматик фаолият учун тайёр материал бўлиши мумкин. Тадқиқотчи

айни шу ўринда ана шу мулоҳазаларга асосланган ҳолда сўзнинг семантик қурлишида номинатив жиҳатга қўшимча коннотатив жиҳатнинг бўлиши нуткий тежамкорлик учун ёрдам беришини ҳам таъкидлайди. [72, Б. 7] В.Н.Телия сўзнинг лексик маъносини, камида, уч макроузвнинг комбинацияси сифатида тасаввур этиш мумкинлигини айтади: 1) маънонинг борлиқдаги муайян реалликни ифодаловчи денотатив узви; 2) категориал грамматик узви; 3) нутқ субъектининг сўз орқали ифодаланган нарсага муносабатини англатадиган эмотив-модал узви. [72, Б. 16] Ана шу учинчи узв экспрессив бўёқ, услубий бўёқ, эмоционал бўёқ, субъектив баҳо каби тушунчаларни умумлаштирувчи коннотатив маънолардир. Бундай узвнинг мазмун-моҳияти ўзбек тилшунослигида ҳам анча кенг очиб берилган. Масалан, «Ўзбек тили лексикологияси» китобида сўз нарса-ходисани ифодалаш ифодалари баробарида кўпинча шу нарса-ходисага сўзловчининг субъектив муносабатини ҳам англатиши алоҳида таъкидланган: «...Лугат составидаги сўзларни кузатиш уларнинг баъзилари бирор нарса, ходисаларни атабгина қолмай, ай-ни пайтда сўзловчининг ифодаланаётган тушунчага ўз баҳосини, муносабатини ифодаланишини ҳам кўрсатади. Бадий матнни таҳлил қилиш жараёнида ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳора-тини намоён этадиган, эмоционал-экспрессив ифода семалари кабарик ҳолда реаллашган лексик бирликларни аниқлаш ва улар адибнинг бадий-эстетик мақсадига қай даражада хизмат қилгани ҳақида мулоҳаза юритиш талаб қилинади. Бунинг учун бадий асар тилидаги маънодош, шаклдош, зид маъноли, кўп оли, тарихий ва архаик сўзлар, янги ясалмалар, шевага оид

сўзлар, чет ва вульгар сўзлар ажратиб олинадилар ва асарга нима мақсад билан олиб кирилганлиги изоҳланади.

3.3. Бадний матннинг стилистик хусусиятлари

Бадний матн бошқа матнларга караганда бир катор хусусиятлари билан фарқ қилади. Бундай фарқ ва хусусиятлар бадний матнни бадний бўлмаган, бошқа турдаги матн билан қиёсаларда аниқроқ кўринади. В.П. Беляниннинг фикрига кўра, бундай фарқ “борликни шахсий талқин қилишдан иборат. Ёзувчи борликнинг унга яқин ва тушунарли қисмларини тасвирлайди; ўзига яқин фикр-ўйларини ривожлантиради; тил элементлари ва шахсий мазмун билан тўла метафоралардан фойдаланади” [17, Б.55]. Соҳа бўйича адабиётларда бадний матн хусусиятларини ҳақида янада чуқурроқ ва аниқроқ маълумот топшиш мумкин. Масалан, Л.Н. Мурзин ҳамда А.С. Штерн: фарқ «сўз устаси умумий тилдан фойдаланади, бироқ вазиятни тасвирлаш учун у унинг ёрдамида ўз фалсафасини, дунёни англашини ифодалайди ... муҳими – бадний матннинг “икки қаватдан иборатлиги.” [53, Б. 18-19]. Икки қават деганда бу ерда муаллиф сўзнинг кўчма маънода қўлланишини назарда тутайди. Бадний матнда сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши одатий ҳол ҳисобланади. Муаллифнинг қайси сўзларни қай даражада қўллаши унинг сўз бойлиги, билими, дунёқараши ва дунёни англашига боғлиқ бўлади. Бадний матнлар бўйича илмий фикр юритган олимлардан бири М.А. Гвенцадзе, бадний матн хусусиятларини ҳақида гапириб шундай дейди: “ ... бадний матнлар реал борликнинг моделини эмас, балки борликнинг онда яратилиши мумкин бўлган моделларини

тақдим этади [27, Б. 91]. Бироқ, бизнинг фикримизча бу ерда М.А.Гвенцадзе бадий матннинг турларини назарда тутмайди. Н.С. Валгинанинг матнлар турини ўрганишга бағишланган тадқиқотида матнларни киёсий ўрганиб, шундай фикрларни таъкидлаб ўтган. У матнлар тури ва жанрига асосланган типологиясига эгаллигини ва бадий матн нобадий матнларидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилишини кўрсатиб ўтган. Жумладан бадий бўлмаган матнлар (оммавий коммуникация матнлари, илмий матнлар, расмий-иш матнлари) ўзининг хусусий типологиясига эга деган мавжуд фикр ривожлантирилади. Бадий матнлар, муаллифнинг таъкидлашича, ассоциатив-образли фикр юритишга асосланади, бадий бўлмаган матн эса бошқа принцип, яъни мантикий фикр юритиш қондасига амал қилган ҳолда юзага келар экан. Бунда бадий матн учун образли-эмоционал, ҳодисаларнинг субъектив моҳияти муҳим бўлса, иккинчи турдаги матнга мантикий тушунчавий ҳамда объектив моҳият муҳим ҳисобланади. "... Агар бадий матнда муаллиф ўз кўзи билан кўрган ва ифодаланган "иккиламчи борлик" мавжуд бўлса, бадий бўлмаган матнда, одатда, бир ўлчовли ва бир планли бў-лади" [23, Б.114]. Шунинг ҳисобига бу икки турдаги матн таъсири ҳам турлича бўлади. Биринчи турдаги матн адресатнинг фикрига, интеллигуал жиҳатига таъсир кўрсатса, иккинчи турдаги матн, яъни бадий бўлмаган матн инсоннинг фикрига, ҳис-туйғуларига таъсир этади. Бадий матннинг бошқа матнлардан фарқ қиладиган жиҳатлари унинг эстетик аҳамиятга эга бўлган, одамнинг маънавий бойлигини таъминлайдиган бир қатор афзалликлари мавжуд. М.С.Чаковскаянинг таъкидлашича, бадий матнда таъсир қилиш функцияси бошқа матнларга нисбатан

тўлиқроқ ва кенгроқ амалга ошади; бу ерда сўз маъноларининг ўзгариши, сўз маъноси нозикликларининг товланиши унда қўлланган тил бирликларининг ўзига хос матн ҳосил қилиши янги маъно ёки мазмун билан бойишига олиб келади. Бадний матндаги хабар унда қўлланган сўз маъноларидан янгича тартибда, янгича ёндашувдан, янгича идрок этишдан ҳамда унга янгича кўз билан қараш натижасида бутунлай янги (эстетик) маъно касб этади. Маълум сабабларга кўра турларга ажратилган матнлар функцияси жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Бадний бўлмаган матнлар коммуникатив-ахборот, бадний матн эса коммуникатив-эстетик функциялари билан ажралиб туради. Бадний матннинг энг муҳим жиҳатлардан яна бири унда мо-нолог, диалог ва полилогларининг қўлланиши ҳисобланади. Нутқ-нинг бу тури ёзма ва оғзаки шаклда бўлади.

Бадний матнда қўлланган ҳар бир сўз, сўз бирикмасининг, гапнинг ўз ўрни бор. Бадний матнда адабий сўзлар (арханк, эски сўзлар, неологизмлар, терминлар, шева сўзлари ва бошқ.)дан ташқари нейтрал сўзлар ҳам қўлланади. Нейтрал сўзлар гапларни, абзацларни ва унда катта бўлган гап бирликларини бир-бири билан мантиқий боғлашга, фикрнинг тушунарли ва раво бўлишига хизмат қилади. Тил бирликларининг матн яратиш функцияси барча матн турлари учун бир хил, бироқ уларнинг мақсади ва вазибалари турлича. Матнларнинг мақсад ва вазибалари уларнинг услуби, жанри орқали намоён бўлади.

Ҳар бир таржимани, жумладан, бадний таржимани олимлар бир тилда яратилган асарни бошқа тил орқали қайта яралиши деб ҳисоблашади. Ушбу ҳолатда бадний таржима икки принцип (тамо-

йил) орасида иккиланади: аниқ сўзма-сўз, лекин бадиий тўлиқ бўлмаган таржима ва бадиий тўлиқ, лекин аслидан йироқ, эркин таржима. Бу икки принцип икки нуқтаи назарда ўз аксини топган: таржиманинг лингвистика билан ва адабиётшунослик нуқтаи назарларидан аниқланади.

Таржиманинг лингвистик принципи биринчи навбатда, аслиятнинг формал таркибини тикланиши деб тахмин қилинади. Лекин лингвистик принципларга тўлиқ риоя қилган ҳолда сўзма-сўз таржимага келиниши мумкин, тилшуносликда аниқ таржима, аммо бадиий муносабатда тўлақон бўлмаган таржимага келинади, чунки таржима қилинаётган тилга буткул бегона бўлган шакл ва тузилиш, яъни чет тили қондаларида содир бўладиган стилизация юз беради. Сўзма-сўз таржима ҳар доим ҳам аслиятнинг эмоционал таъсирини ифодалайди, шунинг учун том маъносининг аниқлиги ва бадиийлик бир бирига доим зиддир. Албатта шак шубҳасизки, бунда таржима тил материалларига таянилади, шунинг билан биргаликда бадиий таржима сўз ва иборалар таржимасиз бадиий таржима мавжуд бўла олмайди, ва албатта таржима жарафни икки тил қонунқондаларини билишга, уларнинг ўша тилга олинган жиҳатлар муносабатига асосланади. Тил қонуниятларига амал қилиш ҳам аслият, ҳам таржима учун шарт ҳисобланади.

Бадиий таржима бу фақат тил муносабатларидан иборат деб бўлмайди. Тадқиқотчилар тилни бадиий асар материали деб аниқлашади, аммо тил воситаларини таҳлил қилишда унинг эстетик томонини инкор этилиши билан бадиий таржиманинг тушунчасини ҳосил қилишади. Бадиий матн таржимаси бадиий матн аслиятига мослиги мезонлари нуқтаи назаридан лингвистик мос келиши

фақатгина бадний мос келишига хизмат қилади. Шу сабабли, бадний таржиманинг сифатини аниқлаш учун фақатгина умумий лингвистик мослик критерийсини қўллаб бўлмайди, ҳамда таржима жараёнида аслиятга тўлиқ мос келиши талаб қилинмайди.

Бошқа тадқиқотчилар бадний таржимани адабиётшунослик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш лозимлигини такидлашади.

Бу назарияга биноан, таржимоннинг асосий қуроли бу унинг фикридир, ўз фикрини ифода қилиш учун адекват тил бирликлари қидириб топилишига ундайди, яъни бадний таржима адекват мосликни лингвистик тушунишда эмас балки эстетик тушунишдадир. Бу ўз навбатида матннинг юқори ижтимоий-маданий мазмунига эга, батафсил мазмун олинш учун оммага мўлжалланган матнларни узатишга хизмат қилади.

Бадний таржима тушунчаси. Бадний таржима, аниқроғи шеърий асарлар ва бадний асарлар таржимаси, таржиманинг бошқа турларидан кескин фарқ қилади, таржимондан адабий истеъдод ва оғзаки ижодни талаб қилади. Турли таржимонларда таржима турлича бўлади. Таржима бу санъатдир, чунки мос бўлган тил бирликлари, шунинг билан биргалликда ритмика, кофия ва аллитерация эстетик эффе́ктага эришишни таъминлайди. Бадний асарлар таржимаси бу осон иш эмас, шеърий асарлар ҳақида кўп баҳслашиш мумкин ҳамда буюк таржимон Р.К.Миньяр-Белоручев айтишича, шеърий асарлар таржимасига фақатгина алоҳида сайланган одамларни йўлатиш керак. Қуйидаги таржима турли фақатгина фикрлаш қобилияти, бадний дид, дунёқарашни активлаштирибгина қолмай, балки чет тилини, шу билан бир қаторда ўзбек тили билимларини ҳам чуқурлаштиради.

Бадий услуб бу энг кам ўрганилган услублардандир, чунки у энг ўзгарувчан ва ижодий ривожланадигандир. Бадий услуб олдин маълум бўлмаган, янгиликка интилишда ҳеч қандай чегара билмайди. Бундан ташқари, ифоданинг янгилиги ва оддий бўлмаслиги куйидаги функционал услуб доирасида муваффақиятли бўлади.

Бадий асарлар жуда катта бўлмаган мавзулар, асосан ҳаёт, инсоннинг фикри, ҳаёт йўли ва мазмунини камраб олади, бироқ бу мавзуларни ифодаловчи бадий воситалар чексиздир. Бундан ташқари, ҳар бир ёзувчи ўз ҳамкасблари билан бир ҳил бўлишга эмас, балки китобхонни кизиқтириш учун бирор янгиликни ифода этишга интилади. Таржимон ўз навбатида асарнинг нафақат мазмунини, аммо услуби, асарнинг жанрини, муаллифнинг эстетикасини, бадий ифода воситаларини, шулар билан бир қаторда шеър шаклини ҳам сақлаб қолиши керак. Шунинг учун таржимон ўзи ёзувчи бўлиши керак деб айтиш мумкин. Буни ҳар донм ҳам имкони бўлавермайди, лекин бунга интилиш керак. [52, Б. 26]

Бадий услубнинг бошқаларидан фарқи шундаки, бадий матнларда нутқнинг сон саноксиз йўллари ва шакллари нишлатилади. Ҳамда таржимон бошқа тил маданиятидаги максимал тўлиқ оригиналини ифода этувчи матн яратиши керак. Бундай таржима мезонлари орасида, албатта, иложи борича асарнинг муҳим бадий стилистик таркибини, яъни нутқ йўллари ва шаклларини сақлаб қолиниши лозим. Бундан ташқари, таржима аслиятни яратилиш даврини кўрсатиши шарт.

Тил аслияти ва таржима турли маданиятларга ҳос бўлса таржимада алоҳида қийинчиликлар пайдо бўлади. Масалан, араб муаллифлари “Қуръони Карим”даги матн парчаларига ва

ҳикояларига ишора қилишади. Араб китобхонлари буларни осонгина тушуниб этади, шунингдек зиёли Европалик “Библия” ва қадимий афсоналарни осонгина талқин этади. Таржимада матн парчалари Европалик китобхонлар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Адабий урфодатлар ҳам бир биридан фарқ қилади, Европалик учун чиройли аёлни “бия”га ўхшатиш бемаъни ҳисобланса, араб шеъриятида бу жуда кенг тарқалган. Славян бутпараст тасвирлар асосида пайдо бўлган “Қор киз” эртаги, Африка иссиқ ўлкаликлар учун қандай таржима қилиниши тамомила тушунарсиздир.

Таржима техникаси матндаги янгилашни тин олмайди, оддий маънавий таъсиротлар бир ҳиллигига асосланади: замонавий китобхон идроки учун аслият таржимаси билан бир ҳил бўлмоғи лозим. Замонавий таржима китобхонга матн замонавий эмаслиги ҳақида маълумот беради ҳамда бир неча усуллар ёрдамида матн қай даражада қадимий эканлигини ифода қилади.

Таржимон даврни лексик, морфологик ва синтактик архаизмлар ёрдамида акс эттириши мумкин. Шу тарзда архаик стилизация яратилади. Стилизация бу ўтган давр тилини тўлиқ ўхшатиш эмас, фақатгина архаизмлар ёрдамида матн белгисидир.

Тил аслияти ва таржима турли маданиятларга хос бўлса таржимада алоҳида қийинчиликлар пайдо бўлади. Масалан, араб муаллифлари “Қуръони Карим”даги матн парчаларига ва ҳикояларига ишора қилишади. Араб китобхонлари буларни осонгина тушуниб этади, шунингдек зиёли Европалик “Библия” ва қадимий афсоналарни осонгина талқин этади. Таржимада матн парчалари европалик китобхонлар учун тушунарсиз бўлиб қолади. Адабий урфодатлар ҳам бир биридан фарқ қилади, Европалик учун чиройли

аёлни “бия”га ўхшатиш бемаъни ҳисобланса, араб шеърятида бу жуда кенг тарқалган. Славян бутпараст тасвирлар асосида пайдо бўлган “Қор қиз” эртаги, Африка иссиқ ўлкаликлар учун қандай таржима қилиниши тамомила тушунарсиздир.

Таржима техникаси матндаги янгиланишини тан олмайди, оддий мантқий таасуротлар бир ҳиллигига асосланади: замонавий китобхон идроки учун аслият таржимаси билан бир ҳил бўлмоги лозим. Замонавий таржима китобхонга матн замонавий эмаслиги ҳақида маълумот беради ҳамда бир неча усуллар ёрдамида матн қай даражада қадимий эканлигини ифодалайди.

Таржимон даврни лексик, морфологик ва синтактик архаизмлар ёрдамида акс эттириши мумкин. Шу тарзда архаик стилизация яратилади. Стилизация бу ўтган давр тилини тўлиқ ўхшатиш эмас, фақатгина архаизмлар ёрдамида матн белгисидир.

Бадий матнда маълумотни шакллантиришнинг турли воситалари мавжуд ҳамда албатта бундай кўп миқдорда тил шакллари мавжуд бўлишига қарамай таржимага ҳеч қандай ўзгартириш киритмасдан матннинг тўлиқ мазмунини етказиш мумкин эмас, бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, компенсация услубини қўллаш ва баъзи муҳим таржима доминантасини нейтраллаштиришда эффе́кт муқаррардир.

Стилистик синонимлар лексик стилистик усуллар таркибида келиши мумкин. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

1. Эпитет – тузилиши ва ўзига хос семантик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда узатилади(оддий ва мураккаб сифатлар; аниқланаётган сўзни норматив семантик келишувига риоя қилиш даражалари; метафора, метонимия, синестезиялар борлиги), индиви-

дуллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, аниқланаётган сўз ва унинг вазифаларини ҳисобга олгат ҳолатда.

2. Қиёслаш – таркибий хусусиятлари, ўз ичига олган стилистик бўёқдорликни ҳисобга олган ҳолатда;

3. Метафора – таркибий тавсиф, образли ва объектив режа орасида семантик муносабатларни ҳисобга олган ҳолда;

4. Муаллиф неологизмлари – муаллиф фойдаланган сўз ва сти-листик бўёқдорлик компонентлари семантикасини сақлаган ҳолда, таржимашу-носликда мавжуд бўлган сўз шаклланиши моделларнга айнан мос келишида.

5. Фонетик, морфема, лексик, синтасик, лейтмотив ташбехлар – ташбех компонентлари миқдорини сақланиши ва берилган тилнинг даражасида ташбех тамойилининг имкониятлари билан биргаликда узатилади;

6. Сўзнинг кўп маънолилиги ёки ички шаклининг жонланишига асосланган сўз ўйини – камдан кам ҳолатларда аслиятда ва таржимада ўгирилаётган сўзнинг маъноси ва ўйин тамойили кўп-маънолилигининг ҳажмига мос келиши; бошқа ҳолатларда ўйин узатилмайди, ўша матнга кирадиган ўйналаётган сўзнинг бошқа маънога эга бўлган сўзи билан компенсацияланади;

7. Аслият матнининг синтактик тафсилоти – қисқа ва узун гапларнинг мавжудлиги, насрий маром, ёзма боғлиқликнинг устунлиги, яъни грамматик мослик ёрдамида узатилади;

8. Диалектизм – одатда оддий нутк лексикаси билан компенсацияланади; жаргонизм, куфр тилнинг ўша стилистик бўёқдорлиги, лексикаси ёрдамида узатилади.

Барча юқорида қайд этилган элементлар тўлиқ аниқлик билан ифодаланиши мумкин эмас, шунинг учун таржимада қуйидаги ҳолатлар содир бўлади:

- а) матннинг қайсидир қисми ифодаланмайди ёки ташлаб юборилади.
- б) матннинг қайсидир қисми асл маъно кўринишида эмас, балки эквивалентнинг турли хил кўринишида ифодаланади.
- в) аслиятда мавжуд бўлмаган материал билан ифодаланади.

Шунинг учун таржима муайян ўзгартиришларни ўз ичига олиши мумкин, аммо бундай ўзгартиришларнинг миқдори таржиманинг аниқлигига боғлиқ, бунинг учун иложи борича ўзгартиришлар минимум даражага етказилиши лозим.

Демак, хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, матннинг адекват таржимаси таржимон томонидан киритиладиган муайян ўзгартиришлар, сўзма сўз таржимани рад этилиши ва маъносига мос мувофиқликни топишдир.

Бадий матнни талқин қилиш унда қўлланган тил birlikларини, жумладан, стилстик синонимлар мазмунини тушунтиришни, таҳлил қилишни назарда тутати.

“Интерпритация” термини бизларга герменевтикадан келиб, “тушуниш ва тушунтириб бериш санъати” деган маънони англатган. Таржимашуносликка “интерпритация” терминини И.И.Резвин ва В.Ю. Розенцвейглар киритишган. Ва бунда аслият ва таржиманинг тизими мослиги билан эмас, балки муайян контекстда вазиятга эътибор берилишини тушуниш таклиф қилинган. [62, Б. 79].

Ва бу термин таржимашуносликда қўлланиши мумкин бўлган ҳолатлар:

- 1) тил бирликларини контекстуал интерпритацияси;
- 2) луғатлар ва маълумотномалар ёрдамида интерпритация;
- 3) ифодаланаятган воқелик, вазиятни ҳисобга олган ҳолда таржимоннинг мустақил ижодий ёндашув йўли билан интерпритация;
- 4) ифода мазмунини ўз ичига олмайдиган, лекин аниқ алоқасини кўрсата оладиган, яъни маъно интерпритацияси.

Агар луғатлар ва маълумотномалар ёрдамида интерпритация ўзгалар билимга таянса, қолган уч тури воситачи керак бўлмайдиган характерга эга.

Демак, таржимада контекст ролини кўриб чиқадиган бўлсак, Г.В.Колшанский “тилларнинг абстракт таҳлил қилинишига эмас, балки аслиятнинг адекват мазмунини тиклашга қаратилган бўлиши лозим” деб такидлайди. Таржима унинг нуқтан назаридан, барча конкрет тилларнинг тамойилларига, тилнинг моҳияти воқелик ифодаси шаклига асосланган бўлади.

Таржимада интерпритация роли турлича баҳоланади: тил ҳодисаси сифатида тан олинishi, яъни тиллар мос эмаслиги билан оқланishi – бундай ҳолатларда “мазмунини ўз сўзи билан ифодалаш” содир бўлади.

Бадний матида интерпритация миқдори деярли чексиздир, шунинг учун кўпинча бир бадний асарни бир неча таржима кўринишида учратиш мумкин, ва албатта ҳар бир таржима ўз ичига индивидуал хусусиятларини олади, бу ўз навбатида ҳам аслиятдан ўзгачалигини, бошқа таржималардан фарқлинишини кўрсатади. Демак, таржимон “таржима қилинаётган асарнинг муаллифи билан муносабатга киришиши муқаррардир, таржима унинг ижодий шахсида муҳрланади.....” [32, Б. 430]. Бадний таржимада миллийлик уйғун-

ликка ижод намуналарини аниқ ифодаланиши, бутун ҳаёт йўли мужассамланиши, меҳнат фаолияти, миллий либослар, урфодатлар, ифода этилаётган мамлакат кўрки, халқ удумлари ва эътиқодини тикланишини ифода этиш билан эришилади.

Ҳар бир ёзувчида, агар у асл санъаткор бўлса, ўзининг шахсий дунёқараши, шунинг билан биргаликда тасавури ва тасвир воситаси мавжуд. Таржимоннинг индивидуаллиги ҳам ўз тилида ифодалаши учун қандай муаллиф ва қандай асар танлашига боғлиқдир.

4-БОБ. ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

4.1. Инглиз тилидаги сўз қатламлари ва таржима

Таржима деганда у ёки бу матнни бир тилдан бошқа тилга ўғирриш жараёнини тушунамиз. Бу жараён ижодий жараёндир. Амаллий таржима масалалари, унинг илмий-назарий муаммолари билан шугулланувчи фанни эса таржимашунослик ёки транслатология деб атаймиз.

Ғ. Саломовнинг фикрига кўра таржима атамаси форсча “тарзабон” сўзидан арабилашиб ўзгарган тарзабон форс тилида “чиройли сўзловчи”, “нотик”, “тилли бурро киши” деган маънони англатади. Арабча ушбу сўз таржибон шаклида бўлиб, ундан таржима ёки таржума ҳосил бўлган. Ўзбек тилида у чевуриш, ўтказиш, қайтариш, ағдариш, ўғирриш атамалари орқали ифода этилади. [63, Б. 35]

Демак, “таржима қилмоқ” ўзбек тилида қуйидаги синонимларига эга: 1) ўғирмоқ 2) ағдармоқ 3) чевурмоқ, 4) қайтармоқ 5) ўтказмоқ.

Бугунги кунда ўғирмоқ, ағдармоқ, чевурмоқ, ўзбекчалаштирмоқ ва русчалаштирмоқ каби сўзлар кўп қўлланилади.

Таржима нутқнинг бир тури сифатида тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилади, яъни таржима жараёни бир тилдаги матнни иккинчи бир тилга ағдарриш – трансформация қилиш демакдир. Мана шу ҳар хил бажариладиган ўзаро икки тил ўртасидаги фаолиятлар, операцияларни таржима процесси деб аташ мумкин.

Лингвистик таржимашуносликнинг предмети икки тил лисоний-услубий ходисаларини кнёслаш оркали бир тилда яратилган нутқий ифодани, унинг шакл ва мазмун бирлигини саклаган ҳолда ўзга тилдаги муқобил лисоний воситалари ёрдамида қайта яратишнинг йўл ва имкониятларини кидириб топиш ва шу асосида таржима амалиётининг сифат ўзгаришига олиб келадиган назарий умумлашмалар яратишдир.

Лингвистик таржимашуносликнинг объекти мавҳум тарзда тасаввур қилинадиган тил системаси эмас, балки конкрет нутқий асардир. Асл нусхадаги матн асосида ўзга тилда бошқа бир нутқий асар яратилади. Демак, лингвистик таржимашунослик бир тилга мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган матнни таржима тили қонуниятлари асосида янги бир матнни яратиш билан шугулланади.

Лингвистик таржимашуносликнинг мақсади у ёки бу чет тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тил материали асосида қайта яратиш назарияларини такомиллаштиришдан иборат. Лингвистик таржимашуносликнинг асл вазифаси аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ходисалари ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқларини ҳисобга олган ҳолда асл матннинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдаги таржимавий муаммоларни ҳал қилишдан иборатдир.

Амалий таржима муаммоларини ҳал қилиш таржимондан пухта филологик билим ва тегишли назарий тайёргарликларни талаб этади.

Мамлакатимизда таржима назарияси мустақил филологик фан сифатида асосан XX асрнинг 50-йилларидан шакллана бошлаган

бўлсада, таржима амалиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан таржимачилик минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган эканда, деган хулоса келиб чикмаслиги керак. Араб, форс, хинд, озарбайжон, турк ва рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, бадний асарларни она тилига ўгириб келинган. Таржимонларимиз бир неча асрлар мобайнида қабул қилинган ва риоя этилган маълум таржимачилик қондаларига асосланиб иш қўрганлар. [20, Б. 89].

Лингвистик таржимашуносликнинг ахамияти шундан иборатки, у таржима амалиётида таржимоннинг матнни таржимасига интуция йўли билан ёндашишга йўл қўймайди. Ўзбек лингвистик таржимашунослигининг асосчиси Ғайбулла Саломов таржимага қуйидагича таъриф беради: Таржима бу илҳом, юксак истеъдод ва интуция билан чуқур филологик билим, тинимсиз лугавий меҳнат ҳамда ўринли илмий шарҳнинг қоришмасидан иборат назарий ижодий жараёндир. Улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий алоқаларни кенгайтиришга илҳом берувчи воситадир.

Ёзма таржима деганда ҳар қандай ёзма ва оғзаки материалнинг ёзма шаклдаги таржимаси тушунилади. Оғзаки таржима деганда ҳар қандай ёзма ва оғзаки материалнинг фақат оғзаки ўгирилган тушунилади.

Таржимашуносликда асл нусха тили ва таржима тилдаги материалнинг қай тарзда амалга оширилаётганига қараб таржиманинг турли турларини ажратиш мумкин. Бу биринчи таснифлаштиришга асос бўлувчи омилдир.

Таржимашуносликда таржима турлари, уларнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чикиб, ажратиш ҳам амалга ошириб келинмоқда, унда таржимага алоқадор ҳар иккала тилдаги матнларнинг шакли эмас, балки уларнинг мазмуни ёки моҳиятига таяниб таснифлаштирилади.

Биз куйида таржимашунос олимларнинг таржима турларига ўзига хослик билан ёндашиб, уларнинг таснифини беришга уришишларини кўриб чиқамиз: Таржимашуносликда рус таржимашунос олими Л. С. Бархударовнинг таржима турлари ҳақидаги фикри жуда аниқ ва равшан, деярли ортиқча саволларни талаб қилмайдиган ёндашишдир.

Л. С. Бархударов асл нусха тили ва таржима тили матнининг қандай шаклда берилишига кўра таржиманинг тўрт асосий турини ажратади:

1) оғзаки-оғзаки 2) ёзма-ёзма 3) оғзаки-ёзма 4) ёзма-оғзаки

У ўзининг “Язык и перевод” асарида юқоридаги турларнинг ҳар бирига алоҳида шарҳ бериб, уларнинг аҳамияти ва салмоғини атрофилича таҳлил қилиб берган. [12, Б. 77]

Ушбу таржима турлари орасида оғзаки-оғзаки таржима иккига турга бўлинади:

1. оғзаки-изчил таржима (consecutive interpretation)
2. оғзаки-синхрон таржима (simultaneous / interpretation)

Тил ва таржима масаласида аввало жаҳонда кейинги йиллар ҳисоб-китобига қараганда 7000 га тиллар мавжуд. Бизнингча бу барча жонли ва ўлик тилларни бирга ҳисоблагандаги йиғинди. Таржима ҳам типологик жиҳатдан яқин бўлган тиллар ўртасида таржима осон амалга оширилади. Бир-бирдан типологик жиҳатдан

узок тиллардан эса таржима қилиш бир оз муаммоли бўлади. Таржима қандай бўлмасин таржима исталган бир тилдан бошқа бир тилга амалга оширилиши мумкинлигини рус таржимашунос олми Л. С. Бархударов китобида айтиб ўтганди. Гап аини ҳолатда таржиманинг осон ёки қийин кечиши ҳақида кетяпти, чунки бир-бирига яқинлик, сўзлар, конструкциялар яқинлиги таржимани тўлақонли ва нисбатан осон кечишига ёрдам беради.

Лекин бу қийинчиликларни бартараф қилиш уста таржимоннинг маҳорати ва саховатига боғлиқдир. Тилларнинг «қардош-қардош» эмаслиги таржимани амалга оширишда бир қатор қийинчиликларнинг бартараф этилиши табиий:

- 1) «Ёзма-ёзма» таржимани оммавий ва кенг қўламда тарихан қўланилиши;
- 2) Ҳар бир таржима турининг ўзига хослиги ва уларнинг бир-бирини тўлдириши.

В. Н. Комиссаров таржиманинг қуйидаги турларини фарқлайди:

- 1) бадий таржима 2) информатив таржима

Ушбу тасниф асосига таржима материаллари мазмуни ва моҳияти олинади.

В. Н. Комиссаров таснифининг изчил ва тўлиқ эмаслигини эътироф этиш керак. Унда информатив таржима бадий таржимадан нимаси билан фарқланиши аниқ кўрсатилмаган.

Бизнингча, ушбу таснифни қуйидагича тўлдириш ёки тузатиш керак:

- 1) бадий таржима 2) нобадий таржима

Изчил таржимада таржиманинг имкониятлари:

1) вақт етарли 2) пауза (оралиқ вақт) берилади 3) ўйлаб, пухта таржима бериш имконияти 4) хатто керак бўлса, аниқлаштириш имкониятига эгаллик.

Синхрон таржимада таржимоннинг имкониятлари чекланганлиги: 1) бир вақтда нотик билан тенг таржимани амалга ошириш; 2) вақт зик; 3) пухта, атрофлича ўйлаб, таржима қилишга имконият йўқ; 4) қайта сўраш, аниқлаштириш имконияти йўқ; 5) ҳам эшитиб ўгириш, ҳам таржима қилиш, ҳам вазиятга кўра хушёр туриш ва имкониятлар Р. К. Миньяр-Белоручев таснифига кўра қуйидаги таржима турлари мавжуд: 1) ёзма таржима; 2) синхрон таржима – оғзаки; 3) изчил таржима; 4) варақдан таржима. Бу таснифда изчил таржима Миньяр-Белоручев фикрига кўра 4 хил бўлиши мумкин: 1) бир томонлама; 2) икки томонлама; 3) абзацдан-фразага таржима; 4) ёзув орқали таржима. [50, Б. 32]

Муаллифнинг фикрига кўра нима таржима қилинаётганлигига кўра таржимоннинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин: 1) бадий таржима; 2) ижтимоий-сиёсий таржима; 3) илмий-техникавий таржима. Ушбу таснифга қуйидагиларни қўшишни лозим топдик: 1) диний-илохий матнлар таржимаси; 2) спорт матни ва атамалар таржимаси; 3) харбий матн ва атамалар таржимаси; 4) бизнестад-бир-корлик матн ва атамалар таржимаси; 5) иқтисодиёт матнлари, атамалари таржимаси ва бошқалар [48, Б. 97].

В. Н. Комиссаров ўз изланишларида қуйидаги таржима турлари ҳақида сўз юритади: 1) адаптированный перевод – мослаштирилган соддалаштирилган таржима; 2) адекват таржима; 3) антономик таржима; 4) хижоқалаб (буквалный) таржима; 5) информатив таржима; 6) бадий таржима; 7) яқинлаштирилган таржима; 8) эр-

кин (свободный) таржима; 9) қисқартирилган (сокращенный) таржима; 10) аниқ (точный) таржима; 11) трансформацион таржима (трансформациялар оркали амалга оширилган таржима); 12) черно-вой перевод; 13) эквивалентлик (мос келувчи) таржима [38, Б. 88];

Биз юқорида таржиманинг шакл ва жанри – стилистик жиҳатларига кўра турли таснифларини эътироф этдик, уларнинг қимлар томонидан асос солинганлигини ёки тавсия этилганлигини кўриб чиқдик. Юқорида зикр этилган таржима турлари ва соҳалари ҳар бири ўзига хосликка эга бўлиб, таржима жараёнида уларнинг бетак-рорлиги намоён бўлади, ақо ҳолда уларни таржиманинг алоҳида турлари ва соҳалари этиб таснифлаштириш бесамар бўлар эди.

Бугунги кунда таржиманинг бошқа турлари билан бир қаторда «оғзаки-оғзаки» таржиманинг изчил ва синхрон турлари қатта аҳамият қасб этиб бормоқда, бунга кўра жаҳонда кўплаб дипломатик, савдо-сотик, маданий ва илмий-техникавий алоқаларини амалга оширишга қатта эҳтиёж бор. Таржиманинг барча турлари ҳаётий зарур ва ўзига хос етарли даражада аҳамиятлидир, қолаверса бетак-рордир.

Тилшунослиқда маъно назарияси қенг таҳлил этилган соҳалардан бўлиб, ҳозирги кунда унда қуйидаги тил маънолари ажратилади.

- 1) референциал (денотатив предметлик) маъно;
- 2) грамматик;
- 3) тил ички маъноси;
- 4) прагматик маъно;
- 5) стилистик маъно;
- 6) фразеологик маъно;

7) паралингвистик маъно [67, Б. 51].

Паралингвистик маъно *имо-ишора, қўл, оғиз, кўз, лаб, тил, тана* ҳаракатларида акс этувчи маънолардир: *У бош ирғади – He nodded his head, У бош силқитди – He shook his head.*

Фразеологик маънога қўйидаги мисолларни беришимиз мумкин: *Do not celebrate victory before you have conquered – тўйдан олдин ногора чалма, When pigs fly – туюни думи ерга текканда, Hears may full dead lions by the bear – йиғит сўздан, арслон изидан қайтмас.*

Л. С. Бархударов фикрига кўра таржимашунослик ўзининг қўйидаги таҳлил методларига эга: 1) қиёсий метод, чулки исталган ҳолатда икки тилни қиёслаш асосида таржима амалга оширилади; 2) компонентларга ажратиш методи (темаларга ажратиш); 3) трансформацион метод (тилда илк тил воситалари, азалий типларни аниқлаб, улардан келиб чиққан тил воситаларини ўрганиб, таҳлил қилувчи метод); 4) статистик метод; 5) оппозиция методи (қарама-қарши қўйиб таҳлил қилиш).

Ушбу методлардан ташқари таржимани амалга ошириш усуллари ҳам мавжуд, булар эса таржимашуносликнинг ўзига хос иш кўриш усуллари (методларидир).

1) маълумотларни қисқа ва лўнда қилиб ёзиб олиш, керак жойларда қисқа қайд этиш ва уларга таяниб ўгириш усули.

2) таржимада асл нусха материални маънодор бўлақларга ажратиб ўгириш усули.

3) матнни лексик, грамматик трансформациялар орқали ўгириш усули:

а) оғзаки трансформациялар орқали ўгириш;

- б) ёзма трансформациялар орали ўгириш;
- в) оғзаки-ёзма трансформациялар орқали ўгириш;
- г) ёзма-оғзаки трансформациялар орқали ўгириш.

Таржимашуносликнинг тўртта асосий қисми бор:

1. таржимашуносликка кириш;
2. таржима тарихи;
3. таржима назарияси;
4. таржимавий танқид.

Бу қисмларнинг ҳар бири алоҳида фан сифатида ўрганилади.

4.2. Нейтрал сўзлар таржимаси

Синонимия бўйича адабиётларда лексик бирликларнинг ўрни қоплаш, яъни алмаштириб бўлиш хусусияти уларнинг лексик ва грамматик маъноларининг умумийлиги сифатида қаралади. А.Л.Демидова предлоглар синонимиясини тадқиқ қилиб, баъзи синонимлар маъно фарқлашда қўлланиб, бирини ўрнини иккинчиси қопламайди, бошқалари, масалан, стилистик синонимлар, бундай ҳолатга йўл қўяди, деган хулоса келади. Номини тилга олинган муаллиф ўз тадқиқотида синонимларнинг учинчи гуруҳини ҳам ажратади. Булар ўз ичига биринчи ва иккинчи гуруҳ синонимларини ўз ичига олади. Бу дегани баъзи ҳолатларда уларни алмаштири ва баъзи ҳолатларда эса уларни алмаштириб бўлмайди. Бундай синонимларни шартли равишда биз н е й т р а л синонимлар деб аташимиз мумкин. Нейтраллик бу ерда услубга эмас, катламга эмас, балки бирини ўрнини иккинчиси қоплай олиш имкониятини назарда тутлади.

Биз қабул қилган концепцияга асосан синонимия иккита

ҳолатда кузатилиши мумкин – улар семантик ва маъно умумийлиги бўлиб, уларнинг фақат биттасига мос келганда улар синоним бўлмайди. Бир хил сўз туркумидан ташкил топган ва битта синонимик қаторга таалукли бўлган сўзлар турличи бирикма ҳосил қилиш хусусиятига эга бўлади.

Лексик жиҳатдан бирикма ҳосил қилишни чеклаш синоним фақат муайян сўзлар доирасида қўлланиши билан аниқланади ва белгиланади. Бундан фарқли ўлароқ семантик бирикма ҳосил қилишни чеклаш хусусияти сўзда мавжуд бўлган ва айтиш шу сўз билан синтактик алоқага киришадиган сўзнинг муайян семантик белги асосида берилади.

Синонимларнинг қайси бири тилда, аниқроғи, нутқда қанча фаол қўллansa, ўша синонимнинг бирикма қилиш қўламини шунча кенг ва қўп бўлади. Буни баъзи синоним феъллар мисолида кўриш мумкин. Масалан, *to escape, to flee, to fly, to abscond, to decamp* (1) синонимларининг биринчи учтаси юқорида айтиб ўтганимиздек бирикма ҳосил қилиш қўламини кенг, учинчи ва тўртинчи феъллар фаол бўлмагани учун олдингиларига нисбатан камроқ бирикма ҳосил қилади ва уларнинг маъноси иш-ҳаракат инсон томонидан бажарилишини талаб этади.

Таржима – аслиятни айнан такрорлаш санъати эмас. Бу умуман назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам мумкин бўлмаган иш. Тиллар, шеърый тизимлар, вазн, мусикавий омиллар орасидаги фарқлар бунга йўл қўймайди. Таржима санъати ижодий жараён бўлиб, мазмунни қайта тиклаш, асарни қайта яратиш санъатидир. Шеър таржимаси жуда мураккаб руҳий жараёндир. Бу жараёнга ижодкорнинг кайфияти, қарашлари, малакаси каби жуда қўп

омиллар ўз изини қолдиради. Шу сабабли таржима асл нусха билан киёсланаркан, юз фоиз мосликни талаб қилиб эмас, балки қанчалик аслиятга яқинлигига қараб фикр юритиш лозим. “Таржима аниқлиги унинг эстетик таъсир киймати нуктаи назаридан аслиятга нечоғлик яқинлигига қараб баҳоланади. Бу энг тўғри мезондир”. Таржимадан кўзланган мақсад – асл нусханинг ўрнини батамом қоплаш эмас, балки унинг асосий киймати тўғрисида тўла тасаввур беришдан иборат. Яхши таржимонлар шунга интиладилар. Буни таржима имконияти кўтара олади. Бадний таржиманинг санъат сифатидаги моҳияти ҳам ана шунда. Тўғри, таржиманинг имкониятларни чегараланган бўлади. Таржимон имконияти эса чегараланмаган. Истиорани, сифатлашни, байтларни, сўзларнинг маъносини ҳамма вақт таржимада беришнинг иложи бор. Ҳиссиёт, оҳанг, ритм, сўзнинг услубий бўёқдорлигини қайта яратиш таржимоннинг шарафли бурчидир.

Таржимон эса аслият тилни ҳам, ўгираётган тилни ҳам мукамал билиши, таржима қонда қонунларини яхши ўзлаштириши, таржимасини таҳлил этиб, хулоса чиқара олиши лозим.

Таржимон олдида турган энг долзарб вазифа аслиятдаги оҳангдорликни, мусиқийликни қайта яратиш ва аслиятдаги таъсир кучини таржиммага кўчиршидир. Таржимон нафақат тилнинг грамматик, лексик ва стилистик хусусиятларини, балки шу тилнинг функционал стилистикасини, яъни услубларини ҳам ўрганиши лозим. Функционал стилистика ифодавий фонетикани ҳам қамраб олади. Тилнинг фонетик услубларига қизиқишга сабаб тилнинг лингвистик хусусиятларини ўрганишга қаратилган назарий қарашлардир.

Тил лексикасининг энг тематик қатлабий услуби ҳеч қандай чегараланишсиз, эркин, умумий фойдаланадиганлардан ташқил топган. Бундай сўзлар муайян тил эгалари билан боғлиқдир, шунинг билан биргаликда улар оддийдир, предметлар номи ва атрофимиздаги муҳитга оид бўлиб, кенг омма учун тушунарлидир.

Улар асосий маънони барқарорлигини ифодалайди, яъни қадимда белгиланган замонавий тилшунослиқда асл маъносини сақлаб қолгандир, қадимда ёзувда қайд этилган (*надар, сув, илқ, сон*). Бир вақтнинг ўзида бу тартиб ўзгариши мумкин ва кейинчалик барчага машҳур бўлиб кетади (*банк, компьютер, президент, робот*), ёки сўзнинг стилистикаси ўзгариши билан, унинг лексик ва синтактик бирлашувига кўра ўзгаради. Умумий фойдаланадиган лексика стилистик нейтрал, услубаро лексикага муносибдир, лекин идентик бўлмайди, эркин қўлланиладиган эмоционал-экспрессив сўзларни муайян қисмини ўз ичига олади: *ойи, ахлоқ, саҳибжа-мол*.

4.3. Оғзаки нутқ услубига оид синоним сўзлар таржимаси

Синонимиянинг моҳияти, синонимик муносабатлар, сўзлар ўртасидаги синонимик муносабатлар азал-азалдан семаснология муоммолари билан шугулланувчи тилшунослар диққатинини ўзига жалб этиб келган. Зеро, синонимияга боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш лексикологиянинг сўз маъноларни тадқиқ этиш билан чамбарчас ва бевосита боғлиқ бўлган антонимия ҳамда полисемия ҳодисаларини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Тилдаги синонимия ҳодисаси нафақат семаснологлар, яъни сўз маъноларини

тадқиқ этувчилар, балки айна пайтда лексикографлар, адабиёт-шунослар, хорижий тилларни ўқитиш методикаси ҳамда таржима-шунослик учун жуда муҳим ҳисобланади.

Синонимиянинг турли жиҳатларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг кўп бўлишига қарамай шу пайтгача синонимларни таърифи, уларни ўрганиш методлари, уларни тасниф қилиш методлари ҳамда синонимик қатор чегаралари ҳақидаги фикрларда яқдиллик қузатилмайдн. Бундай масалалар сирасига стилистик синонимлар таржимасини ҳам киритиш мумкин.

Аксарият олимларнинг фикри бир нарсада бир-бирига мос келади. Бу ҳам бўлса синонимлар тил микросхемасининг ўз муносабатлари билан ажраланб турувчи бир қисмини ташкил этади ва умуман олганда тилнинг лексик системасининг ажраламас қисми ҳисобланади.

Синонимияга тегишли масалалар орасида энг муҳим ҳисобланган унга таъриф беришда ҳам яқдиллик қузатилмайдн; турли олимлар синонимияга турлича таъриф беришади. Баъзи тадқиқотчилар синонимларга таъриф берганда маънонинг умумийлигини инobatта олса, баъзилари эса сўздаги маъно ва предмет, сўзнинг мангикий хусусиятини назарда тутати. Учинчи гуруҳ олимлари эса синонимларни қўллашда уларнинг умумий структура моделини ҳамда айнан бир хил сўз бирликмасини эътиборга олишади.

Юқорида тилга олинган ёндашув, фикрлар ҳамда таърифлар ҳақида батафсил маълумотлар В.А. Паутинскаянинг “Обзор литературы по вопросу синонимии” (“Синонимия масалалари бўйича адабиётлар шарҳи”), В.А.Звегинцевнинг “Семасиология”, “Вопросы теории и истории языка”, (“Тил назарияси ва тарихи масала-

лари”), “Теоретическая и прикладная лингвистика” (“Назарий ва амалий тилшунослик”), В.Т.Вилломаннинг “Об определениях синонимии и их синонимия в современном английском языке” (“Замонавий инглиз тилидаги синонимия тарърифлари ва уларнинг синонимияси”), шу давргача синонимия бўйича ёзилган диссертация, илмий мақолалар ҳамда “Лингвистик энциклопедия” китобида келтирилган. Инглиз тили синонимиясини ўрганишга бағишланган В.Г.Вилманнинг тадқиқотида синонимларнинг барча аломатлари батафсил ўрганилади ва олим сўзларнинг синонимиясини тап олиш учун унинг сўзлардаги семантик ва функционал белгиларни аниқлашнинг ўзи етрали деган хулосага келади. Синонимлар муаммоси маъно ва функцияларида сўз бирикмалари асосида уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи жihatларини аниқлашни назарда тутди. Бу ёндашувнинг тўғрилиги катор олимларнинг синонимияни ўрганишга бағишланган ишларида ўз исботини топганлиги билан изоҳланади.

Синонимик муносабатлар моҳиятини тушуниш сўз маъносининг лисоний тузилишининг моҳиятини тушуниш билан чамбарчас боғлиқ. Тилшуносликда, хусусан, лексикологияда сўзнинг семантик структурасини талқин қилишни турли усуллари мавжуд.

В.Г.Вилманнинг фикрига кўра, сўзнинг семантик структураси синонимлар маъносини аниқлашда зарур ҳисобланадиган семантик белгилар йиғиндиси сифатида таърифланади. Сўзларнинг семантик жihatдан яқинлигини аниқлаш йўлларида бири сифатида айни сўзларнинг изоҳли лугатлардаги маъноларининг изоҳларини таҳлил қилиш тавсия этилади. Иккита сўз семантик жihatдан бир-бирига яқин бўлган бирикма ҳосил қилади. Бунда уларнинг лугавий

изоҳида биринчиси иккинчиси ёрдамида берилиши лозим, яъни сўзнинг изоҳида маънодош сўз қўлланган бўлиши шарт. Сўзлар ўртасидаги алоқа бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин.

Уларни батафсил ўрганиб турли сўз туркумига тегишли сўзлар ўртасидаги семантик алоқани ўрганиш мумкин. В.Г.Вилман ўз тадқиқотида “look” феълининг семантик алоқаларни ўрганиб, синоним феъллар семантик структурасининг матричасини тузади. Семантик структураларнинг матрица тақдим этилиши нафақат материални кўрсатиш, балки тил хусусий тизимининг тартибга солинган, тизимли ва турли ўзаро боғланган ва бир-бирига қарама-қарши қўйиладиган маънолар ҳар бир сўз матрица ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар сўзнинг матричасида тартибли равишда жойлаштирилган турли маънолар тақдим этилади.

Тил ҳодисаларини, уларнинг характерини ҳамда ривожланиш қонуниятларини чуқур аниқлаш учун бу ҳодисаларни икки ва ундан ортиқ тилни қиёслаш мақсадга мувофиқ бўлади. Қиёслаш учун таржима қилинган матнлар жуда бой ва аниқ маълумот олиш имконини беради.

А.В. Щерба, Р.А. Будагов, В.Г. Гак, Б.А. Успенский, В.Н. Ярцева, Ш. Балли, С. Ульман, У. Вейнрих ва бошқа тилшуносларнинг илмий ишларининг аксарияти турли тиллар лексикасини қиёсий ўрганишга бағишланган.

Сўз маъноларини қиёслаш билан шугулланган тилшуносларнинг аксарияти тилнинг маъно билан боғлиқ бўлган кичик системаларни қиёслаш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблашади. Бу эса тадқиқотчиға ҳар бир системанинг лексик элементини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари қиёсланаётган тилларда бир хил

предметга алоқадор сўз ёки сўзларнинг семантик контурлари бундай хусусиятга эга эканлигини тушунтиришга, қачон улар мос келиши мумкинлигини талқин қилиш имкониятини беради.

Қиёсий тадқиқотлар типологик тадқиқотлар учун база вазифасини бажаради, типологик универсалияларни аниқлашга асос бўлади, чунки қиёслаш натижасида муайян нуқтаи назардан маъно элементларининг ўхшаш ва фарқ қилувчи жиҳатлари аниқланади.

М.М.Маковский “Типология лексикосемантических систем” (“Лексик-семантик системалар типологияси”) деб номланган мақола-ласида қиёслаш учун муҳим ҳисобланган ва тўла асосланган бир фикрни таъкидлаган. Мақолда айтилишича, сўзларни типологик таҳлил қилиш кузатиш учун жуда қўлай ҳамда аксарият ҳолларда мос келадиган лугат ва семантиканинг ташқи ҳолатларини тасдиқлашдангина иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Ўзи қўйган саволга М.М.Маковскийнинг ўзи қўйидагича жавоб беради: “Тадқиқот жараёнида лексик таркибдан қатъий назар бир қатор тилларга хос бўлган умумий лексик-семантик структурага тегишли моделлар мавжудлигини аниқлаш ва бундай бўлса, уларнинг қоуниятлари хусусиятлари қанақалигини аниқлаш зарур”.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга қараганда, сионимия масаласи ўрганилган ва ўрганилиши давом этмоқда, бироқ тадқиқотларнинг аксариятини хорижий ва Россия олимлар томонидан бажарилган ишлар ташкил этади.

Стилистик синонимларнинг мавзу сифатида таълими бежиз эмас. Биринчидан, ҳозирги кунда таржимашунослик муаммолар долзарб масалалардан бири бўлса, иккинчи томондан таржиманинг стилистик синонимларни инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қи-

лиш муаммолари докторлик диссертацияси доирасида махсус ўрганилмаганлиги билан изоҳланади.

Синонимларнинг ёки синоним сўзларнинг белгилари лексик бирликларнинг семантик ва маъно жиҳатдан умумийлигини ҳамда уларнинг қисман бирини ўринини иккинчиси билан алмаштириш хусусиятининг мавжудлигини, яъни муайян контекст бир-бирига мос келиши ва бошқа ҳолатда бу нарсанинг юз бермаслигини назарда тутиб, синонимлар барча контекстда бир-бирини тўлиқ ўрни-ни қоплай олмаслиги улар ўртасидаги танлаш масаласини кун тартибидан олишни тақозо этади.

Аристотелга ҳавола қилиб, С.Ульман сўзлар синонимияси услуб категорияси деб таъкидлайди; услуб, маълумки, доим камида иккита сўз ўртасида танлашни назарда тутадн, улар мос келиши ёки келмаслиги мумкин, бунда шундай ҳулоса қилиш мумкин, қаерда сўз танлашга асос йўқ бўлса, ўша ерда синонимияга ҳожат йўқ бўлади.

Лингвистиканинг асоси мулоқот жараёни, нутқ омиллари саналади. Лекин, лингвистика нутқ актидаги умумий, барча вазият учун бирдай қонун-қоидалар қурилишига асосланади. Коммуникацион мулоқот лингвистик сатҳ, тил қурилиши воситасида воқелик асосида юзага чиқарилади. Бугунги кун замонавий тилшунослиги фақат системавий тилшунослик сифатида, тил материалларидан (фонетик, лексик, грамматик) фойдаланиш билангина чегараланиб қолмаслиги талаб этилади. Замонавий тилшуносликда психолингвистика, социолингвистика, этнолингвистика сингари атамалари нутқ жараёнлари билан узвий алоқадорликда қулланилиб келмоқда. Кейинги ун йилликлар мобайнида тилшуносликда гендер

лингвистикаси тушунчаси ҳам кўзга ташланиб қолмоқда. Бунда муаллиф жинси матн асосида аникланиши назарда тутилади. Психоллингвистик нуқтан назаридан конкрет шахслар психологик жараён ва тил тизимидан, воситаларидан фойдаланиш имкониятларига ахамият қаратади. Нутқ жараёнида психологик вазият ва ифодаланган лисоний бирликлардан мулоқот воситаси сифатида фойдаланувчи шахе жинси фаркланиши кузатилиши мумкин. Боиси, психолгик ҳолатига ва нутқ жараёнида истеъмом қиладиган лисоний ва нолисоний военталар ҳар бир жинс вакилида узига хос шаклда намоён бўлади. Буннинг учун муаллиф семантик сатҳни тахлил этиб, мақсад сари йуналтириши, жинс тоифасида Сўзларни куллаш билан боғлиқ нуқтага алоҳида маъсулят билан ёндашмоқлик талаб этилади. Матн, аввало, тафаккур орқали идрок этилиб, анализ қилингандан сўнг, тушунчалар шакллантирилиб, ижодий ёндашмоқлик даркор бўлган жараёндир. Бу орқали муаллиф ўз дунёкараши, ижтимоий-сиёсий салоҳиятидан келиб чиқиб, тафаккурдаги маълумотларни ахборот тартиқасида тингловчига етказиб беради.

Масалан, «Вафосизга. Мен ўзимнинг бу мактубимни кўз ёшларим билан ёзаман. Негаки, ҳозирда менинг кўз ёшларимгина эмас, бутун борлигим сиёҳдир. Мен энди оғизлардаги вафо Сўзига ишонмайман...» (Абдулла Кодирий «Ўткан кунлар») Тилдаги миллий- маданий узига хослик контекстда муаллиф тамонидан баён этилади. Муаллиф матнда воқеликни ҳар турли шахслар воситасида очиб беришга ҳаракат қилади. Келтирилган парчада вазият билан боғлиқ ҳолда образнинг руҳий ҳолати, тил компонентлари воситасидан жинс тоифасини англаб олиш мумкин. • ... кўз ёшларим би-

лан ёзаман... Ушбу ифода аёл жинсига хос эканлиги баён қилинган вазият, рухий ифода орқали сезилиб турибди. Чунки, кўз ёш қилишлик ва бу ҳақда аниқ - ошқора вербал баён қилиш аёлларга хос бўлиб, эркак жинси учун мос бўлмаган ифода ишлатилган. Демак, матндаги мазмун шаклланишида рухий ҳолат алоҳида вазифа бажаради. Қўлланиладиган тил воситалари, вазият, рухий ҳолат кишининг жинсига мос ва хос равишда танлаб олинади. Тилшуносликда лексик сатҳнинг ўзгариб бориши бевосита жамиятдаги тараққиёт, ривожланиш билан боғлиқ содир бўладиган жараён сифатида караш мумкин. Чунки, замон ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий омилларнинг такомиллашуви бевосита инсон рухий ҳолатидаги ривожланиш билан боғлиқ мезондир. Унинг акси ана шу халқнинг тил бирликларида шаклланиб зуҳр этади. Шу бонс муаллиф замон ифодасида тилнинг экстралингвистик, тил тараққиётига таъсир курсатувчи объектив воқеликка доир шарт - шароитларга алоҳида аҳамият қаратади.

Матннинг контекстуал таҳлилида шакл ва мазмун моҳиятини белгилашда лингвистик жараёнлар ҳамда нутқ ифода этилаётган макон ва замон, рухий ҳолат ва муҳит деталлари инобатга олинади. Шу туфайли келтирилган воқелик намуналарида вазиятда, ҳамда ҳар бир шахс индивидуал психологик позициясига мос ёритилиши кузатилади. Булардан кўриниб турибдики, жинслар уртасидаги муносабатларда ўзаро бир-бирига бўлган рухий-психологик ёндашув нутқ жараёнида вазият ва муҳитга, замонга боғлиқ фаркланади. Гапнинг конкрет контекстдаги мундарижасининг мазмуний бўлинишлари қуйидагича тармокланади: 1. Сўзловчи ва тингловчига маълум нарсани ифодаловчи қисм (мавзу) 2. Сўзловчи айтмоқчи

бўлган фикр, яъни маълумот. Гапнинг ўзаро мазмун муносабатида бўлган компонентлардан (коммуникатив бўлақлардан) иборат структураси матндаги лингвистик шаклни белгиловчи омил саналади. Фикрнинг ифодалаш мақсадида вазифа бажарувчи, коммуникатив функциясига кўра матн таҳлил этилганда гапнинг икки асосий функцияси фаркланади:

1. Коммуникатив функция

2. Эстетик функция матнда коммуникатив функция вазифа жиҳатидан гапнинг қандай шаклда эканлиги (дарак, сўрок, буйруқ-истак гап шакли) белгиланади. Эстетик функциясида эса матнда кулланилган бадиий унсурлар, эмоционал-интеллектуал мезонларга амал қилиш кузатилади. «Инсонни бошқа хайвонлардан юқори қилган олийжаноб тухфага кўра бизнинг ҳаракатларимиз ҳукмдор бўлган оғда бирламчи бўгин бу - Сўз» (М. В. Ломоносов) Инсонни Сўз айлади жудо хайвондин, Билким, гуҳари шарфрок йўқ ондин. (Алишер Навоий) Сўзнинг қудрати – буюк; имкониятлари – кенг. Агарда ундан оқилона фойдаланилса, ўз самарасини беради. Тилнинг лугат таркибига ҳос бирлик – Сўз. Сўзнинг материал қисми, яъни лексема маъно ифодалашига кура таҳлил этилганда қуйидагилар ҳисобга олинади: Лексик қатламнинг стилистик имконияти; 1. Тарихий – этимологик хусусияти; 2. Замонавийлик нуқтаи назардан (арханк, тарихий, неологизм) 3. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатга кўра; 4. Бир маъно ёки кўп маъно ифодалашига кўра; 5. Ўз маъно ёки кўчма маънодалиги; 6. Эмоционал – экспрессив буёғи; 7. Бирга қўлланган Сўзлар билан муносабат; 8. Вазиятда сўз ифодалаган маъно; Лингвистик жараёнда лексик сатҳда кузатиладиган синонимик сўзлар катламида жинс категорияси ҳам фарк-

ниб туради. Сабаби, «гўзал», «махлиқо», «хурлиқо» сифатлари ёки «ноз этди», «хиромон этди», «ишва қилди» ҳаракатлари фақат аёл тоифаси учун ишлатиладиган сатҳ саналади. «Ўқтам», «барно», «алп комат» сингари лексемалари эркак жинсига хос тавсифлардир. Тилнинг коммуникатив ва эстетик функцияларининг бирликларидан, услубга хос элементларидан кенг фойдаланиб, экспрессив ва тасвирий воситалардан куллаш, сўзларнинг образли ифодаланиши, шунингдек, сўзларни ўз ва кўчма маъноларда хизмат қилиши муаллиф махоратига боғлиқдир. Ҳар қандай асар намунасида муаллиф томонидан халқнинг ўтмиши, бугуни, шу билан бир қаторда ижтимоий-иктисодий, сиёсий-маданий ҳамда маърифий жиҳатлари талқин этилади. Матнда нутқ жараёни тингловчи ва сўзловчининг коммуникацион иштироки, сўз маъноларининг вариантчилиги акс эттирилади. Нутқ коммуникациясида «эмоционал» ҳамда «экспрессив» ёндашув матнда нутқ бирлиги воқеликни ёритиб беришдаги урни билан характерлидир. Контекст давомида акс эттирилган вазиятда, албатта иштирокчилар каттишуви ва уларнинг рухий ҳолатлари ифодасида лексик сатҳнинг қандай ифода этилгани ахборот манбаи тарзида хизмат қилади.

4.4. Адабий сўзлар таржимаси

Таржима муаммоларининг назарий масалаларига эътиборингизни қаратмоқчиман. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг чет тилларидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан чет тилларига таржима қилишга қизиқиш анча ортди. Ҳукуматимиз профессионал ва юқори малакали таржимонлар тайёрлашга катта аха-

мият бермоқда. Таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши ҳамда мутахассислиги бўйича Давлат таълим стандарти қабул қилиниб, шу соҳа фанларига доир намунавий дастурлар тасдиқланди. Республикада ягона Жаҳон тиллари университетнда таржимонлик факултетига талабалар қабул этила бошланди. Бу, ўз навбатида, таржимон мутахассислар тайёрлашда бизга улкан вазифаларни юклайди.

Шу муносабат билан, юқори малакали таржимонлар тайёрлашда қандай назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишимиз лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Бизда чет тилларидан ўзбек тилига таржималар шу пайтгача, асосан, воситачи тил — рус тили орқали амалга ошириб келинган. Бунга асосий сабаб, меннинг фикримча, таржима назариясининг етакчи масалаларидан бири — чет тилларидан ўзбек тилига таржиманинг назарий муаммолари тўлиқ ёритилмаганида, бу соҳада номзодлик ва докторлик диссертациялари кам ёқлангани, дарслик ва қўлланмалар ёзилмаганидир. Бу — диссертациялар, қўлланма ва дарсликлар ёзишга материал йўқ, дегани эмас. Сўнги пайтлари Жаҳон тиллари университетининг таржимонлик назарияси ва амалиёти факултети таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчилари томонидан “Синхрон таржима”, “Таржима тарихи”, таржимонлик факултети талабалари учун “Инглиз тили” дарсликларни ёзилди. Бироқ оғзаки ва ёзма таржимадан, чет тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан чет тилига таржима, матбуот таржимаси бўйича ҳали қўлланмалар охиригача ёзилмаган.

Ўзбекистонда чет тиллардан мутахассислик сифатида ўргатиладиган тилларни инobatта олсак, шу пайтгача инглиз, француз,

немис ва испан тилларидан ўзбек тилига таржиманинг лингвистик асослари ишлаб чиқилмаган. Тўғри, бу соҳада маълум ютуқларимиз бор, лекин бу чет тилларидан ўзбек тилига таржима қилиш асосларини яратиш учун етарли эмас. Кўплаб назарий фикрлар ҳали умумлаштирилмаган. Бевосита чет тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар таржима нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган.

Мавжуд таҳлиллар диссертация ёқланган ташкилотлардан нарига ўтмайди. Амалга оширилган таржима асарлар таҳлил қилинмаётганлиги боис, нашр этилган аксарият лугатларда сўз маънолари, уларнинг маъно нозикликларни эътибордан четда қолиб кетаётди.

Бадний таржима, иқтимоий-сиёсий матнлар ва илмий-техник таржималарда ҳам ҳозир айтилган муаммолар мавжуд. Албатта, бестселлер китобларнинг ҳам ншқибозлари кўп. Айни пайтда жиддий прозадан кўра, саргузашт-детектив асарларнинг харидори бисёр. Бозор иқтисодиёти шароитида бу, албатта, ўз таъсирини ўтказди. Нима бўлганда ҳам таржима савиясини таъминлайдиган энг асосий нарса лугат ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда нашр қилинган лугатлардан кўра электрон лугатларга талаб ортиб бормоқда. Бундан эндиликда чоп этилган лугатларга эҳтиёж бўлмайди, деган фикр тугилмаслиги керак. Замонавий талабларга жавоб берадиган лугатлар тузиш ҳам долзарб муаммолар сирасига киради.

Бу ишга малакали мутахассисларни жалб этиш зарур. Таржима соҳасида деярли эътибор берилмаётган соҳалардан яна бири, бу — таржима таҳлили асослари. Чет тилларидан ўзбек тилига таржима

қилинган матнлар таҳрири бўйича бирорта ҳам қўлланма ёзилмаган.

Бу каби вазифаларни ижобий ҳал этиш, бир томондан, малакали мутахассислар тайёрлаш имконини берса, иккинчи томондан, таржима назарияси муаммоларини илмий жиҳатдан чуқур ўрганадиган олимлар сонини кўпайтириш имконини беради.

4.5. Стилистик синонимларни таржима қилиш йўллари ва усуллари

Фаннинг барча соҳаси шу жумладан тилшунослик ҳам ўз илмий аффиликацияга эгадир. Фан соҳаларини терминлар тизими бири-биридан ажратиб туради. Турли соҳаларида қўлланадиган терминларнинг аксарияти тор ва кенг маънода қўлланади. Тадқиқотимиз марказий тушунчаси ва термини ҳисобланган стилистик синонимлар типологиясининг ўзига хос муҳим аломатлари асосида лингвистик категорияга бирлаштириб тасниф этилади. Замонавий тилшуносликда бу ҳодиса ҳали ҳам етарли ўрганилмаган масала ҳисобланади.

Синонимияга бағишланган илмий адабиётларда синонимия тушунчасиги ҳозирга келиб муайян даражада унинг турлари ажратилган, бироқ соҳага бағишланган махсус адабиётларда синонимларнинг бир тоифага оид жиҳатлари турлича таърифланган (Қаранг: Задорожный 2001; 64; Баранникова 2006; 16).

Синонимларнинг келиб чиқиши, ривожланиши, уларни таснифлашга ҳамда типологиясига бағишланган адабиётлар XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида ҳам салмоқи жиҳатидан унча кўп бўл-

маганини кўриш мумкин. Ўтган асрнинг ўрталарида ёзилган лингвистик адабиётларда асосий эътибор уларнинг турларини ўрганишга ва тасниф қилишга қаратилган эди. Синонимларни ўрганиш жараёнида уларнинг бир тизимга солинмаганлиги уларни тасниф этишда турли-туманликлар маъжуд бўлишига сабаб бўлган. Улар,, юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзан тор ва баъзан кенг маъно тушунилган. Синонимларни тор маънода тушуниш аксарият ҳолларда унинг структурасидан стилистик синонимлар қаторидан чиқаришга, охир оқибат уларни синоним сифатида ҳисобга олмасликка олиб келган. Синонимларни кенг маънода тушуниш синонимлар қаторини кенгайтиради, чунки у лексик бирликларнинг предмет ва денотатив умумийлигига асосланади. Синонимларни кенг тушуниш исталган сўзлар контекст доирасида бир-бирининг ўрнини тўла қоплай оладиган исталган сўз шундай хусусиятга эга бўлади.

Синонимларни ўрганиш тилшуносликнинг лексикология фани объекти ҳисобланади. Бироқ синонимларнинг лексикология фани доирасида тушунтириш, бизнинг фикримизча, етарли ҳисобланмайди. Чунки лексикология фани ҳам тилшуносликнинг ўз бирлигига эга бошқа соҳалари каби фанлараро алоқаларга асосланади. Бу ерда лексикологиянинг ўз бирлигига эга бўлмаган стилистика ва типология соҳалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш ижобий ҳамда илмий жиҳатдан объектив натижалар беради.

Шунинг учун стилистик синонимлар ҳақида фикр юритишдан олдин “синоним” тушунчасини тилшуносликнинг мазкур учта соҳасида қандай таъриф берилиши, турларга бўлиниб, тасниф этилишини кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Стилистик синоним ва умуман синонимлар бўйича тилшунос-ликка бағишланган адабиётларда мавжуд таърифлар бир-бирдан фарқ қилиши, хилма хиллиги, синеонимларнинг турли жиҳатларини ҳисобга олиниши, уларни турли тушунилиши, илмийлиги ва шу кабилари билан ажралиб туради. Шунинг учун тилшунослик соҳа-сида мазкур ҳодисага бағишланган аксарият адабиётларда синоним-лар таснифининг ҳам турли туманлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бундай турли туманлик синонимлар таснифини боши берк кўча олиб келади. Синонимлар масаласи билан шуғулланган ҳар бир тадқиқотчи иложи борича ўзининг таснифини илгари суришга ҳаракат қилади. Бу таснифларнинг турли тилларда турлича берилишига олиб келади. Рус ва туркий тиллар тилшунослигида синонимлар таснифи бир-бирига яқин бўлса, бу ҳодиса герман тилларидан бошқача талқин этилишини кўриш мумкин (Қаранг: Ullman 1059; 109).

Турли тилларда синонимлар таснифи турлича бўлиши уни типологик жиҳатдан алоҳида кўриб чиқиш лозимлигини тақозо этади. Типологик жиҳатдан синонимлар ҳодисасини ўрганиш умумий ёндашув эмас, тадқиқотчидан махсус ёндашувни талаб этади. Хусусан П.Г. Черемесин умумий синонимларга таъриф беришга самарасиз ҳаракат қилишдан кўра уларнинг идеографик ёки стилистик синонимларга иккита мустақил таъриф беришга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайди [77, Б. 10-11]. Деярли худди шундай фикрни А.А.Уфимцева ҳам илгари сурган. Унинг фикрича, “тилшунослик бўйича ҳозирги билимлар ҳолати синонимлар муаммолари бўйича мазкур тил ҳодисаси таърифига сира ҳам алоқаси бўлмаган, мазкур ҳодисани ҳар бир

тилда, ҳар бир даврда фарқламасдан синонимлар тоифасини ўрганиш, уларнинг формал жиҳатдан ифодаланиши ва тил тизимидаги нисбий алоқаси, уларнинг нутқдаги бир-бирини ўрнини қоплай олиш даражаси ва шарт-шароитлари умумий таърифини ишлаб чиқишдан иборат деб ўйлашнинг ўзи етарли эмас” [73, Б. 28-29].

Бу дегани тадқиқот учун олинган ҳар бир тил ҳодисаси чуқур ва ҳар томонлама, тўпланган тажриба ва илмий жиҳатдан ўзини оқлаган ёндашув асосида амалга оширилиши лозим.

Синонимларни ўрганишга типологик жиҳатидан ёндашиш лексик маънолар турини тадқиқ этишга бориб тақалади. Лексик маъно турларини ўрганиш уларни турларга ажратиш, маънолардаги фарқларни аниқлаш, тасниф этиш, унинг ички ва ташқи қонуниятларини белгилаш каби масалаларни ўз ичига олади. В.В.Виноградовнинг XX асрнинг 50-йилларида синонимларнинг иккита асосий турини – маъно ва тушунча нозикликлари жиҳатидан фарқ қиладиган идеографик ҳамда турли соҳаларда қўлланиши билан фарқ қиладиган стилистик синонимлар ўртасидаги фарқларни чегаралашга бағишланган илмий мақоласи синонимлар типологик жиҳатдан ўрганишга тўртки бўлиб хизмат қилди. Соҳа бўйича мавжуд янги адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра В.В.Виноградовнинг синонимларни иккита катта гуруҳга ажратганини аксарият тилшунос олимлар илмий мақола, дарслик ва қўлланмаларида қўллаб қувватлаган. Олимнинг фикрига қарши чиққанлар, унинг фикрига тўлиқ қўшилмаганлар ҳам бўлган. Ҳозирги келиб баъзи олимлар синонимларнинг ҳаммасини стилистик синонимларга, баъзилари фақат уларнинг муайян қисмини стилистик синоним-

ларга киритиш мумкин деган фикрни билдиришади. Шунинг учун синонимларга бағишланган адабиётларда бир-бирига зид фикр ва таърифларни учратиш мумкин. XX асрнинг 70 ва 80 йилларида юқорида В.В.Виноградов томонидан баён этилган фикрини танқид қилиш, унинг таснифига аниқлик киритиш мақсадида ўша эвоннинг кўзга кўринган лексикологлари, тилшунос олимларидан Ю.Д.Апресян, Р.С.Гинзбург, В.А.Звегинцев, Т.Г.Винокур, А.А., Брагина ва бошқалар ўз муносабатларини билдиришган. Хусусан, инглиз тили лексикологияси бўйича бир қатор илмий асарлар муаллифи Р.С.Гинзбург ўз ҳаммуалифлари билан биргаликда инглиз тилидаги синонимлар ҳақида маълумот келтиришади. Уларнинг фикрига кўра, идеографик синонимлар стилистик синонимлардан биринчиси денотатив, иккинчиси эса коннотатив маъноларга эгаллиги билангина бир-биридан фарқ қилини, уларнинг стилистик жиҳатдан турлича бўлишидан қатъий назар идеографик синонимларни стилистик синонимларга қарама-қарши қўймаслик лозимлигини уқтиришади [28 Б., 76]. Молдован тилшуноси С.Г.Бержаннинг бу борада билдирган фикрига кўра, стилистик ва идеографик синонимларни алоҳида гуруҳларга ажратиш ўзини оқламайди, зеро идеографик синонимларнинг лексик-семантик вариантлари семиснологик нуқтаи назардан стилистик синонимларга мос келади, улар фақат бир-биридан эмоционал-экспрессив жиҳатидан фарқ қилади, Муаллиф синонимлар турини ҳақидаги фикрини давом эттириб, абсолют синонимларни ҳам стилистик хусусиятга эга ва улар ҳам стилистик синонимларнинг алоҳида бир гуруҳи деб ҳисоблайди [19, Б. 53-54].

Юқорида айтилган фикрлар бизнинг тадқиқотимиз учун жуда қимматли ҳисобланади, чунки ҳозирги тилшуносликда синонимлар таснифи нимадан бошланган, улар қандай гуруҳлар бўлиниши диссертациямизнинг асосий мақсадига эришиш имконини беради. Синонимларнинг тилшуносликда берилган тасниф ва таърифларини тўғри танлаш ва уни тадқиқот мақсадини тўғри белгилаш йўналтириш унинг қиңчалик мантиққа асосланганлигига бевосита боғлиқ.

Аксарият ҳолларда тилшунослик ҳодисалари нотўғри талқин қилиниши муносабати билан терминологияни таърифлашда ва ҳодисани талқин этишда чалкашликлар пайдо бўлади. Бу ҳолат синонимларга ҳам бевосита алоқаси бор. Бу борада С.В.Чебанов қуйидагилар ёзади: "...таснифларнинг аксариятни тилшунослар томонидан деярли спонтан равишда, намуна бўйича, уларнинг методологик жиҳатдан тўғрилигини ҳеч қандай старли муҳокама қилмасдан яратилади".

Синонимларни ўрганнишга бағишланган махсус адабиётларда уларни, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, иккита асосий турга бўлинган. Бирок уларга эътибор билан чуқурроқ қаралса, уларни тасниф этишда бир катор камчиликларга йўл қўйилгани маълум бўлади:

Биринчидан, уларни тасниф этганда уларнинг ҳажмига ва мантиқан гуруҳларга ажратиш мумкин бўлган хусусиятларга эътибор берилмагани ҳамда гуруҳларга ажратиш қонуниятларга аҳамият берилмаганини кўриш мумкин. Гуруҳларга ажратиш қонунияти деганда биз ҳажм жиҳатдан тенг тақсимланган ҳодисани тушунаимиз;

Иккинчидан, идеографик синонимларнинг стилистик синонимлар билан биргаликда олганда улар барча синонимлар тоифасини ўз ичига олмайди. Бу дегани синонимлар таснифи фақат идеографик ва стилистик синонимлар билан чекланиб қолмайди. Синонимларни бундай таснифлаш баъзи синонимларнинг бошқа турларини эътибордан четда қолишга олиб келади. Аннқроқ айтадиган бўлсак идеографик ва стилистик синонимларни таснифлаш турли принципларга асосланган. Бундай таснифни тўлиқ деб хисоблаб бўлмайди. Синонимларни идеографик ва стилистик турларга ажратишда йўл қўйилган яна битта камчилик идеографик синоним билан стилистик синонимлар бир-биридан муайян хусусиятлари билан ажралиб туриши лозим. Бироқ уларни таснифлашда, гуруҳларга ажратишда бу принципга амал қилинмаган.

Синонимлар таснифи умумий тилшунослик, лексикология ва стилистика фанларининг марказий масалалардан бири бўлиб, у ҳозирга келиб авлагидан ҳам кенгроқ маънони англата бошлади. Тилшуносликнинг муттасил ривожланиши синонимларни ўрганиш, билш, идрок этиш, функцияларини фарқлаш, турли ижтимоий қатламларда қўлланиши, уларнинг контекстга боғлиқлик ва шу каби бир қатор жиҳатлари уларни турларга бўлинганда эътиборга олинади.

Хусусан, синонимлар когнитив синонимлар (функционал нуқтаи назардан фарқ қилувчи турли дискурсларда синонимнинг ички лексик маъноси жиҳатидан унчалик фарқланмайдиган, бироқ референциал маънода мулоқат жараёнида фарқ қиладиган), контекстуал синонимлар (фақат муайян ҳолатдагина маъноси бир хил, контекстуал жиҳатдан маънолари нејтраллашган иккита сўз ўртасидаги

фаркка эга), шевадаги синонимлар (шева нуқтаи назаридан тилнинг турли вариантларига тегишли синонимлар, масалан Британия вариантыдаги *loggy* ва унинг Америка вариантыдаги *trusk* сўзи), функционал синонимлар (мазкур тушунча лексикологик терминлар сирасига кирмайди, бироқ у турли синтактик бирлик бўлсада бир хил синтактик вазифани бажаришга хизмат қилади. Бунга мисол сифатида бир-бирига функционал синоним бўлган эргашган қўшма гапларни олиш мумкин), идеографик синоним (маъно нозикликлари жиҳатидан бир-биридан семантик нуқтаи назаридан фарқ қиладиган), референциал синонимлар (чегараси ноаниқ термин, кореференциал ифодаланиш хусусиятига эга, яъни бир хил денотат турли нуқтаи назардан ва турли жиҳатдан қаралиши мумкин бўлган ҳолатга эга, масалан Навоий ва “Фарҳод ва Ширин” асарининг муаллифи кореференциал денотатга эга сўз ҳисобланади. Айтиб ўтиш лозимки, бу ерда “Фарҳод ва Ширин” асарининг бошқа муаллифлари ҳам инобатга олиниши мумкин. Бунда контекстуал синоним ҳам назарда тутилиши мумкин), терминологик синоним (ўз ичига битта тушунчани ифодалаш учун ўзлашма сўз ва унинг асосий тилдаги синоним назарда тутилади, баъзи тилшунослар концепт ва тушунчалар ўртасидаги фарқларни тўлиқ ажратиб беришмаган), умумий синонимлар (бир-бирининг ўрнига исталган контекстда тўлиқ қўллана оладиган синонимлар, улар одатда денотати, коннотациясининг қандай бўлиши муҳим эмас. Масалан, от ва отлашган сўз, функционал аффикс (сабрсиз – бесабр, бетоқат), флексия ва ички флексия (герман тилларида) ва инҳоят сўнги синоним – стилистик синонимлар. Ўз номи билан синоним сўзларнинг стилистик жиҳатдан фарқ қилинишини назарда тутати. Маз-

кур синонимлар семантикасида турли эмоционал, экспрессив баҳоловчи хусусиятларни яширинган ва фақат муайян функционал услубга хос матн ва жанрда рўёбга чиқадиган синонимлар сирасига киради.

Замонавий тилшуносликда шу кунга қадар бир қатор тилшунослик терминлари лугати ва энциклопедиялари чоп этилган. Мана шу лугат ва энциклопедиялар таҳлили тилшунослик соҳасига тегишли терминларнинг ривожланиши қандай кечганлиги, турли муаллифлар томонидан уларга қандай изоҳ берилгани, терминларнинг маънолари кенгайганини ёки торайганини, уларнинг бошқа соҳаларга ҳам алоқадор бўлганини кузатиш мумкин бўлади. Асосийси, терминлар лугати ва қомусларига киритилган лексик бирликлар миқдори ва уларда келтирилган маълумотлар катта назарий ва илмий аҳамиятга эга бўлади. Уларда келтирилган маълумотлар асосида умумий тилшунослик муаммоларини илмий асослаш имконияти пайдо бўлади. М.А. Парижева тилшуносликда чоп этилган терминлар лугати ва энциклопедик лугатлар ҳақида атрофлича фикр юритгани ва мазкур соҳадagi қилинган ишлар ҳақида бағавсил маълумотлар келтиради (Қараи: www.superinf.ru).

Хорижий тилшуносларнинг ҳам синонимларни тасниф қилишда ва гуруҳларга ажратишда ҳар хилликка йул қўйишганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Масалан, хорижлик тилшунос олим Ж.Филипец семантик синонимларни тасниф этганда уларнинг қуйидаги учта, унинг фикрига кўра, асосий хусусиятлари:

1. тушуинанинг бир хил семантик қисми ва қўлланиш соҳасининг айнанлиги;

2. тушунчанинг бир хил семантик қисми ва контекстуал жиҳатдан қўлланишининг қисман фарқланиши;
3. идеографик синонимлар бўлганлиги;
4. семантика ва контекстуал соҳада қўлланиши жиҳатидан анча фарқ қиладиган қисман синоним бўлганлигини эътиборга олган.

Юқорида келтирилган асосий турлар ўзининг экспрессивлиги, функционал-семантик, ижтимоий аломатларига кўра вақтинчалик, шева жиҳатлари а шу каби синонимлар пайдо бўлади. Бошқа хорижлик олим Т. Шиппан лексик синонимлар ҳақида гапириб, синонимлар тушунча ва стилистик табиатга эга бўлишини таъкидлайди [86, Б. 122]. Немис тилшунос олими Ф.Хаусманн синонимларнинг турли даражаларни мавжуд бўлиши ва шулар асосида улар бир-биридан фарқ қилиши мумкин деган фикрни илгарин сургани. Унинг таъкидлашича, синонимларнинг даражаларни бир қатор хусусиятларни қамраб олади. Бу хусусиятлар умумлаштириш даражаси, оғзаки, ёзма, махсус тилга тегишлилигини, худудий ёки диалектлик характерга эгаллигини назарда тутати. Ф.Хаусманн синонимларнинг функционал-семантик жиҳатига алоҳида эътибор қаратади. Синонимлар оғзаки ва ёзма нутқда қўлланиши билан фарқ қилиши, оғзаки ва ёзма нутқда қўлланиладиган синонимлар стилистик жиҳатлари билан ажралиб туришини илмий жиҳатдан мисоллар ёрдамида ёритиб беришга ҳаракат қилган [84, Б. 91-93]. Шунинг таъкидлаш лозимки, баъзи олимлар (маъноларни жиҳатидан фарқ қилувчи) тушунча билан боғлиқ синонимларни, (умумий тушунчалик ядрога эга турли стилистик, эмотив ва бошқа фарқ қилувчи жиҳат-

лари мавжуд) стилистик-прагматик синонимларни фарқлайди (Қаранг: G.Gerner, G.Kempke).

Монографияда қўйилган масалаларни тўлиқ ва илмий ҳал қилиш ва объектив хулосаларга келиш учун синонимларга махсус бағишланган ва таснифи бизнинг талабларга жавоб берадиган ишларни ҳам таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Махсус адабиётлар орасида, уларнинг сони кўп бўлмасада, синонимларнинг тўлиқроқ таснифи берилган ишларни учратиш мумкин. Шундай ишлар сирасига Л.М. Васильевнинг синонимлар таснифини киритиш мумкин. Тилшунос ўзининг лексик маъно ва синонимларга бағишланган илмий мақоласида лексик синонимларни уч турга ажратади. Улар: 1) интеллеktуал ва мазмун жиҳатидан фарқ қиладиган синонимлар; 2) формал структураси жиҳатидан фарқ қилувчи синонимлар; 3) инсбний хусусиятларига кўра фарқ қилувчи синонимлар. Л.М.Васильев биринчи турдаги синонимларни идеографик (понятийный - тушунчага тегишли) ва экспрессив (предмет ва образли ҳамда эмоционал-образли) ҳамда аралаш турдаги синонимларга бўлинади. Иккинчи турдаги синонимларга олим стилистик, дистрибутив ҳамда частотали синонимларни киритади. Учинчи турдаги синонимлар сирасига лексик, лексик-сўз ясовчи ҳамда лексик-фонетик синонимлар киритилади.

В.Г.Вилюман Л.М.Васильевнинг синонимлар таснифидаги камчиликларнинг батафсил тафсилотларига ўзининг махсус илмий мақоласини бағишлаган. Танқиднинг асосини синонимларни муайян гуруҳга ажратиш мезонида аникликнинг йўқлигига бориб такалади. Натнжада В.Г.Вилюман таснифидан ўрин олган синонимлар баъзи ҳолларда бир нечта гуруҳда қайта қайта мисол сифатида

келтирилиб такрорланади. Бу гап экспрессив синонимларни ажратишда кузатилади (Қаранг: Вилюман, 1979).

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган синонимлар таснифи меъёрлари жиддий қайта кўриб чиқишни талаб этади. Бундан ташқари синонимлар таснифи муаллифининг эътиборга қўшимча ёки факультатив хисобланган аломатлардан фонетик, морфологик, стилистик ва услубий жиҳатларни олиб, бу факат синоним сўзларгагина мос келади деган фикри, бизнингча, мақсадга мувофиқ эмас. В.Г.Вилюман учун синонимлар таснифида муҳим жиҳат уларнинг семантик ва мазмун нуқати назаридан умумийликка эгаллигидир. Мазкур масалада А.А.Браггинанинг ўхшашлик ва фарқ қилиш синонимларнинг махсус белгиси деб асосланган фикрига қўшилмай бўлмайди, чунки синонимларнинг лексик маъносида, бир томондан, умумийлик, иккинчи томондан эса, фарқ қилувчи жиҳатлари кўринади. А.А.Браггинанинг эътиборга олаётган жиҳати синонимларнинг бардавонлигини ҳамда уларнинг функциялари кўп бўлишини таъминловчи манбасини ташкил этади. Лексиколог олималардан яна бири Е.И.Диброва синонимларга таъриф бераётганда уларнинг иккига муҳим жиҳатига эътибор бериб, шундай ёзади: “синонимия сўзларнинг лексик-семантик қисми бўлиб, у интеграл ва фарқ қилувчи соғаларга асосланади”.

Тахлил қилинган ишлар орасида сўнгги ўн беш йилда синонимлар типологияси масалаларини ўрганганда М.И.Задорожнийнинг ишлари алоҳида ажралиб туришини эътироф этиш мумкин (Задорожний 2001). Мазкур тадқиқот синонимлар типологиясида эътиборга моликлигини ҳисобга олиб унинг устида батафсилроқ тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ бўлади деган фикрдамыз.

Синонимларни тадқиқ этишга бағишланган мазкур махсус илмий мақолада муаллиф кўп (50 дан ортиқ) манбадан фойдаланиб яширин ва аниқ ажралиб турган синонимлар гуруҳларини аниқлашда чоғиштириш асосида синонимлар типологияси бўйича мавжуд муаммолар ҳолатини батафсил таҳлил қилган. У таҳлил чоғида моделлаштириш методини қўллаб синонимларнинг комбинатор турини ҳисоблаб чиқишга муваффақ бўлди. Муаллиф синонимларни турга бўлишда уларнинг семантик ва стилистик фарқларини ҳисобга олиб, уларни тўртта асосий гуруҳга ажратган: Улар ўз ичига абсолют, семантик, стилистик ва семантик-стилистик синонимларни олган. Синонимлар гуруҳини чуқурроқ таҳлил этиш эса муаллифга синонимларнинг иккита асосий стилистик хусусиятларини ҳисобга олиб, уларнинг таснифи таркибинини саккизта тургача етказиш имконини беради. М.И.Задорожный бу билан синонимларнинг стилистик хусусияти уларни янада кўпроқ гуруҳларга ажратиш имкони борлигини ўз таснифида кўрсатиб ўтади.

Т.А.Баранникова М.И.Задорожный таснифида бир катор камчиликларни кўрсатиб ўтади. (Баранникова 2006).

Синонимларни типологик жиҳатдан ўрганишда ҳам тилга олинган ҳодисани тасниф қилишда йўл қўйилган камчиликлар таъсирини сезиш мумкин.

Синхроник ва диахроник ёндашув тил ҳодисаларини ўрганиш учун шунчалик муҳимки, улар бир-бири билан чамбарчас боғланган, уларнинг бундай боғлиқлиги тил ҳодисаларини фундаментал ўрганишга пухта замин яратади. Шунинг учун замонавий инглиз тилидаги синонимларни тасвирий таҳлилидан сўнг синонимларнинг келиб чиқиши ҳамда инглиз тилидан синонимлар миқдори-

нинг бунчалик қўплигини тарихий нуқтаи назардан қараш масалага ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Синонимларни аввал тадқиқ қилган аксарият олимлар иккала ёндашувни ёнма-ён қўллашган ҳамда инглиз тили синонимиясида хорижий сўзлар миқдори катталигига алоҳида эътибор қаратишган. Инглиз тили синонимик қаторида нейтрал қатламга хос сўзлар соф инглизча сўزلардан, адабий ҳисобланганлари эса француз ёки бошқа скандинав тиллардан ўзлашган сўزلардан ташкил топган. Масалан, *freedom: liberty* ёки *heaven: sky*. Бунда биринчи мисоллар соф инглиз тили, иккинчи синоним сўз француз ҳамда скандинав тилидан олинган. О.Есперсен ва бошқа гарб олимлари инглиз тили синонимларга бой тил эканлигини эътироф этишган. Сабаби Бригания оролларига ким юриш қилиб келган бўлса ўшалар Британия оролидаги яшовчи халқлар тилига таъсир қилган, изларини қолдирган. Бизга тарихдан маълумки, Британия ороллар узоқ ва яқиндан келган ганимлар таъсирида бўлган. Булар сирасига бритонлар, римликлар, романлар, саксонлар, данияликлар ҳамда нормандларни киритиш мумкин. Бу ҳақда тўлиқ маълумотни инглиз тилининг тарихий принципларга асосланган этимологик лугатдан олиш мумкин. И.В.Арнольднинг келтирган маълумотларига кўра, британия олимлари юнон ва лотин тилини асрлар мобайнида тадқиқ қилишган ҳамда анча вақtgача илмий доирада мулоқат қилишда фойдаланишган [6, Б. 177].

Синонимия хар бир тил учун ўзига хос намунага эга. Инглиз тилига, аниқроғи, инглиз тили синонимиясига хос бўлган хусусият оддий сўзлар стилистик жиҳатдан нейтрал, француз, юнон ва лотин тилидан ўзлашган сўзлар адабий қатламга хос сўзлар ҳисобланади.

Тилнинг лугат бойлиги учта йирик қатламга бўлиниши барча тиллар қатори инглиз тилига ҳам тааллуқлидир. Буни қуйидаги сўзлар мисолида кўрсатиш мумкин:

| Инглизча сўзлар | Француз тилидан ўзлашган сўзлар | Лотин тилидан ўзлашган сўзлар | Юнон тилидан ўзлашган сўзлар |
|-----------------|---------------------------------|-------------------------------|------------------------------|
| To ask | To question | To interrogate | |
| To end | To complete | To finish | |
| Belly | Empty | Stomach | Abdomen |
| To gather | To assemble | To collect | |
| teaching | guidance | instruction | |
| To rise | To mount | To ascend | |
| | Devoid | Vacuous | |

Инглиз тилида илмий терминлар ҳам деярли худди шундай хусусиятга эга. Унда кўплаб деривацион жуфт синонимлар қўлланади. Мисол сифатида қуйидаги синонимик жуфт сўзларни келтириш мумкин, бунда биринчиси юнон, иккинчиси роман тилидан ўзлашган сўзлар ҳисобланади: *periphery: circumference: hypothesis: supposition; sympathy: compassion; synthesis: composition.*

Юқорида сўзларнинг стилистик муносабатлари бўйича келтирилган жадвал инглиз тили учун характерлидир. Масалан инглизча *dale, deed, fair* синоним сўзлар ўзлашган *valley, act* шеърни услубда қўлланадиган эквивалент ҳисобланади [7].

Тил лугат бойлигининг стилистик жиҳатдан фарқлаш ҳамма тилларда мавжуд ва у универсал характерга эга. Бирок шундай бў-

лишига қарамай, сўнгги йиллардаги тадқиқотлар синонимларнинг семантик ва стилистик хусусиятлари ўзгариши мумкинлигини кўрсатмоқда (адабиётлар кўрсатилиши керак). Қачонлардир стилистик оппозиция ҳосил қилган сўзлар кейинчалик тилнинг ривожланиши натижасида ҳамда вақт ўтиши билан идеографик ва когнитив нуқтаи назаридан бир-бирига қарама-қарши қўйилиши мумкин.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Бадний матн функционал услубнинг ўзига хос хусусиятларига эга. Мана шу хусусиятлар синонимларнинг турига, ишлатилишига ҳамда таржимасига бевосита алоқадор ҳисобланади. Таржима жараёнида қўлланадиган трансформациянинг қайси туридан фойдаланиш матннинг турига, вазифасига ва унда қўлланадиган воситаларга ҳам биринчи навбатда боғлиқ бўлади.

Бадний матннинг хусусиятлари ўз ичига сўзларнинг турли катламларини қўллашни, сўзлардаги турли маъно нозикликларини, сўзларнинг ўз ва кўчма маънода қўлланиши, сўз маъно даражаларининг турлича бўлиши каби бир қатор хусусиятларни ўз ичига олади.

Стилистик синонимлар қандай бўлишидан қатъий назар у тил бирлиги ёки сўз, сўз бирикмасидан ташқил топади. Демак, таржимада стилистик синонимлар сўз бирлиги сифатида лексик трансформацияга учраши табиий ҳисобланади. Бадний матнда қўлланган ва муайян стилистик вазифани бажарган, стилистик маънога эга бўлган сўз таржимасида стилистик трансформациядан кенг фойдаланилади.

Юқорида тилга олинган трансформацияларнинг ўз ўрнида, тегишли шаклда қўлланиш таржимада, айниқса бадний таржимада, адекватликни таъминлашга хизмат қилади.

Стилистик синонимлар таржимаси билан бир қаторда бадний матнда турли стилистик воситалар ёрдамида стилистик усуллар ҳам таржима қилинади ва бу таржимага стилистик ёндашувни тўлиқ амалга ошириш имконини беради.

Стилистик синонимларни таржима қилиш стилистик маънони берадиган бошқа тил унсурлари билан биргаликда амалга оширилади, сўзларнинг экспрессивлиги, эмоционаллиги ва бошқа маъно нознкликлари ҳам таржимон диққат марказида бўлади ва бу таржимада ўз аксини топади.

Стилистик трансформация барча функционал услубларга хос, бироқ стилистик синонимлар таржимаси ва унинг лингвокультурологик хусусияти учун ўта муҳим ҳисобланади, чунки стилистик маънога эга бўлган сўзларнинг эквивалентини топиш, лингвокультурологик жиҳатини сақлаш бадний матн таржимасидаги энг зарур ва муҳим нуқта ҳисобланади. Стилистик синонимларнинг таржимасида тўғри берилиши бадний матн мазмунини тўлиқ сақлаш имконини беради. Бунда стилистик таржима трансформацияларнинг ўрни лингвистик ҳамда стилистик жиҳатдан бекиёсдир.

Стилистик синонимларни таржима қилганда бошқа таржима трансформациялари қатори лексик, лексик-семантик ва стилистик трансформациялардан фойдаланилади. Стилистик синонимлар худди лексик бирлик сифатида қабул қилинади ва бадний матн хусусиятларидан келиб чиқиб таржима қилинади.

Таржимада стилистик синоним сўзлар тўлиқ ёки қисман муқобилига эга бўлади. Айрим ҳолларда инглиз тилидаги, яъни аслиятдаги сўз қатламлари бир-биринга тўғри келмайди. Бундай ҳолларда инглиз тилида эквиваленти йўқ стилистик маънога эга бўлган сўз ўрнига ўзбек тилида маъно жиҳатидан яқинроқ келадиган сўз танланади.

Стилистик синонимларни таржима қилишда сўз танлаш муҳим ҳисобланади. Чунки сўз учта қатламга эга бўлгани учун услуб

би, қатламн ҳамда маънолари ҳам тўлиқ тўғри келиши лозим ҳисобланади. Айни бир хил стилистик синонимлар турли таржимонлар томонидан турлича таржима қилинади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд, чунки таржимоннинг мавзунини билиш даражаси, дунёкараши ҳамда тажрибаси ҳисобга олинади.

Стилистик синонимларни тўғри таржима қилиш луғатларда сўзларга бериладиган стилистик белгиларга боғлиқ бўлади. Таржимонларга стилистик белгилари мавжуд луғатлардан фойдаланиш тавсия этилади. Бундан ташқари бошқа тажрибали моҳир таржимонлар қўллаган усуллар ҳам стилистик синонимлар, умуман лексик бирликларни таржима қилиш усулларидан фойдаланиш яхши натижа беради. Бу усуллар сўз қўшиш, сўзни тушунриб қолдириш, умумлаштириш кабиларни ўз ичига олади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Юсак маънавийт енгилмас куч. – Тошкент: Маънавийт, 2008. – 176.
2. Каримов И. А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: “Шарқ”, 1999. – 182 б.
3. Каримов И.А. “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” “Халқ сўзи” 2012 йил 11-декабр
4. Алексеева И.С. “Текст и перевод. Вопросы теории” монография 2008. – 6 б.
5. Антрушина Г.Б., Афанасьева О.В., Морозова Н.Н. Лексикология английского языка: Учеб. Для студ. пед. Ин-тов по спец. № 2103. «Иностр. яз» - М.: Высш. шк., 1985, - 223 б.
6. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка: Учеб. для инс-тов. и фак. иностр.яз. - 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Высш.шк., 1986. - 295 б., ил. на англ. яз.
7. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка (на английском языке) издание второе. – М.: Издательство «Высшая школа», 1973. - 302 б.
8. Архипов А.Ф. Практический самоучитель перевода по немецкому языку. – М.: Изд-
9. Баранов А.Г. Функционально-прагматическая концепция текста. - Ростов на Дону: Изд-во Ростовского университета, 1993. – 182б.
10. Барт Р. Лингвистика текста. В. кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. –М.: Прогресс, 1978. – 479б.

11. Барт Р. Текстовый анализ. В кн.: Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск IX. —М.: Прогресс, 1980. — 430б.
12. Бархударов Л. С. “Язык и перевод” Москва, 1975. — 240 б.
13. Бархударов Л. С. Некоторые проблемы перевода английской поэзии на русский язык // Тетради переводчика. - М.: Высш. шк., 1984. - Вып. 21. - С. 38-48.
14. Бахтин М.М. Собрание сочинений. — М.: Русские словари, 1997. — 730б.
15. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М.: Искусство, 1979. — 421б.
16. Бегматов Э. ва бошқалар “Адабий норма ва нутқ маданияти очеркларин” Тошкент. 1988.
17. Белянин В.П. Психолингвистические аспекты художественного текста. — М.: Изд-во МГУ, 1988. — 123 б.
18. Бенвенист Э. Общая лингвистика. -М.: Прогресс, 1974.
19. Бережан С.Г. Теория семантических полей и синонимия // Проблемы языкознания. Доклады и сообщения советских ученых на X Международном конгрессе лингвистов (Бухарест, 28/VIII-2/IX 1967). -М., 1967.
20. Бойназаров Ф. “Жаҳон адабиёти” Тошкент. 2006
21. Бреус Е.В. Основы теории и практики перевода с русского языка на английский. — М.: УРАО, 1998. — 207 б.
22. Бушуй А.М. Заметки о фразеологической системности (словность, деривация, кодификация) //Studia russica.- IV.-Budapest,1981.- С. 181-222.
23. Валгина, Н.С. Современный русский язык: Синтаксис: Учебник/— 4-е изд., испр. — М.: Высш. шк., 2003 — 416 б.

24. Гак В. Г. Типология контекстуальных языковых преобразований при переводе // Текст и перевод. — М.: Наука, 1988. - С. 63 – 75.
25. Гальперин И. Р. о понятиях "стиль" и стилистика" Вопросы языкознания. - М., 1973, № 3. - С. 14-25
26. Фафуров И., Мўминов О., Қамбаров Н. Таржима назарияси. – Тошкент: Тафаккур бўстони, 2012. – 216 б.
27. Гвенцадзе М.А. Коммуникативная лингвистика и типология текста. - Тбилиси, 1986. - 91 б.
28. Гинзбург З., Хидекель С. С., Князева Г. Ю. и Санкин А. А. Лексикология английского языка: Учебник для ин-тов и фак. иностр. яз. /Р.— 2-е изд., испр. и доп. — М.: Высш. школа, 1979.— 269 б
29. Гончаренко, С. Ф. Поэтический перевод и перевод поэзии: константы и вариативность Текст. / С. Ф. Гончаренко // Тетради переводчика. М., 1999. - Вып. 24
30. Дымарский М.Я. Проблемы текстообразования и художественный текст. - М. : Эдиториал УРСС, 2001. — 328 б.
31. Земская Ю.Н. и др. Основы теории текста. – Барнаул: Изд-во Алтайского у-та, 2003.
32. Иностранная литература №8, 2002. – С. 35–50.
33. Казакова Т.А. Практические основы перевода – СПб.: Союз 2005. – 319 б.
34. Каменская О.Л. Текст и коммуникация: Учеб. пособие для институтов и факультетов иностр. языков. – М.: Высшая школа, 1990. – 152 б.

35. Комиссаров В. Н., Черняковская Л. А., Латышев Л. К. Текст и перевод. - М.: Наука, 1988. - 166 б.
36. Комиссаров В. Н. Лингвистика перевода. - М.: Междунар. отношения, 1980. - 168 б.
37. Комиссаров В. Н. Теория перевода. - М.: Высш. шк., 1990. - 254 б.
38. Комиссаров В.Н. Теория перевода – М.: Высшая школа, 1989. – 253 б.
39. Кузнецова Э.В. Лексикология русского языка. – М., 1989. – С. 67-68.
40. Қиличев У. Э. “Ўзбек тилининг практик стилистикаси” Тошкент. 1985.
41. Латышев Л.К. Технология перевода: Учеб. Пособие для студ. Лингв. вузов и фак. - 2000. – 280б.
42. Левин Ю.Д. Проблема переводной множественности // Литература и перевод: проблемы теории. – М.: Прогресс, 1992. – С. 23–34.
43. Левицкая Т.Р., Фитерман А.М. Пособие по переводу с английского языка на русский. М.: Высшая школа, 1973. 136 б.
44. Лексикология английского языка: Учебник для инст-тов. и фак. Инстр.яз. / Р.З Гинзбург, С.С Хидекель, Г.Ю. Князева и А.А. Санкин. - 2-е изд., испр. и доп. - М.: Высш. школа, 1979. - 269 б.
45. Лосева Л. М. Как строится текст. – Москва, 1980. – 96 б
46. Лотман Ю.М. Об искусстве. – СПб.: Искусство, 2000. – 704б.
47. Лучинская Е.Н., Симоненко М.Ю. Семантический подход к изучению смысла текста // Дискурс: концептуальные признаки и особенности их осмысления. –Краснодар, 2007.

- а. М.: Высш. шк., 2000. – 160 б.
48. Миньяр-Белоручев Р. К. “Общая теория перевода и устный перевод”. 1980. – 238б.
 49. Миньяр-Белоручев Р.К. Пособие по устному переводу. – Москва: Высшая школа, 1969. – 192 б.
 50. Миньяр-Белоручев Р.К. Как стать переводчиком? – М.: Готика, 1999. – 176 б.
 51. Миньяр-Белоручев Р.К. Теория и методы перевода – М.: Московский Лицей, 1996. – 207 б.
 52. Мукаржовский Я. Эстетическая функция, норма и ценность как социальные факты // Чешская и словацкая эстетика. –М., 1985.– 542б.
 53. Мурзин ЛН., Штерн А.С. Текст и его восприятие. Свердловск: Изд-во УГУ, 1991. - 172 б.
 54. Ніколенко А.Г. Лексикологія англійської мови. - теорія і практика. -Вінниця: Нова Книга, 2007. - 528 б.
 55. Нурмонов А. Лингвистик белги назарияси. –Т.: «Фан», 2008. – 476.
 56. Нурмонов А. Танланган асарлар. 1-жилд. -Т.: Академнашр, 2012.
 57. Общественные науки. Языкознание. – Москва, 1977. - № 6. – С. 168-170.
 58. Раҳимов Ғ.Х. Таржима назарияси ва амалиёти. – Самарқанд, 2015. – 200 б. (кўлёзма)
 59. Раҳимов Ғ.Х. Тил – халқлар ўртасидаги кўприк // Ўзбекистон овози, 2015, Махсус сон. – Б. 7.

60. Ревзин И.И., Розенцвейг В.Ю. Основы общего и машинного перевода. – М.: Высшая Школа, 1964. – 243 б.
61. Рецкер Я.И. Теория перевода и переводческая практика: очерки лингвист. теории перевода. Междунар. отношения, 1974 – 2156.
62. Руцаков В.А. Основания лингвистического перевода и проблемы сопоставления. СПб.: – СПбГИЭА, 1996. – 125 б.
63. Саломов Ғ. “Таржима назариясига кириш”. 1978.
64. Семиотика: антология. –М.: Академ. Проект, 2001.
65. Сирожиддинов Ш., Одилова Г. Бадий таржима асослари. – Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2011. – 163 б.
66. Смирницкий А.И. Лексикология английского языка, –М., 1956.
67. Содиков А. ва бошқалар “Тилшуносликка кириш” Тошкент. 1981.
68. Степанов Ю.С. В трехмерном пространстве языка. Семиотическая проблемы лингвистике, философии, искусства. - М.: Наука, 1985.
69. Стрелковский Г. М., Л. К. Латышев. – Москва: Просвещение, 1980.
70. Стрелковский, Г. М. Научно-технический перевод: пособие для учителей нем. яз. /
71. Сусов И.П. Семиотика и лингвистическая прагматика //Язык, дискурс, личность. - Тверь, 1990.
72. Телия В.Н. Русская фразеология. Семантический, прагматический и лингвокультурологический аспекты. М.: Школа «Языки русской культуры», 1996. — 288 б.

73. Уфимцева 1967 - А.А. Уфимцева. Некоторые вопросы синонимии // Лексическая синонимия. Сборник статей. М., 1967.
74. Холбеков М.Н. Матн ва интерматилнк назарияси // Систем-структур тилшунослик муаммолари. – Самарканд, 2010.
75. Ҳожиев А. Ўзбек тилида синонимларнинг изоҳли лугати.- Тошкент: 1974; Тожиёв Ё. Ўзбек тилида аффиксал синонимия.- Тошкент: 1992. 22.22
76. Қамбаров Н.М. Fledu.uz “таржима трансформацияларига сабаб бўладиган сўзлар хусусида” Тошкент: 2015/2
77. Черемисин П.Г. Опыт исследования стилистической синонимии. -Орел, 1966.
78. Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты М.: Наука, 1988. — 215 б.
79. Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. Учебник, М.: Воениздат, 1973. - 280 б.
80. Шарипов Ж. “Ўзбекистонда таржима тарихидан”. Тошкент. 1965. – 384 б.
81. Bell, Roger T. Translation and Translating. Longman, 1991. – 341 б.
82. Collins English Dictionary. Complete and unabridged. Enrich your language. Sixth edition. 2003, power (p.1275), force (p.635), energy (p.543).
83. Crystal D., Davy D. Investigating English Style. London. 1969.
84. Hausmann, Franz J. (1977) *Einführung in die Benutzung der neufranzösischen Wörterbücher* (Romanistische Arbeitshefte 19). Tübingen: M. Niemeyer.

85. Newmark, Peter. Paragraphs on Translation. Multilingual Matters Ltd, 1993. – 188 6.
86. Schippan T. Einführung in die Semasiologie/T. Schippan. - 1972
87. The Complete Poems by Anna Akhmatova. Transl. by Judith Hemschemeyer. In 2 vol. – Cambridge, Mass., 1992. – 214 6.
88. Thurber, James. My Own Ten Rules for a Happy Marriage. The Oxford Book of Essays. Ed. John Gross. Oxford: Oxford University Press, 1991. C. 462–470.

ГЛОССАРИЙ

Антонимлар – қарама-қарши (зид) маъноларни билдирадиган сўзлар антонимлар дейилади.

Бадний матн – бадний асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллиф ихтиёрига кўра эркин жамлай оладиган, кишиларга эстетик завқ бериш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунликдир.

Вазифадошлик – бир предмет вазифасини иккинчи бир предмет бажариш асосида ном кўчиш вазифадошлик дейилади. Маънонинг бу усулда кўчиши метафорага ўхшаб кетади.

Диалектизмлар – шевага хос сўзлар. Қўлланиш доираси chegarаланган, яъни айрим маҳаллий шеваларда ишлатиладиган сўзлар шевага хос сўзлардир. Шевага хос сўзлар тилнинг маҳаллий кўринишидир. Шевага хос сўзларни шевашунослик ўрганади.

Идиома (фразеологик чатишмалар) – тилда аввалдан тайёр ҳолда мавжуд бўлиб, одатда эмоционал бўёқдор, қотиб қолган нутқ бирлиги ҳисобланади.

Инверсия – гапда сўзларнинг ўрин алмашиши.

Киноя – тил бирлигинин унинг ҳақиқий маъносига қарама-қарши маънода, кесатик, қочирим, пичинг билан ишлатишдан иборат кўчимдир. Киноя билан айтилган сўзлар қўшгирноққа олинади.

Метафора – грекча «кўчириш» демакдир. Бирор предмет, бел-ги, ҳаракат, ҳодисанинг номини нисбий ўхшашлиги асосида бошқасига кўчиши метафора дейилади. Метафора йўли билан маъно кўчишида предмет, нарсас, ҳодиса учун умумий бўлган бир белги (ранги, шакли, кўриниши) мавжуд бўлиб, шу белгининг

ташки ўхшашлиги асосида маъно кўчади.

Метонимия – «кайта номлаш», «алмаштирмак» демакдир. Предмет ва ҳодисаларнинг ўзаро макон ва замонда боғлиқлиги асосида бирининг номини иккинчисига кўчиши метонимия дейилади.

Муқобиллик – бу манба матн ва таржима матн ўртасидаги семантик, структуравий ва функционал жиҳатларнинг ўхшашлигидир.

Неологизм – янги пайтда бўлган сўзлар.

Омонимлар – талаффузи ва ёзилиши (шакли) бир хил, маъноси ҳар хил бўлган сўзлар омонимлар дейилади. **Омофонлар** – талаффуз шакли бир хил бўлган, лекин маъносида фарқланадиган сўзлардир.

Паронимлар – талаффузи бир-бирига ўхшаш, шакли ва маъноси бошқа-бошқа бўлган сўзлар паронимлар дейилади.

Синекдоха – грекча «бирга англамок» демакдир. Қисм орқали бутунни ёки аксинча бутун орқали қисмнинг ифодаланиши синекдоха дейилади.

Синоним - маънодош сўзлардир. Синоним грекча - «бир ном» демакдир. Бирдан ортик сўзларнинг бир маънони англатишидан синонимлар ҳосил бўлади.

Такрор – аини бир сўз, ибора ёки синтактик шаклларнинг муайян мақсад билан қайтариллиши.

Тасвирий ифода – предмет, нарсa-ҳодисанинг муҳим хусусиятлари орқали ифодаланиши тасвирий ифода дейилади.

Трансформация – латин тилида “transformatio” ўзгартириш маъносини англатиб, тузилма, шакл ва усулларни ўзгартириш де-

мақдир.

Ўзлашма сўзлар – сўзлар тилнинг ўзига хослиги ва бошқа тиллардан кирганлигига кўра ўз қатлам ва ўзлашма қатлам турларига эга бўлган сўзлардир.

Ўхшатниш – икки нарсани ёки ҳодисани ўртасидаги ўхшашликка асосланиб, уларнинг бири орқали иккинчисининг белгисини, моҳиятини тўлароқ, аниқроқ, бўрттириброк кўрсатиб бериш.


Фразеологик бирикмалар – силжий оладиган семантик мажмуа бўлиб, уларнинг компонентлари ўз асосий маъноларини сақлаган ҳолда бирикма таркибида муайян сўзлар билангина бирика олишидир.

Фразеологик бирлик – фразеологик бирлик бирикмадан фарқли равишда ўзгармас синтактик мажмуани ўзида намоён этилишидир.

Фразеология - бир-бирига боғланган сўз бирикмаларини ўрганувчи стилистиканинг бўлими.

Эквивалентлик – муайян вақт ва макон учун контекста боғлиқ бўлмаган доимий тенг даражадаги мувофиқлик тушунилди.

Экспрессия – нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ва маънодор бўлиши.



**СТИЛИСТИК СИНОНИМЛАР ТАРЖИМАСИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тошкент – «Алоқачи» – 2017

Мухарир: М . Миркомпилов

Тех. Мухарир: А . Тоғазов

Мусахҳиҳ: Ф . Дўстмўхаммедова

Сахифаловчи: Ф . Тоғазова

«Алоқачи» наширётчи.

**Бичимчи 60x84^{1/16}. «Time uz» гарнитураси. Офсет босма
узулида босилади.**

Шартли босма табағи 11,0. Наширйоти босма табағи 10,25

ОК «NIHOL PRINT» босмахонасида чоп этилди.

Тошкент ., Мухтор Ашрафий кўчаси, 101/99.

Тираж 50 Буюртма №7